

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ГАЙРАТЖОН ТАЖИБАЕВ

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИГА ЧЕТ
ТИЛ ЎҚИТИШДА
КОММУНИКАТИВ
ЁНДАШУВ**

МОНОГРАФИЯ

НАМАНГАН — 2020

УЎК : 159.923

КБК : 88.3

Т –

Тажибаев, Гайратжон.

Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув. / монография / Н.: “Наманган”, 2020. – 204 б.

Монографияда республикамизда бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш билан боғлиқ жараёнлар, ўқувчиларнинг ёшга оид психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиб инглиз тилининг муваффақиятли ва самарали ўрганилишини таъминловчи инновацион педагогик технологиялари такомиллаштирилган. Монографияда бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш методикасининг назарий асослари ёритилган бўлиб, у 5112200 - “Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)”, 5111400 -“Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили)”, 5120100 -“Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)” бакалавриат таълим йўналишининг “Бошланғич синфларда инглиз тили”, “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари”, “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” фанларидан адабиёт сифатида тавсия этилади.

Масъул муҳаррир:

Р. Х. Ниёзметова

Педагогика фанлари доктори,
профессор

Такризчилар:

А. В. Рахмонов

Педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

П. М. Лутфуллаев

Педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Монография НамДУ Илмий-техникавий Кенгашида муҳокама этилган (2020 йил 10 -июньдаги 6-сонли баённома).

Монография Наманган давлат университети Кенгашининг 2020 йил июлдаги 7- сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-xxxx-x-x

© **Тажибаев Г.Ш., 2020**

© «**YANGI NASHR**», 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ	9
1.1. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш концепция ва таълимлари: назарий ёндашув	9
1.2. Бошланғич синфларда чет тил ўзлаштириш ва ўрганишнинг ёшга оид хусусиятлари	19
1.3. Инглиз тилини А1 даражада ўргатишда тиллараро интерференция	36
I боб юзасидан хулосалар	54
II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	57
2.1. Тадқиқот мавзуси доирасида таълим воситаларининг таҳлили	57
2.2. Бошланғич таълимда инглиз тили ўқитишга коммуникатив ёндашув	81
2.3. Машқлар системаси ва улардан фойдаланишнинг инновацион педагогик технологиялари	102
II боб юзасидан хулосалар	124
III БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЖРИБАВИЙ ЎҚИТИШ	126
3.1. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш	126
3.2. Олинган натижаларнинг сифат ва миқдорий таҳлили	135
3.3. Тажрибавий ўқитишнинг статистик таҳлили ва методик тавсиялар	143
III боб юзасидан хулосалар	154
ХУЛОСА	156
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	159
ИЛОВАЛАР	174

КИРИШ

“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билмсизликдир!”¹.

Жаҳонда жамиятнинг ижтимоий буюртмасидан келиб чиқиб, хорижий тилларни бошланғич синфларда ва коммуникатив мақсадларда ўқитилиши нутқ мавзулари, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар ҳамда тил материалидан иборат чет тил ўқитиш мазмунини модернизациялаштириш, инновацион педагогик технологияларни қўллаш методикасини такомиллаштириш, ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишда ўқувчиларнинг тил ўрганишга иштиёқи, лаёқати ва муносабати каби индивидуал жиҳатларини, тафаккур, хотира, диққат каби ёшга оид психологик хусусиятларини, тил тажрибаси ва тил таълим шароитини инобатга олиб сифат ва самарадорликни ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кембриж, Оксфорд, Астон ва Йорк университетларида чет тил бўйича А1 даража учун таълим мазмуни, талаблари ва воситаларини кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, тил ўрганиш усул ва стратегияларини ҳисобга олиб такомиллаштириш Замонавий тиллар Европа маркази, Варшава университети, Гёте университетиде бошланғич синфларда чет тилини маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида ўқитиш, Осло Акершус ва Жоенсу университетларида бошланғич синфларда айрим фанларни инглиз тилида ўқитиш (CLIL), Инчон, Бейжинг, Лешан, Линтон, Ханкуанг университетларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга инглиз тилини табиий нутққа тахминий яқинлашиш ва оғзика нутқнинг илгарилаши тамойиллари асосида нутқ намуналари ва мулоқот моделларини ўқитиш,

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Elektron resurs: <http://uza.uz/oz/>. Murojaat sanasi: 02.02.2020

Москва давлат педагогика университети, Нижегород давлат педагогика университетида бошланғич таълимда хорижий тилларни шахс ва унинг фаолиятига йўналтирилган ёндашув асосида ўқитиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан бошланғич синфларда инглиз тилини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш, инглиз тилини таълим мақсади ва мулоқот воситаси сифатида ўргатиш зарурияти изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни чет тилларини ўрганишлари учун ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрли кишилар қилиб тарбиялаш юзасидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш лозимлиги»² каби вазифалар белгиланган. Яъни чет тилини коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш; хорижий тажрибаларни ўрганиш; бошланғич синфларда инглиз тили ўқитишга инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875 сонли Қарорлари ва мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>. Мурожаат санаси: 26.11.2018 й.

вазифаларни амалга оширишга ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Мамлакатимизда тилларни ўқитиш методикаси билан Ж.Ж.Жалолов, Г.Х.Бакиева, Г.Т.Махкамова, Т.К.Сатторов, Л.Т.Ахмедова, Д.У.Хошимова, М.Джусупов, В.И.Андриянова ва бошқалар шуғулланишган³.

Чет тилларни бошланғич синфларда ўқитиш муаммолари А.Пинтер, Л.Камерон, П.Дрисколь, С.Халливел, И.Верещчагина, Г.Рогова, Н.Горловаларнинг методика соҳасидаги ишларида тадқиқ этилган⁴.

Чет тилларни бошланғич синфларда ўрганиш ва ўргатишнинг педагогик ва психологик асослари Л.С.Виготский, Ж.Пиаже, И.Зимняя, Т.Гордон ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган⁵.

Чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашув С.Каналэ, М.Суэйн, С.Савингтон, Х.Виддоусон, Г.Рикхайт, Х.Строунер, Е.Пассов, И.Зуева ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган⁶.

³Бакиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007.; Jalolov J.J., Makhlamova G.T., Ashurov Sh.S. English Language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Сатторов Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис ... докт. пед. наук. – Т., 2000. – 32 с., Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковой взаимодействий: Дис... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане. Русский язык за рубежом / специальный выпуск / 2017. С. 50-57.

⁴Pinter A. Children learning second languages. Research and practice in Applied Linguistics. – UK.: Palgrave & Macmillan, 2011. – 308 p.; Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – 158 p.; Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – 258 p.; Halliwell S. Teaching English in the Primary classroom. – NY.: Longman, 2003. – 178 p.; Верещчагина И.Н., Рогова Г.В. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в общеобразовательных учреждениях. – М.: Просвещение, 2000. – 260 с.; Горлова Н.А. Личностно-деятельностный метод обучения иностранным языкам дошкольников, младших школьников и подростков. Теоретические основы. – М.: МГПУ, 2010. – 248 с.

⁵Виготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Лабиринт, 1999. – 352 с.; Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 2000. – 222 с.; Пиаже Ж. Речь и мышление ребёнка. – М.: Римис, 2008. – 416 с.; Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 1991. – 222 с.; Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Gr., 2007. – 234 p.

⁶Canale S., Swain M. Theoretical base of communicative approaches to second language teaching and testing. – Oxford. Oxford University Press, 2002. – 48 p.; Savignon S. Communicative language teaching: State of the art. TESOL Quarterly 1991. 25(2): 261-277.; Widdowson H.G. Teaching Language as Communication. – L.: Oxford University Press, 2008. – 168 p.; Rickheit G., Strohner H. Communication Competence Language and Communication Problems Practical Solutions. – B.: Mouton de Gruyter, 2008. – 540 p.; Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 3-е издание. – М.: Просвещение, 2000. – 223 с.; Зуева И.Е. Коммуникативно-ориентированная методика обучения младших школьников лексической стороне иноязычной речи: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. ГОУ ВПО. Нижегородский государственный педагогический университет, 2009. – 14 с.

Бошланғич синфларда чет тил ўқитиш масаласи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, таълим ўзбек тилида ташкил этиладиган бошланғич синфларда инглиз тили ўқитишда коммуникатив ёндашув методикаси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини тақозо этилади.

Монографияда коммуникатив ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тил ўқитиш методикасини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги вазифалар бажарилди:

бошланғич синфларда чет тил ўқитиш концепцияларини, дидактик, психолингвистик, методик ҳамда педагогик тамойилларини, чет тил ўзлаштириш ва чет тил ўрганиш назарияларини таҳлил қилиш;

инглиз тил ўқитиш мазмуни (нутқ мавзулари, малакалари ва тил материаллини)ни таҳлил қилиш;

инглиз тилини А1 даражада ўргатишда тиллараро интерференция даражасини аниқлаб, хатоларнинг олдини олиш, машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлаш бўйича инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш;

инглиз тилини коммуникация ва интеракция воситаси мақомида ўқитишга оид тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тилини А1 даражада коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш методикаси лингвистиканинг «мутаносиблик» ва «тиллараро» назариялари ҳамда психологиянинг «когнитив конструктивизм» ва «ижтимоий конструктивизм» назариялари бўйича такомиллаштирилган;

инглиз-ўзбек тилларида нутқ ривожланиши фило ва онтогенези бўйича ўхшаш хусусиятлари ҳамда лексик ва грамматик кўникмаларнинг ривожланиши бўйича фарқли хусусиятлари аниқлаштирилган;

тиллараро интерференциянинг олдини олишга мўлжалланган машқ (Substitution table) ва тил материаллини ўзлаштиришга кўмаклашиш модели

(Scaffolding) асосида коммуникация ва интеракция усули (Class survey) такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг прагматик компетенциясини шакллантиришнинг дидактик, драматик, имитацион, сюжетли, мулоқотга асосланувчи, ролли ва проектли ўйинлар бўйича методик таъминоти ишлаб чиқилган.

Монографиянинг илмий аҳамияти бошланғич таълимда хорижий тиллар (инглиз тили)ни ўрганиш ва ўргатиш илмий (дидактик, педагогик, методологик ва психолингвистик) асосларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Монографиянинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш (инглиз тили) методикасининг илмий асосларини тайёрлашда, бошланғич чет тил таълими бўйича ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва дарсликларнинг янги авлодини яратишда, ушбу мавзу юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб боришда, олий таълим муассасалари хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ҳамда туманлардаги умумий ўрта таълим мактаблари негизидаги «Маҳорат мактаблари»да махсус курс ва семинарлар ташкил этилишига назарий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади. Шунингдек уни 5112200 - “Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)”, 5111400 -“Хорижий тил ва адабиёт (инглиз тили)”, 5120100 -“Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)” бакалавриат таълим йўналишининг “Бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш”, “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари”, “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” фанларидан адабиёт сифатида тавсия этиш мумкин.

Г БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш концепция ва тамойлари: назарий ёндашув

Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 60 фоизи икки ёки ундан ортиқ тилларда сўзлаша олади⁷. Жаҳонда глобаллашув жараёнларини тезлаштириш, эркин бозор муносабатларига ўтиш ва ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жорий этишнинг рағбатлантирилиши «лингвистик капитал»га, яъни чет тилларни (айниқса инглиз тилини) мукамал эгаллаган мутахассисларга эҳтиёжни кучайтирди⁸.

Чет тил таълимида сифат ва самарадорликни таъминлаш мақсадида чет тилларни ўрганиш/ўргатиш ёшини қисқартириш тажрибаси оммалашиб, халқаро феномен тусини олди. Бунга «the younger the better / early is better» мазмунидаги тушунчанинг кенг тарқалганлиги сабаб бўлди. Бошланғич таълим ўқув дастурига чет тилларни киритиш қарори қуйидаги хулосаларга асосланиб маъқулланган:

Critical Period Hypothesis states that there is a limited developmental period during which it is possible to acquire a language, be it L1 or L2, to normal, native-like levels⁹. – Критик Давр Гипотезаси она тили бўладими, чет тилми, табиий ва чет тилда табиий нутққа яқин даражада эгалланиши мумкин бўлган чегараланган ривожланиш даври мавжудлигини таъкидлайди.

... кичик ёшдаги болалар яхшироқ ва осонроқ ўрганишади¹⁰.

...узокроқ ўрганиш даври мактаб таълими якунига қадар малакаларнинг юқорироқ даражада ривожланишига олиб келади¹¹.

⁷ Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – p. 5.

⁸ Enever J., Moon J., Raman U. Young Learner English Language Policy and Implementation: International Perspectives. – UK., Garnet Publishing Ltd. 2009. – p. 6.

⁹ Birdsong D., Bialystok E., Hakuta K. Second Language Acquisition and the Critical Period Hypothesis. – L.: Lawrence Erlbaum associates publishers, 1999. – p. 1.

¹⁰ Nunan D. The Impact of English as a Global Language on Educational Policies and Practices in the Asia-Pacific Region. TESOL Quarterly 37 (4), 2003. – P.589-597.

¹¹ Singleton D. Language and the lexicon. An introduction. – L.: Oxford University Press, 2000. – 244 p.

Чет тил, хусусан, англиз тилини кичик ёшдан ўрганиш ва ўргатиш ҳам ўз тарихига эга. Кичик ёшдан чет тил ўрганиш ва ўргатиш дастлаб юқори табақа оилаларда тажриба қилинган бўлса (Anna-and-the-King-of-Siam), 1950 йилларда АҚШ ва Европа мамлакатларида оммавий тус олди ва ўн йил ичида «Foreign Language in Elementary School» дастури асосида таълим олувчи ўқувчилар сони бир миллионга етди. Франция, Швеция ва Голландияда эса 1950-йиллар ўрталарида «English without a book» дастури асосида чет тил 3-синфдан ўқитила бошланди¹².

1997 йил февраль ойида Грац (Австрия) шаҳрида Замонавий тиллар Европа маркази (ECML) бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш муаммоларига бағишланган «Foreign Language Education in Primary Schools» мавзусида халқаро семинар, 1997 йил апрель ойида Ворвик (Англия) шаҳрида «Warwick Euroconference on Teaching of Foreign Languages in European Primary Schools» мавзусида, 1998 йил январь ойида Грац шаҳрида «Foreign language education in primary schools - an international concern to be implemented in national contexts» мавзусида, 1999 йил Брюссел (Белгия)да чет тил таълимида сифат ва самарадорликни таъминлаш борасида амалга оширилган лойиҳалар муҳокамасига бағишланган анжуман (Stimulating language learning: The European Label)¹³, 2007 йил Герцен номидаги давлат педагогика университетида (Санкт-Петербург) бошланғич синфларда чет тилларни ўргатиш/ўрганиш методлари ва педагоглар тайёрлаш муаммоларига бағишланган (Early Foreign Language Education) халқаро семинар¹⁴, 2008 йил Бангалор (Ҳиндистон)да бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш халқаро тажрибаларни оммалаштиришга бағишланган (The

¹² Broughton G., Brumfit Ch., Flavell R., Hill P., Pincas A. Teaching English as a Foreign Language. – L.: Routledge, 2003. – 248 p.

¹³ Catalogue of projects presented at the European event «Stimulating language learning: The European Label», at the Charlemagne Building, Brussels, on 25 March 1999. –European Commission Directorate-General XXII – Education, Training and Youth. – 55 p.

¹⁴ Seminar papers on Early Foreign Language Education. – Fin.: University of Joensuu Bulletins of the Faculty of Education, 2008. – 198 p.

Way Forward: Learning from International Experience of TEYL) халқаро конференция¹⁵ ўтказилди.

2013 йил Москва (Россия)да «Чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиёти: анъаналар ва инновациялар» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари муҳокама этилди. Юқорида қайд этилган семинар ва конференцияларда бошланғич чет тил таълимида сифат ва самарадорликни таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди¹⁶. Ушбу тавсияларга асосланиб, бошланғич чет тил таълимида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш асосий мақсад сифатида белгиланди¹⁷.

Бошланғич синфларда чет тил ўқитишнинг: а) психологик асослари И.А.Зимняя (1991), Д.М.Синглтон (1995), Д.Синглтон ва Л.Рян (2004), З.Дорней (2005), П.М.Лайтбоун, Н.Спада. (2006), А.П.Синельников (2009), М.Виллиамс, Р.Л.Бедн (2010); б) педагогик асослари В.А.Скот, Л.Х.Еттрберг (1992), С.Халливел (1993), К.Грант (2002), Ж.Мун (2005), А.Едвардс, П.Найт (2005), С.Хорнер, В.Риф (2007), А.Пинтер (2011), Д.Веил, А.Фаунтейн (2011); в) методологик асослари Ш.Х.Акбарова (1999), Н.Д.Гальскова, З.Н.Никитенко (2004), Л.Камерун (2005), С.Т.Линз, Д.Нюнен (2005), Н.А.Горлова (2010), Н.М.Родина, Е.Ю.Протасова (2010) каби олимлар томонидан нашр этирилган адабиётларда атрофлича ёритилган.

Соҳага оид адабиётларнинг қисқача шарҳидан маълум бўладиги, тадқиқотлар турли таълим шароитларида олиб борилган. Шунингдек, айрим тадқиқотларда кичик ёшдаги чет тил ўрганувчилар сифатида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари назарда тутилган бўлинса, айримларида 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўқувчиларга чет тил ўқитиш жараёни

¹⁵ The Way Forward: Learning from International Experience of TEYL. Collection of papers of international conference. – UK.: Garnet Publishing Ltd., 2009. – P.6.

¹⁶ Enever J., Moon J., RamanU. Young Learner English Language Policy and Implementation: International Perspectives. – UK., Garnet Publishing Ltd. 2009. – P. 19.

¹⁷ Profile of ... Foreign Language Teaching in Schools in Europe. European Commission (Directorate-General for Education and Culture). – Brussels.: Benelux Press, 2001. – P. 21.

тадқиқот объекти сифатида танланган. Бундан ташқари, соҳага оид илмий ишларда коммуникатив ёндашувдан фойдаланиш асосида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш жараёни тадқиқот объекти сифатида белгиланмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослайди.

Юқоридаги адабиётларда «концепция» ва «тамойил» атамалари турли тушунчаларни ифодалайди. Концепция – илмий ғоя(лар), тамойил «асос бўладиган йўл-йўриқ, қонун-қоида» маъносида ишлатилади ва таълим жараёнининг ҳар бир нуқтасида хорижий тилларни ўқитиш стратегия ва тактикаларни белгилаб беради¹⁸. Е.И.Пассов фикрича, «тамойил – ўқитиш жараёни аталмиш бинонинг пойдеворидир»¹⁹. Концепция ва тамойилларнинг тўғри танланиши дарсда ташкил этиладиган фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ушбу фаолиятга қизиқишларини орттиради.

Бугунги кунда бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш методикаси «*(Inter)Cultural Awareness*», «*Language Awareness*» ва «*Humanity*» таълим концепциялари асосида ривожлантирилмоқда.

(Inter)Cultural Awareness – Маданиятлараро мулоқот концепцияси дастлаб Германияда шакллантирилди ва тез орада ғарб мамлакатларида оммалашди. Ушбу концепция асосида чет тилларни мулоқот воситаси сифатида ўргатиш эмас, балки ўқувчини умумий ва нутқий ривожлантириш, яъни уни чет тил ва ўзга маданиятга қизиқтириш, унда кундалик ҳаётда дуч келиниши мумкин бўлган тилга эътиборли муносабатда бўлиш ва интеграциялашаётган Европадаги турмуш шароитларига мослашиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсади ётади. Шу

¹⁸ Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – С. 123-124.

¹⁹ Пассов Е.И. Цели обучения иностранному языку: учебное пособие.– Воронеж: НОУ «Интерлингва», 2002. – №6. – С.3-6.

сабабдан ҳам ушбу концепцияда чет тил таълимининг мамлакатшунослик жиҳатига устувор аҳамият қаратилган²⁰.

Ўйин тарзида ташкил этиладиган таълим жараёни ва мазмуни болаларни тили ўрганилаётган мамлакат урф-одатлари ҳамда анъаналари билан таништирадиган шеър ва қўшиқлардан иборат бўлади. Ушбу концепция Европада «Қўшни (қардош) тилни ўрганиш» номини олган бўлиб, машғулотлар асосан ўрганилаётган чет тил соҳиблари томонидан олиб борилади²¹.

Бундан ташқари, Европа мамлакатларида ўқувчиларнинг миграцияси тез-тез содир бўлади ва улар ўрганилаётган чет тил муҳитида маълум вақт яшаш имкониятига эга. Шуларни назарда тутадиган бўлсак, ушбу концепцияни Европадан узоқда жойлашган ва маданий жиҳатдан фарқ қиладиган мамлакатларда тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Инглиз тилини мулоқот воситаси сифатида ўрганиш дунёнинг ҳамма жойида барча кишилар учун ҳам бир хил маъно касб эта олмаслиги, шу билан бирга, таълим усуллари шунчаки осон йўл билан «экспорт» қилиш мушкул эканлиги исботланган.

Чунки *биринчидан*, ўрганилаётган чет тил соҳиби билан коммуникация ва интеракцияга киришишга эҳтиёж ва имконият мавжуд бўлмасада, тилдан амалий фойдаланишни ўргатиш, яъни фақат «кундалик нутқ вазияти» ва «кундалик турмуш мавзуси» устида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас.

Иккинчидан, инглиз тили фақат бир мамлакатнинг, яъни Буюк Британиянинг эмас, балки Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Канада ва бошқа қатор мамлакатларнинг ҳам давлат тили ҳисобланади. Давлат тили инглиз тили бўлган ушбу мамлакатларда эса маданиятлар фарқлидир.

²⁰ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 33-34.

²¹ Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – С. 13-14.

«*Language Awareness*» – концепцияси «*Holistic approach*»²² номи билан ҳам аталади ва у чет тилни янги билимларни эгаллаш воситаси сифатида ўзлаштирилиши лозимлигини тарғиб этади. Яъни бошланғич чет тил таълимнинг мақсади чет тил воситасида ҳаёт ҳақидаги янги билимларни ўзлаштиришдир. Лекин М.Виллиамс ва Р.Бэднлар Виготскийнинг нутқ ривожланиш онтогенези ҳақидаги назариясини «*Holistic approach*» деб номлашни маъқул кўришган²³. Уларнинг тахминича, Виготский ўрганилиши лозим бўлган билимни кичик қисмларга ажратиб, малака ва кўникмалар сифатида тақдим этиш фикрини маъқулламаган бўларди. Сабаби, Виготский ҳар қандай ўрганиладиган қисмнинг асосини мазмун ташкил этиши лозимлигини уқтиради. Ушбу хулоса таъсирида Европа мамлакатлари, Қўшма Штатлар ва инглиз тили иккинчи давлат тили бўлган мамлакатларда CLIL (Content and Language Integrated Learning) ёндашуви оммалашаётганлигини кузатишимиз мумкин²⁴.

«*Humanity*» (*Шахсга йўналтирилган*) концепцияси Ўзбекистонда ҳам қабул қилинган ва унга мувофиқ бошланғич чет тил таълимида ўқувчига таълим жараёни ва маданиятлараро коммуникация (мулоқот)нинг марказий субъекти мақоми берилади, унинг қизиқиш ва эҳтиёжларига устувор аҳамият қаратилади. Чет тилда нутқий фаолият юритиш ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув жараёнида ўқувчи олдин эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний, эмоционал тажрибасини бойитади²⁵.

Илмий манбаларда бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш концепциялари ва бир неча ўнлаб тамойил (принцип)лари олға сурилган.

²² Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 17-18.

²³ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 40.

²⁴ Pavesi M., et.al. Teaching through a foreign language: A guide for teachers and schools to using foreign languages in content teaching (CLIL). – Rome. Ministry of Education of Italy, 2001. – P. 32.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Халқ таълими. – № 4. – 2013. – Б. 4-32.

Масалан, Европа Иттифоқининг Таълим ва маданият тадқиқотлар дастури доирасида 2005-2006 йилларда бажарилган ЕАС 89/04, Lot 1 «Good Practice and Main Principles» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган илмий тадқиқотда бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишининг асосий тамойиллари муҳимлик мезони асосида қуйидаги тартибда умумлаштирилган²⁶:

- 1) мазмунли контекст ва ўқувчи ёшига мос мавзу танлаш (дидактик);
- 2) чет тил ўрганишга ижобий ёндашиш (педагогик);
- 3) холистик ўрганиш (методологик);
- 4) чет тил амалий машғулотларида ўқувчиларнинг ёшга оид психологик ва жисмоний етуклик даражаларини тўлиқ инобатга олиш (психолингвистик);
- 5) ўқувчиларни ўзгаларга нисбатан бағрикенглик ва турли қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш (педагогик);
- 6) визуал ёндашувга устувор аҳамият берган ҳолда бошқа нутқ анализаторларининг тўлиқ иштирокида ўрганиш (психологик масалаларни методологияга татбиқ этиш);
- 7) чет тил ўзлаштиришга мотивация уйғотиш (ички турткини қўзғатиш) (психолингвистик);
- 8) шахсга йўналтирилган таълим, ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш (педагогик);
- 9) нутқ ҳосил қилиниши учун тинглаб тушуниш машқларига устувор аҳамият қаратиш (дидактик);
- 10) машғулотларни имкон қадар ўрганилаётган чет тилда ташкил этиш (педагогик);
- 11) ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш стратегиялари ва усулларини ҳисобга олиш (дидактик).

²⁶ Edelenbos P., Johnstone R., Kubenak A. The main pedagogical principles underlying the teaching of languages to very young learners. Final Report of the EAC 89/04, Lot 1 study. 2006. – P. 135.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг дидактик тамойиллари. Чет тил ўқитиш амалиётида таклиф этилган қоидалар ва қарашлар лингводидактик (тиллар таълимшунослиги) тамойиллар мақомида умумлаштирилган ва илмий асосланган. Масалан, Ж.Жалолов номланиши ва моҳиятида тафовутлар бўлишига қарамай, қуйидаги дидактик тамойилларни умумлаштирган: тарбиявий таълим, онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, системалилик (изчиллик), индивидуал ёндашиш, (билимларни) пухта ўзлаштириш, ўқувчи кучига мослик кабилар²⁷. Н.А.Горлова бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг дидактик тамойилларини қуйидагича умумлаштирган: фаоллик, кўргазмалилик, ўқувчи кучига мослик, индивидуал ёндашиш, системалилик²⁸.

Илмий манбаларни ўрганиб чиқиб бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг дидактик тамойилларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш усуллари, стратегиялари ва қобилиятини инобатга олиш.
2. Тинглаб тушуниш машқларига устувор аҳамият қаратиш.
3. Дарсларда маъноли контекстлар ва мавзуга оид нутқ вазиятларини яратиш.
4. Машғулотларда техник воситалардан кенг фойдаланилиш.
5. Ўқувчиларнинг ёшига мос аутентик материалларидан фойдаланиш.
6. Нутқ намуналари асосида чет тил ўргатиш.
7. Мавзуларни образлаштириш (гапирувчи кўғирчоқлар ёрдамида).

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг психолингвистик тамойиллари. Тил ўрганиш ақлий фаолият бўлганлиги туфайли унинг психологик асослари мавжуд. Ақлий фаолият руҳшуносликда илмий жиҳатдан текширилади. Шу муносабат билан чет тил ўқитишнинг

²⁷ Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факултетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – Б. 82-83.

²⁸ Горлова Н.А. Личностно-деятельностный метод обучения иностранным языкам дошкольников, младших школьников и подростков. Теоретические основы. – М.: МГПУ, 2010. – С. 182-190.

психологик тамойилларини тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилади. Илмий манбаларда чет тил ўқитишнинг иккита психологик тамойиллари ишлаб чиқилган. Психологик тамойиллар «*вербализация*» (ўзга тил амалда фақат оғзаки нутқ орқали ўрганилади) ва «*корреляция*» (чет тил материалининг муайян чегараси аниқланади, биринчи галда нутқ малакаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган тил birlikлари мажмуи шаклланади) номларини олган. Чет тил ўқитишнинг тилшунослик асослари бирмунча тадқиқ этилганлигига қарамай, методика фанида чет тил ўқитишнинг лингвистик тамойиллари масаласига кам эътибор қаратилган.

Методика тамойиллари моҳиятини ёритишда психологик ва лингвистик қонун-қоидаларга суяниб иш кўрилди ва қуйидаги психолингвистик тамойиллар умумлаштирилди:

1. Ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш, ўзлаштиришга мотивацияси (ички турткиси)ни ошириш.
2. Машғулотларда ўқувчиларнинг ёшига мос жисмоний ҳаракатларини рағбатлантириш.
3. Ўқувчиларни она тили ва ўрганилаётган чет тилнинг ўхшаш жиҳатларидан хабардор этиш.
4. Ўқувчиларнинг воситачи тил (метатил) тажрибаларини ривожлантириш.
5. Ўқувчиларни она тили ва ўрганилаётган чет тилнинг алоқадорлигидан фойдаланишга ўргатиш.
6. Ўқувчиларни ўрганилаётган чет тил тузилмаси билан умумий таништириш.
7. Индивидуал ёндашиш, яъни ўқувчиларнинг хос хусусиятлари (хар қайси ўқувчининг табиати, нималарга қодирлиги, қизиқиши, ким билан дўстлашиши, нималарга салбий муносабатда бўлиши)ни инобатга олиб психо-педагогик тадбирлар олиб бориш.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг методик тамойиллари. Чет тил ўқитиш методикасининг, (а) умумий (нутқий

йўналганлик, чегаралаб ва яхлит ўргатиш, машқлар бажариш, тил тажрибасини ҳисобга олиш), (б) хусусий (нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш, тил машқи ва нутқ амалиёти боғлиқлиги, нутқ фаолияти турларининг ўзаро боғлиқлиги, оғзаки нутқнинг илгарилаши, чет тилда табиий нутққа яқинлашиш, ибтидоий босқични жадаллаштириш), (в) махсус (грамматикани ўргатиш, лексикани ўргатиш, ўқишни ўргатиш ва чет тил ўргатишда нутқ ёзишни қўллаш) тамойиллари ишлаб чиқилган. Биз педагогик тамойилларни умумлаштиришда хорижий тилларни бошланғич таълимда ўқитишга коммуникатив ёндашувни назарда тутдик.

1. Визуал ёндашув ва мультисенсор (барча нутқ анализаторларини тўлиқ қўзғатувчи) ўрганишни татбиқ этиш. Яъни ўқув материални пухта ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида кўриш, эшитиш, ҳаракат (нутқҳаракат ва қўлҳаракат) анализаторлари иштирокида кўплаб машқ қилиш.

2. Яхлит (лексика, грамматика ва талаффузга оид тил материални яхлитлигича) ўргатиш.

3. Нутқий йўналганлик (лексик, грамматик ва талаффуз машқлари нутқ фаолиятини эгаллаш мақсадида бажариш).

4. Нутқ намуналари асосида чет тил ўргатиш.

5. Она тили ва билингв ўқувчиларнинг иккинчи тилини ўзлаштиришдаги тил тажрибаларини ҳисобга олиш.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг педагогик тамойиллари. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг педагогик тамойиллари ўзбек ва рус тилидаги илмий манбалар дадидактик тамойил сифатида муфассал баён этилган. Лекин хорижий адабиётларда педагогик тамойил алоҳида тадқиқ этилади. Биз педагогик тамойилларни умумлаштиришда уч тилдаги илмий манбалардан фойдаландик.

1. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама камолотга етказиш. Чет тил воситасида ўзлаштириладиган ахборот ва чет тил ўрганиш мобайнида

олинадиган ақлий ва нутқий кўникма ҳамда малакалар ўқувчиларни тарбиялайди.

2. Ўқувчиларни ўрганилаётган тилдан фойдаланишга рағбатлантириш.
3. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш.
4. Ўқувчиларни атрофдагиларга нисбатан бағрикенглик ва турли кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш.
5. Дарсларда билимларнинг мустақил фаҳмлаб ўрганилиши учун оптимал вазият яратиш.
6. Ўқувчиларда ўзлаштириш кўрсаткичларини мустақил ва ўзаро аниқлаб бориш малака ва кўникмаларини шакллантириш.
7. Ўқувчиларга ўз билимларини ўрганилаётган тилда намоён қилиш имкониятини яратиш.
8. Дарсларни компетенциялар эгалланишига мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ташкил этиш.

1.2. Бошланғич синфларда чет тил ўзлаштириш ва ўрганишнинг ёшга оид хусусиятлари

Дастлаб «таълим шароити»ни ифодаловчи тушунчаларни шарҳлаб ўтамыз. Таълим шароити атамаси Ж.Жалолов, Ғ.Раҳимов, М.Джусупов, С.Мисиров ва бошқаларнинг тиллар таълимшунослиги соҳасидаги тадқиқотларида илмий асосланган. Таълим шароитининг биринчи таркибий қисми – ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва умумий савияси тушунчасидир. Таълим шароитининг иккинчи таркибий қисми – «тил тажрибаси» тушунчасидир. Таълим шароитининг навбатдаги таркибий қисми – инглиз тилига ажратилган «вақт» (соатлар) тушунчасини ўз ичига олади²⁹. Бошқача айтганда, «Қаерда?» саволига а) чет тил нутқий муҳити бор ёки йўқ ерда ўргатиш (Ўзбекистон Республикасида чет тил сунъий муҳитда ўргатилади);

²⁹ Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2007. – Б. 46.

б) умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқитиш тадқиқот объекти сифатида танланади.

«Кимларга?» деганда а) (6)7-10 ёшгача бўлган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тил ўргатиш; б) умумтаълим мактабларида уч тил – ўзбек (она) тили, иккинчи (рус) тил ва чет тил (инглиз ёки бошқа тил) ўқитилади. Бу ўринда ўқувчиларнинг уч тилдан тўплаган тил тажрибалари эътиборга олинади.

«Қанча вақт?» деганда: а) ўқув режасидаги ҳафталик ва йиллик машғулотлар миқдори (I синфда ҳафтасига 2 соатдан, ўқув йилида 66 соат, II-IV синфларда ҳафтасига 2 соатдан ўқув йилида 68 соат дарс ўтилади); б) интенсив (жадаллаштирилган қисқа муддатли) ёки экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) шароитда таълим бериш (умумтаълим мактабларида экстенсив таълим жорий этилган) каби тушунчалар назарда тутилади.

Таълим шароити тушунчаси чет тил таълимида самарадорликни таъминлашда табиий шароит³⁰, ўрганилаётган чет тил соҳиби билан камида 1000 соат мулоқотда бўлиш³¹, ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчининг ёшга оид физиологик, психологик ва билиш фаоллиги хусусиятлари, ўқув предметиға ажратилган вақт ҳамда ўқувчиларнинг ўқув предметиға нисбатан муносабати ва ўрганиш лаёқати каби омилларни ўз ичига олади. Ушбу омиллар ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида чет тилнинг табиий шароитда ўзлаштирилиши ва сунъий шароитда ўрганилишини қиёслаб кўрамиз:

Язид – 8 ёшли Малайзиялик бола. У мактабда инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганади. Мактабдан ташқарида у инглиз тилидаги рекламалар ва йўл белгиларини кўради, турли нутқ вазиятларида инглиз тилида содир бўлаётган коммуникация ва интеракциянинг жонли гувоҳи бўлади. Уйда эса у болалар учун инглиз тилидаги субтитрли кўрсатувларни томоша қилади. У

³⁰ Moon J. Children Learning English. A guidebook for English language teachers. – Macmillan, 2005. –P. 84.

³¹ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 28.

ўқитувчиси ва тенгдошлари билан ўзига таниш мавзуларда инглиз тилида мулоқот қила олади.

Даниел – 8 ёшда, миллати рус, Норвегияда истиқомат қилаётган рус оиласида туғилган. Осло шаҳридаги айрим предметлар инглиз тилида ўқитиладиган мактабнинг 3-синфида ўқийди. Мактабдан ташқарида у норвег ва инглиз тилида ёзилган пештахталар ва рекламаларни кўради, инглиз тилида гаплашаётган инсонлар суҳбатини тинглайди. Шифохонага, дўконга, истироҳат боғига борганида турли касб вакиллари билан инглиз тилида мулоқот қилади. Уйда ота-онаси билан рус тилида гаплашади, бадий ҳамда мультипликацион фильмларни норвег тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўриб боради.

Юнусбек – 9 ёшда, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Норин туманидаги инглиз тили дарслари ҳафтасига икки соат (45 минут) ўтказиладиган 34-мактабнинг 3-синф ўқувчиси. У синфхонадан ташқарида инглиз тилидаги бирор кўрсаткич, йўл белгиси ёки рекламани жуда кам кўради, инглиз тилида суҳбатлашаётган инсонларни деярли учратмайди. У инглиз тилини устозидан рағбат олиш ва ота-онасини хурсанд қилиш учун ўрганади. У чекланган миқдордаги лексик бирликлар иштирокида ўзига таниш мавзуларда жуда содда гаплар туза олади.

Хулоса чиқарадиган бўлсак, биринчи ва иккинчи шароитларда чет тилни мулоқот воситаси сифатида ўзлаштириш учун табиий муҳит мавжуд. Чунки *биринчидан*, вақт чекланмаган, *иккинчидан*, жонли нутқ вазиятларида ахборотнинг тўғри талқин этилишини таъминловчи омиллар мавжуд, *учинчидан*, ўрганилаётган чет тилда мулоқот қилинаётган турли ижтимоий вазиятларга тушиб қолиш кучли эҳтиёж ва юқори мотивацияга сабаб бўлади, *тўртинчидан*, ўрганилаётган чет тилда эътибор шаклга эмас мазмунга қаратилади, чет тил жонли мулоқотда тажрибада синаб кўриб, мустақил фаҳмлаб ўрганилади. Энг асосийси, фикр ифодалашга шахсий ташаббус кўрсатилади. Шу сабабдан, табиий таълим шароитида чет тил ўзлаштирилади.

Учинчи, сунъий муҳитдаги таълим шароитда эса чет тил ўрганилади. Яъни бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш методикасида тил ўзлаштириш ва тил ўрганиш атамалари фарқланади³². «Чет тил ўрганиши» методик термини ушбу тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув кўникма ва малакаларининг эгалланиши маъносини ифодалайди.

Чунки, *биринчидан*, чет тил ўқув предмети бўлиб, унга ҳафтасига икки соат вақт ажратилади, *иккинчидан*, ўрганилаётган чет тилда мулоқот қилишга сабаб ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ, *учинчидан*, мазмунга эмас, шаклга устувор аҳамият қаратилади ва чет тил бўйича белгиланган (A1) даражанинг таълим мазмунидан келиб чиқиб, тил материали чегараланган миқдорда махсус методик тайёрланади. *Тўртинчидан*, ўқувчи дастур ва ўқув режада белгиланган нутқ мавзулари доирасида чет тилда гапиришга мажбур бўлади.

Таълим шароити тушунчалардан келиб чиқиб замонавий методикада кичик мактаб ёшида чет тилни табиий муҳитда ўзлаштириш ва уни мактаб шароитида ўрганилишининг объектив қонуниятларини илмий жиҳатдан асословчи назариялар ишлаб чиқилган³³:

- **мутаносиблик** назарияси – она тили ва чет тил ўзлаштириш жараёнлари айнан ўхшаш;

- **тиллараро** назария – таълим шароитининг хос хусусиятлари чет тилни муваффақиятли ўрганилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Икки назария ҳам дидактиканинг онглилик тамойили (нутқ мазмунини тушуниш ва нутқнинг таркибий қисмидаги тил бирликларини англаб етиш)га асосланади ҳамда чет тил эгаллаш жараёни когнитив ва креатив фаолият сифатида талқин этилади. Чет тил таълимининг самарадорлигини таъминлашда ўқувчиларнинг тил ўрганишга лаёқати ва иштиёқи муҳим омил саналадиган ушбу назарияларни мухтасар шарҳлашга ўтамиз.

Ушбу назариялар қуйидаги жадвалда қиёсланади (1-жадвалга қаранг):

³² Linse С.Т. Practical English Language Teaching: Young Learners. – New York: McCraw-Hill, 2005. – P. 12.

³³ Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – С. 67.

Чет тилини ўзлаштириш ва ўрганиш назариялари

Назариялар	Мутаносиблик	Тиллараро
Қиёслаш мезони	Чет тил ўзлаштириш	Чет тил ўрганиш
Мавқеи	Қардош халқ тили, кўшни давлат тили, иккинчи тил	Чет тил
Мақоми	Шахсинг ижтимоийлашуви, табиий нутқ вазиятларида мулоқот ва айрим ўқув предметларини ўрганиш воситаси	Таълим мақсади ва воситаси, ўқитиш воситаси, таълим жараёнида мулоқот воситаси
Мотивация	Ички мотивация	Ташқи мотивация
Ташаббус	Жонли нутқ вазиятларида тўсатдан пайдо бўлган фикрни ифодалашга шахсий ташаббус кўрсатилади	Режалаштирилган махсус сценарий асосида фикр ифодалаш усуллари ўқитувчи ундови билан машқ қилинади
Компетенциялар	Прагматик компетенция сезиларли даражада юқори ўзлаштирилади	Компетенциялар тенг ўрганилади

Мутаносиблик назарияси (инг., - *identic*, рус - *идентичный, тождественный*, ўзб., - *айнан ўхшаш, бир хил, бирдай*) тарафдорларининг фикрича, она тили ва иккинчи тилни ўзлаштириш жараёнлари бир хилдир³⁴. Ушбу назарияга биноан тиллараро интерференция четлаб ўтилади ва нутқ намуналари қисм (фонема, графема, морфема ва сўз)ларга ажратилмасдан яхлит ўргатилади.

Чет тил ўқитишга бундай ёндашув ўрганилаётган чет тилдан фойдаланишга кучли эҳтиёж мавжуд бўлган муҳитда юқори самара беради³⁵. Чунки чет тил элементларини (таркибий қисмларини) ўзлаштириш жараёни она тилини ўзлаштириш жараёни билан айнан ўхшаш (параллел), яъни аввал нутқий компетенциялар, кейин лисоний компетенциялар ёки аввал тинглаб

³⁴ Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Group, 2007. – P. 43.

³⁵ Lyster R. Learning and Teaching Languages Through Content: A counterbalanced approach. – Amsterdam. John Benjamins Publishing Company, 2007. – P. 51-52.

тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув, кейин фонетика, лексика, грамматикани ўзлаштириш изчиллигида содир бўлади³⁶.

Маълумки, она тилини соф бўлмаса-да, тақлидан ўзлаштириш жараёнида ўхшашлик (аналогия)ка амал қилади, ўқувчи қандай идрок этса, шундай ўзлаштиради ва билганига монанд гаплар (ва сўзлар), тил қонуниятига ёт ҳосилалар яратади. Буни боланинг сўздан фойдаланишдаги омилкорлиги, деб тушуниш мумкин. Масалан, беш ёшли Давид исмли бола дадасининг туғилган кунда «I'd like to propose a toast» (Қадах сўзи айтмоқчиман), деган гапидан илҳомланиб, қўлига финжон олади-да; «I'd like to propose a piece of bread», дея меҳмонларни кулдиради³⁷. Бундай ҳолат мутахассислар томонидан мулоқот қилишнинг инсонга хос инстинкти³⁸ ва креатив тил тажрибаси, деб изоҳланади. Биз бундай вазиятдаги тасодифий нутқий ифодани *ташаббусли нутқ* деб номлашни маъқул топдик. Тил тажрибаси атамаси тадқиқотчилар томонидан мукамал шарҳланган. Мутаносиблик назариясида ҳам чет тил таълимининг мақсади ўқувчилар психикасида тил эгаллашнинг аввалдан шаклланган умумий механизмларини фаоллаштириш лозимлиги тарғиб этилади.

Табиий муҳит мавжуд бўлган хорижий мамлакатларда чет тил алоҳида предмет сифатида эмас, балки бошланғич таълимда ўқитиладиган бошқа предметлар билан интеграциялаштирилган ҳолда ўқитилади, чет тилдаги аутентик нутқни тинглаб тушуниш ва ўқувчиларнинг ўзаро ёки ўқитувчи билан оғзаки мулоқотига устувор аҳамият қаратилади³⁹.

2012 йилдан эътиборан Дания, Греция, Исландия ва Туркиядан ташқари барча Европа мамлакатларида⁴⁰ ҳамда Филипинда она тилидан

³⁶ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P. 55.

³⁷ Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – P. 14.

³⁸ Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Group, 2007. – P. 45-46.

³⁹ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 17.

⁴⁰ Baïdak N., Borodankova O. Key Data on Teaching Languages at Schools in Europe 2012. – Brussels.: Education, Audiovisual and Culture Executive Agency, Eurydice and Policy Support, 2012. – P. 39-40.

ташқари фан асосларидан сабоқ берадиган айрим предметларни (М: Филипинда математикани инглиз тилида ўқитиш тажрибаси) ўрганиладиган чет тилда ўқитиш ёндашуви бошланғич таълимга жорий этилиб, чет (инглиз) тил мулоқот ва айрим предметларини ўрганиш воситаси мақомида ўқитила бошланди⁴¹.

Ҳиндистон, Кения, Нигерия, Жанубий Африка, Малайзия каби мамлакатларда кўпгина ҳолатларда мактаб таълими тўлиғича инглиз тилида олиб борилмоқда. Натижада, бундай ҳолат илғор тил сиёсатига мос келмай қолиши, она тилининг мақомини сусайтириши ва инглиз тилининг «бузиб ишлатилиши»га сабаб бўлмоқда⁴².

Тиллараро назарияга мувофиқ чет тил ўрганиш жараёнига таъсир этувчи барча омиллар ҳисобга олинаши лозим. Бу омиллар чет тил ўрганувчининг ёшга оид (психологик ва билиш фаоллиги) хусусиятлари, таълим мазмуни ва мақсади ҳамда уларга мувофиқ ишлаб чиқилган таълим воситаларидан иборатдир. Мазкур назарияга мувофиқ чет тил ўрганиш жараёнида ўқувчи тил тажрибасига таяниб ўрганлаётган чет тилдаги коммуникациянинг янги лисоний тизими «аралаш/тиллараро код»ни шакллантиради. Яъни она тили тажрибаси иккинчи тилни ўрганишда, сўнгра уларнинг иккови чет тил эгаллашда (тиллараро транспозиция ва интерференция) ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, дарслик ва дастурлар тузишда тиллараро интерференция ва ўқувчининг тил тажрибаси ҳисобга олинади, таълим беришга мўлжалланган қоидалар (оддий назарий билимлар) амалий кўникма ва малакаларнинг эгалланишини тезлатиш ва соддалаштириш мақсадларига бўйсундирилади. Яъни айрим зарурий қоидалар ёки назарияларнинг элементлари чет тил ўрганиш жараёнини тезлаштириш ва осонлаштириш мақсадида баён этилади.

⁴¹ Bautista D., Mulligan J. Why do Disadvantaged Filipino Children Find Word Problems in English Difficult? Shaping the future of mathematics education: Proceedings of the 33rd annual conference of the Mathematics Education Research Group of Australasia. – Fremantle: MERGA, 2008. – P. 69-76.

⁴² Раҳимов Ғ. Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. – Т.: Тамаддун, 2017. – Б. 214.

Лекин Н.Гальскова ва З.Никитенколар бошланғич синф ўқувчилари учун дарсликлар яратилишида тиллараро интерференцияга кўп эътибор қаратилиши натижасида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари (уларнинг мотивацияси ва ижтимоий-маданий тажрибалари) инобатга олинмаётганлигини таъкидлашмоқда.

Чунки ушбу назария асосидаги таълимшуносликда чет тилни билиш деганда, хатолардан холи бўлмаса-да, шу тилда гапириш/гаплашиш, ўқиш, тинглаб тушуниш ва ёза олиш лаёқатига эга бўлиш тушунилади. Хатоларнинг йўқлиги тил ва нутқ материали ёд олинганлигини англатади. Бу эса чет тил коммуникация ва интеракция воситаси даражасида ўзлаштирилди, деган хулосага олиб келмайди. Аксинча, хатолар ўқувчининг нутқий фаолият юритиш мақсадида ижод қилаётганлигидан далолат беради.

Шунинг учун хатолардан кўрқиш керак эмас, аксинча, хатолар ўқувчининг тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилаётганлигидан гувоҳлик беради⁴³. Шунингдек, хатолар тил материали ўқувчи учун қийин эканлигини ҳам англатади, яъни хато қийинчилик ҳосиласидир. Ўқитувчи эса хатоларни таҳлил қилиши ва истиқболда уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим. Ушбу назария асосида Россияда шахсга йўналтирилган (личностно ориентированный подход) ва фаолиятга йўналтирилган (деятельностный подход) ёндашувлар асосидаги шахс фаолиятига йўналтирилган метод (личностно-деятельностный метод) ҳамда фаолиятга йўналтирилган коммуникатив онгли ёндашув (деятельностный коммуникативно-когнитивный подход) тарғиб ва татбиқ этилмоқда⁴⁴. Фаолият деганда, нутқ фаолияти турлари назарда тутилади.

Ўзбекистонда чет тил таълими иккинчи тилдаги ахборот соҳибини (когнизант) шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳибини яратган маданий мероснинг ўрганилиши чет тил таълимининг бош

⁴³ Горлова Н.А. Личностно-деятельностный метод обучения иностранным языкам дошкольников, младших школьников и подростков. Теоретические основы. – М.: МГПУ, 2010. – С. 118-119.

⁴⁴ Архипов В.И. Школьные учебники иностранного языка нового поколения: от теории к практике составления. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАОИ.Л. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 211-214.

мақсадидир⁴⁵. Иккинчи тилдаги ахборот соҳиби деганда, аутентик мулоқот вазиятларида ўзга маданият вакили билан чет тилда адекват мулоқот қилиш компетентлигига эга шахсни тушуниш мумкин. Тилни ўрганиш чоғида ўқувчи лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенциялари)ни ошириш билан машғул бўлади. Чет тил коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўргатилади.

Бу интегратив ёндашув Европа таълимидаги «Content and Language Integrated Learning» ёндашувидан фарқ қилади. Чет тил таълимида коммуникатив-кумулятив метод татбиқ этилади. Мулоқотдош (коммуникант)ларнинг бир-бирини тушунишлари чет тил билишнинг асосий мезони ҳисобланади ва шу сабабдан ўзаро тушунишга тўсқинлик қилмайдиган хатоларга вақтинча кўз юмиш мумкин.

Тиллараро назария асосидаги чет тил ўқитишнинг шахсга ва фаолиятга йўналтирилган коммуникатив ёндашуви ўқувчиларга имкон қадар тезроқ ва кўрқувсиз жонли мулоқотга киришиш имкониятини яратади. Хатолардан кўрқмаслик, таълим мазмунига жиддий урғу берилиши ўқувчиларнинг ўрганилаётган чет тилдан фойдаланиш иштиёқини кучайтиради.

Ушбу ёндашувга мувофиқ чет тил ўрганиш жараёнига таъсир этадиган а) ўқувчининг психологик ва ёшга оид хусусиятлари; б) она тили, рус тили ва ўрганилаётган чет тил ўртасида фарқ – тиллараро интерференция; в) таълим воситалари; г) таълим муассасаси; д) ўқитувчининг мутахассислик маҳорати каби барча омилларнинг ҳисобга олиниши тавсия этилади. Тадқиқот доирасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг чет тил ўрганишдаги ёшга оид хусусиятлари ҳамда она тили, иккинчи тил ва чет тил ўртасидаги фарқ – тиллараро интерференция масалаларига кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

XXI аср – интеллектуал авлод асрининг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга хос бўлган характерли жиҳатлари кўп. Бугун янги

⁴⁵ Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури. Тузувчилар: Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов. – Халқ таълими. – №4 – Тошкент, 2013. – 44 б.

фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бугунги давр болалари қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида устунлик қилишади. Яъни болалар жуда эрта ёшдан интеллектуал имкониятларини тўлиқ ишга солишга интилишади ва ўзларига нисбатан кучли эътибор талаб қилишади, атрофдаги оламни тезроқ англашга уринишади.

Кичик мактаб ёшидаги бугунги давр(индиго) болалари ўзларининг гиперфаоллиги ва ўта таъсирчанликлари билан ўтган асрдаги тенгдошларидан фарқ қилишади. Бундай гиперфаоллик натижасида болалар кинестетик, тез толиқадиган ва диққатни жамлаб, маълум нуқтада узоқ сақлаб тура олмайдиган бўлиб қолишган.

Бугунги давр болалари туғма ўткир зеҳн соҳиблари бўлиб, улар ахборот олишга жуда ўч. Агарда уларнинг ахборот қабул қилишга кучли эҳтиёжлари вақтида қондирилмаса, улар инжиқ ва жаҳлдор бўлиб қолишади. Ахборотга ўчлик телевизор ва компьютер қаршисида кўп ўтирилиши натижасида шаклланган. Айниқса, рекламалар динамик ва зич ахборот тақдим этиш хусусияти билан болалар эътиборини кўп тортади.

Замонавий методик адабиётларда бошланғич синф ўқувчиларини нимани қила олмасликларига эмас, балки нима қила олишлари мумкинлигига эътибор қаратиш тавсия этилади. Бошланғич синф ўқувчиларининг чет тил ўрганишдаги асосий устунлиги улар мазкур предметни ўрганишда иккиланмайдилар, яъни уларда журъат юқори бўлиб, мавжуд ижтимоий нутқ вазиятларида обрўсизланиб қолишдан чўчишмайди. Улар чет тилни муваффақиятли ўрганиш учун яхши шаклланган инстинктлар⁴⁶, тил

⁴⁶ Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Group, 2007. – 234 p.

тажрибалари ва ўзларига хос характерли хусусиятларги эга. Масалан, 1-2 синф ўқувчилари:

- тил қонуниятларини билмасалар-да, ундан фойдалана олишадиган;
- хато қилишдан чўчимайдиган ва улар устида ишлашга тайёр;
- она тилидаги интонация турларидан тўғри фойдалана оладиган;
- имо-ишоралар, юз ифодалари ва қўл ҳаракатларни тўғри талқин қилиш кўникмаси шаклланган;
- сўз маъносини тўлиқ тушунмасалар-да, у касб этадиган мазмунни яхши фаҳмлаб оладиган;
- чегараланган миқдордаги лексик захирадан креатив (ижодий) фойдалана оладиган, ташаббусли нутқ ҳосил қила оладиган, суҳбатлашишни яхши кўрадиган⁴⁷;
- серғайрат, ҳаракатчан, ишонувчан, тасаввури бой, таъсирчан, мақтовсуяр, қувноқ ва ҳар бир машғулотдан завқ олиш усулларини топа оладиган;
- ўзгалар нутқига тақлид қилувчан;
- диққатни маълум нуктада узоқ муддат ушлаб тура олмайдиган, қисқа муддатли хотирага эга, эгоцентрик нутқи яхши ривожланган;
- айна пайтда ўзлари бажараётган, бажарган ёки кўрган ва эшитган нарсалари ҳақида гапира оладиган;
- тил материалини яхлит ўзлаштиришни афзал кўрадиган бўлишади⁴⁸.

1-2 синф ўқувчиларини 3-4 синф ўқувчиларидан фарқлаш мумкин. 3-4 синф ўқувчилари 1-2 синф ўқувчиларига нисбатан психологик ва физиологик жиҳатдан етуқроқ бўлишади. 1-2 синф ўқувчилари кўпроқ ёлғиз ўйнашни ёқтиришади ва ўз нарсаларини бошқалар билан баҳам кўришни исташмайди. 3-4 синф ўқувчилари эса жамоавий ўйинларда фаол иштирок этишни ёқтиришади ва уларда эгоизим сусая бошлайди [89; 107-б.]. 1-2 синф

⁴⁷ Kang Shin J., Crandall J.A. Teaching Young Learners English. From Theory to Practice. – Boston, USA: National Geographic Learning, 2014. – 25 p.

⁴⁸ Vale D., Feunteun A. Teaching children English: A training course for teachers of English to children. – L.: Cambridge University Press, 2011. – P. 28.

ўқувчиларининг 3-4 синф ўқувчиларидан фарқланиши қуйидаги жадвалда аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

1-2 синф ўқувчиларининг 3-4 синф ўқувчиларидан фарқланиши

I-II синф ўқувчилар	III-IV синф ўқувчилар
Хотирага суянишади	Таҳлилга суянишади
Гапириш ва тинглаб тушунишга диққатлироқ	Ўқиш ва ёзишга диққатлироқ
Топшириқнинг фақат бир аспектига эътибор қаратишади	Топшириқнинг турли аспектларига эътибор қаратишади
Ўрганаётган ва ривожланаётганликларини кўрсатиб бериш имкониятлари чегараланган, ўрганган нарсаларини амалиётда қўллай олишмайди Дўстона муносабатлар тасодифий ва мустаҳкам эмас	Ўрганаётган ва ривожланаётганликларни намоён этиш кўникмалари яхши ривожланган, ўрганган нарсаларини амалда қўллай олишади Дўстона муносабатлар ўзаро ишонч, қўллаб-қувватлаш ва ўхшаш қизиқишларга асосланади
Эмоцияни назорат қила олишмайди	Эмоцияни назорат қила олишади
Юқори мотивация	Мотивациянинг сусайган даражалари
Ўзи ҳақида ижобий фикрлайди, ўрганишга оптимистик ёндашади	Ўзи ҳақидаги атрофдагиларнинг фикри билан қизиқади, ўзини тенгқурлари билан таққослайди ва позитивлик сусая бошлайди
Тил ҳақида кам тушунчага эга, она тили компетенцияси юқори эмас	Тил ҳақида маълум тушунчага эга, она тили компетенцияси ривожланиш босқичида

1-2 синф ўқувчиларининг тафаккур, диққат, хотира каби билиш жараёнларининг хусусиятлари ҳам фарқланиши аниқлаштирилди. Ушбу хусусиятларни инобатга олиб инглиз тили дарсларини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди (3-5 жадвалларга қаранг):

Тафаккур

I-II синф ўқувчилари	III-IV синф ўқувчилари
Ривожланишнинг яққол операциялар даврида бўлишади.	Объектнинг ташқи кўриниши ўзгарса-да, унинг хусусияти ўзгармаслигини англашади, яъни «интеллектуал революция»
Узунлик ўлчов бирликларини ўзлаштиришда ҳам қийналадилар. Улар узунлик ўлчовининг асосий белгиси – унинг узунлигини ажратишни билмайдилар.	Кўп тушунчаларни, чунончи, баланд-паст, узоқ-яқин, кам-кўп ва ҳоказоларни аввалги воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги фазовий муносабатларни бевосита идрок қилиш асосида ўзлаштирадилар.
Катталарнинг нутқини имо-ишора ва ҳаракатларига таяниб тушунишади. Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идроки замирида вужудга келади.	Буюмларнинг жозибадор ташқи белгиларига таянишадилар: китоб, сигир, автомобиль, варрак ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритишда «китоб ўқилади», «сигир соғилади», «машина мирилади», «варрак учурилади» каби ҳукмлар чиқарадилар.

Тавсиялар: Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш амалиётида *here and now* (айни вақтда содир бўлаётган нутқ вазиятига мос машқ) *timing and guessing* (мени тушун) ва TPR машқлари кенг ўрин олиши лозим.

Диққат

I-II синф ўқувчилари	III-IV синф ўқувчилари
Ихтиёрсиз (онг иштирок этмайди), кучсиз ва беқарор, 30-35 дақиқа.	Ихтиёрий (онг иштирок этади), маълум даражада барқарорлашган, 40-45 дақиқа.
Диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва фавқулудда вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди.	Махсус машқлар орқали диққатни тўплаш кўникмаси ҳосил қилинган бўлади [153; 16-б.].
2-3 минут мобайнида диққат билан тинглай олади.	4-5 минут мобайнида диққат билан тинглай олади.

Тавсиялар: чет тил ўқитишнинг аудиолингвал методида ахборотни диққат билан тинглаб, уни тўлиқ ёдда сақлаб қолиш зарурлиги тарғиб этилса, коммуникатив ёндашувда тил материали жонли мулоқотда фойдаланиш мақсадларида ўзлаштирилиши лозим. Шу сабабдан, ўқувчи тинглаш жараёнида диққатни фақат зарурий ахборотга қаратишга, кераклисидан кераксизини фарқлашга, уларни эса сақлаб қолиш усуллари ва коммуникатив мақсадда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим⁴⁹.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тил ўргатишда кўргазмалиликдан кенг фойдаланилади. Бу тадбирлар, биринчидан, болалар фаоллигини оширса, иккинчидан, материални мантикий жиҳатдан ўзлаштиришга, уни таҳлил этиш, мавҳумлаштириш ва умумлаштиришга тўсқинлик қилади. Кўргазмалиликнинг ҳаддан зиён ошиб кетиши унга асосланган динамик стереотип пайдо бўлиш хавфини вужудга келтиради. Кўргазмалиликка берилиб кетилиши натижасида ўқувчи асосий мақсаддан узоқлашади, ички муҳим белгиларга эмас, ташқи белгиларга эътибор беришга одатланиб қолади.

Маълумки, ахборотнинг хотирада мустаҳкам сақланиб қолиниши уни қабул қилишда иштирок этадиган анализаторларга ҳам боғлиқ. Масалан, тинглаб қабул қилинган ахборот, кўриб қабул қилинган ахборотга нисбатан хотирада мустаҳкамроқ сақланади. Чунки ахборотни тинглаш жараёнида ўқувчи диққатни жамлашга кўпроқ куч сарфлайди. Физиологик жиҳатдан тушунтирадиган бўлсак, эшитиш аъзолари фаолияти кўриш аъзолари фаолиятидан 16 баробар кўп асаб толаларининг ҳаракатланишини талаб этади. Тинглаб тушуниш жараёнида толиқиш коэффиценти 176 фоизга ортади. Тинглаб тушунишда кўп қувват сарфланиши эса тил материални мустаҳкам ва мукамал ўзлаштирилишини таъминлайди.

Айрим ҳолатларда бошланғич синф ўқувчиларида «дислексия», яъни *b*, *d* каби ҳарфларни, *sheep* - *ship*, *man* - *men* каби ўхшаш сўзларни фарқлай

⁴⁹ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 16.

олмаслик ёки сўз таркибидаги ўхшаш ҳарфлар ўрнини алмаштириб ўқиш ҳолатлари учрайди. Баъзи ўқувчилар чап ва ўнгни, турли геометрик шакллارни ҳам фарқлай олмайдилар. Бундай ўқувчилар она тилини ўзлаштиришда ҳам қийинчиликларга дуч келишади⁵⁰. Бошланғич синф ўқувчилари бир турдаги машғулот билан ишчанлик фаолияти 10 минутдан ошмайди⁵¹. Ўқувчиларда ишчанлик пасаяётганлиги сезилган дастлабки онлардаёқ фаолият тури ўзгартирилиши, яъни ҳаракатли ўйинларга ўтилиши лозим (5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

Хотира

I-II синф ўқувчилари	III-IV синф ўқувчилари
Мантиқий хотирадан кўра кўрсатмали-ҳаракатли хотира устун ривожланади.	Сўз мантиқ хотираси ва маъносини тушуниб эслаб қолиш салмоғи ортиб боради. Хотирани онгли бошқариб, эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш жараёнлари фаолиятини маълум мақсадга мувофиқлаштира олади.
Тил материалининг ички боғланишига аҳамият бермай, маъносига тушунмай қуруқ эслаб қоладилар.	Репродукция механизми, яъни жумла ва мазмунни ўзгаришсиз қайта қўллаш (репродукция) одати шаклланган бўлади.
Механик хотира бошқа хотира турларига қараганда яхшироқ ривожлангани, маълумотларни айнан, ўзгаришсиз эслаб қолиш имкониятини яратади.	«тўғри тушунтириб бер» деган талабни сўзма-сўз такрорлаш деб биладилар.
Ётарли миқдорда лексик захирага эга эмаслиги, материални ижодий тўлдириш, унга қўшимча қилиш имкониятини йўққа чиқариб, сўзма-сўз такрорлашни осонлаштиради.	Лексик захиранинг ортиши натижасида тил материални ижодий тўлдириш кўникмаси шаклланиб боради.

⁵⁰ Linse C.T. Practical English Language Teaching: Young Learners. – New York: McCraw-Hill, 2005. – P. 193.

⁵¹ Broughton G., Brumfit Ch., Flavell R., Hill P., Pincas A. Teaching English as a Foreign Language. – L.: Routledge, 2003. – P. 169.

Тавсиялар: тадқиқотчилар бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда лексик минимумни нутқ намуналари, (ярим) тайёр жумла, турғун бирикмалар ҳисобига методик тайёрлаш тавсия этишмоқда. Чунки инглиз тили нутқида тайёр жумлалар 25 фоизни ташкил этади ва тил соҳиблари учун ҳам жонли мулоқотда тасодифий тил ҳодисаларини яратишдан кўра хотирада тайёр турган рекурент (такрорланадиган) тил ҳодисаларидан фойдаланишни афзал кўришади.

Р.Эллис бошланғич синф ўқувчиларининг «*I am sorry!*», «*Never mind!*», «*What's up?*», «*How are you?*» каби мулоқот моделлари (турғун иборалар) ва «*set the table*», «*do the room*», «*make a mistake*» каби сўз бирикмаларнинг бой репертуарига эга бўлишлари лозимлигини тавсия этади⁵². Бундай репертуар жонли мулоқотда тўхталиб қолиш хавфини бартараф этади грамматик компетенция ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди⁵³. Нутқ намуналари ўрганилаётган чет тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз томонларини мужассам-лаштиради ва уни идрок этиш учун тайёр ҳодиса ҳисобланади.

Чет тил таълимидаги «Нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш» тамойилига биноан ўқувчиларга тақдим этиладиган, маъно ифодаловчи нутқ намунасини, яъни гапни бўлақларга ажратмасдан, бутунича тақдим этилишини тарғиб этади⁵⁴. Лекин қисқа муддатли хотира 30 дақиқадан ортиқ давом этмайди ва еттиадан ортиқ бирликдан иборат ахборотни қабул қила олмайди⁵⁵. Шу сабабдан, мулоқот моделларни ўргатишни 3-4 синфдан бошлаш тавсия этилади.

⁵² Ellis R. Principles of Instructed Language Learning. – Asian EFL Journal, 2005. – P. 10-26. Electron resource: <http://www.asian-efl-journal-Asian EFLJournal.TheEFL Professionals' Written Forum>. Access date: 4.06.2017.

⁵³ Edelenbos P., Johnstone R., Kubenak A. The main pedagogical principles underlying the teaching of languages to very young learners. Final Report of the EAC 89/04, Lot 1 study. 2006. – P. 49-50.

⁵⁴ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P. 104.

⁵⁵ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 16.

Чет тил ўрганишда хотирани мустаҳкамлашнинг «linkword» методи ишлаб чиқилган. *Linkword* – атамаси чет тил ва она тилидаги маъноси ва талаффузи ўхшаш сўзларни англатади. Бу метод инглиз тилини ўрганишда француз ёки испан тилида сўзлашувчи ўқувчилар учун кўпроқ мос келади. Бизнинг фикримизча, уни миллий мактабларга ҳам жорий қилиш мумкин. Масалан *tomato, lemon, zebra, giraffe, sport, tennis, computer, doctor* каби сўзларни ўзбек ўқувчилар осон эслаб қолсалар, талаффуз жиҳатдан яқин бўлган *duck, dish, men* (ўрдак, идиш, мен) каби сўзлар ҳам осон ёд олинади. Жонли мулоқот жараёнида тақдим этилган нутқ намунасини тушуниш ва эслаб қолиш осон. Масалан, эшикни ёки сумкасини очишга қийналаётган болага, «*Look, I'll open the door for you*», дея кўмак берилганида, бола нутқни тушунади ва ушбу намунани ёдда сақлайди.

Соғлом бола 10-15 децибел (эшитиш бирлиги) товушни пайқай олади. Масалан, барглар тўкилаётганда 20, секин овозда сўзлашилганда 20-30, ўртача суҳбат жараёнида 30-35, телефонга уланган наушник (қулоқчин)да эса 120 децибел товуш ҳосил бўлади. 90 децибелдан юқори товуш эшитиш, боланинг асаб тизимларига зарарли⁵⁶.

Бугунги давр болаларида узоқ муддатли хотира қисқа муддатли хотирага нисбатан мустаҳкамроқ бўлади. Бундай лаёқат болаларга компьютер технологиялари асридаги юқори ахборот тезлиги оқимида ортда қолиб кетмасликлари ва катта миқдордаги ахборотни оператив қабул қилиб уни тез фурсатда қайта ишлашлари учунинъом этилган. Шунингдек, болалар ижобий (жисмонан чиниққан, тиришқоқ, шижоатли, киришимли) ва салбий (тортинчоқ, инжиқ, ўжар, қайсар, камгап) индивидуал хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

Юқоридагилар асосида қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

бошланғич синф ўқувчиларини нимани қила олмасликларига эмас, балки нима қила олишлари мумкинлигига эътибор қаратиш зарур;

⁵⁶ Рўзиматов Ш. Наушник (қулоқчин)нинг инсон саломатлигига таъсири.Электрон ресурс. <http://www.adolat.uz.ruzimatov.naushnik-salomatlik>. Мурожаат санаси: 02.04.2016.

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар катталарнинг нутқини имо-ишора ва ҳаракатларига таяниб тушунишади. Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идроки замирида вужудга келади. Шу сабабдан, бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш амалиётида «мени тушун» (miming and guessing) ва TPR машқлари кенг ўрин олиши лозим;

кўргазмалиликка берилиб кетиб, ўқувчиларни асосий мақсаддан узоқлаштириб, ички муҳим белгиларга эмас, ташқи белгиларга эътибор беришга одатлантириб қўймаслик лозим;

«Нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш», «Оғзаки нутқнинг илгариллаши», «Чет тилда табиий нутққа яқинлашиш», «Нутқий йўналганлик», «Яхлит ўргатиш» тамойилларига биноан мулоқот моделларини ўргатиш коммуникатив компетенциянинг муваффақиятли эгалланишида юқори самара беради. Шунингдек, ўқувчи нутқининг инглиз тилидаги нутққа тахминий яқинлаштиришга эришиш, унинг хато қилиб қўйишдан хавфсираши, тўғри айта олиш/олмасликдан хавотирланиши каби психологик тўсиқларни енгиши учун катта йўл очилди, эркин гапириш ва бамайлихотир коммуникация ва интеракцияга киришиш имконияти яратилди.

Чет тил ўқитиш методикасининг дидактик тамойилига мувофиқ машғулотларда барча нутқ анализаторларининг тўлиқ иштироки тил материални хотирада мустаҳкам қолишини таъминлайди.

1.3. Инглиз тилини А1 даражада ўргатишда тиллараро интерференция

Инсон нутқи лингвофизиология (нутқ физиологияси)да, нутқнинг содир бўлиши ва уни идрок этилиши психолингвистикада илмий тадқиқ этилади. Монографиямизнинг мазкур қисмида она тилида нутқ ривожланиши (фило-онтогенези) ва чет тил ўрганишда фонетик, лексик ҳамда грамматик кўникмаларнинг ривожланиш жараёнлари каби масалалар қиёсий тадқиқ этилади. Шунингдек, бошланғич синфда чет тил ўрганилишида она тили

кўникмаларининг ижобий (транспозиция) ва салбий (интерференция) кўчиши таҳлил этилади.

Маълумки, чет тилни ўргатиш ушбу тилда нутқнинг содир бўлиши ёки уни идрок этиш жараёнларини ташкил қилишдир. Нутқ атамасинининг маъноси фикрни шакллантириш ва уни ифодалаш усулини, тилнинг амалда қўлланилиши ва реаллашувини билдиради. Тил эса коммуникация ва интеракция воситаси, ишоралар тизими, фикрни ифодалаш ва ҳосил қилиш қуроли, воситасидир⁵⁷. Тил ундан фойдаланувчи инсонлар учун умумий, яъни ижтимоий нутқ эса индивидуал ўзига хос ҳодисадир. Тил, содда қилиб айтганда, белгилар тизимидир, нутқ – оғзаки ва ёзма матндир.

Тил ўзлаштириш жарёни онгли ва беихтиёр ҳаракатлар умумлашмасида кечиши аниқ, лекин бу ҳаракатларни таъминловчи механизмларнинг «ишга тушиши» тил ўрганишга қандай шароитда, қайси ёшда киришилаётгани билан боғлиқ. Масалан, бошланғич синф ўқувчиси тил бирлиги ёки нутқ бирлиги ҳодисаларини иккита алоҳида ўқув материали сифатида ўрганмайди.

Нутқ инсон бош мияси фаолияти бошқарадиган мураккаб рухий жараён бўлиб, унинг товуш ва ҳарфий жиҳатлари ташқи (моддий), нутқҳаракат, эшитиш, кўрув ва қўлҳаракат тимсолларида ифодаланиши ички томони дейилади. Ҳар иккаласи нутқий динамик стереотипни ташкил этади. И.П.Павлов тадқиқотларидан маълумки, динамик стереотип деганда шартли ва шартсиз рефлекслардан иборат мувофиқлашган ҳамда барқарорлашган белгилар тизими тушунилади.

Она тилида белгилар стереотиплари ва нутқ механизмлари тафаккур ва нутқ шаклланиши чоғида беихтиёр ҳосил бўлади ва онг иштирокисиз (аниқроғи деярли онг иштирок этмаган ҳолда) фаолият кўрсатади. Чет тил ўрганишда олдин ўрганилган тиллар асосида ўхшаш элементлар (товуш, сўз, гап тузилиши) мавжуд нерв боғланишлари, ёт элементлар эса – янги

⁵⁷ Сайдалиев С., ГабдулхаковФ. Психоллингвистика. Махсус курс бўйича маъруза матнлари. – Наманган, 2001. – Б. 20-21.

боғланишлар пайдо этиши туфайли иккиламчи белгилар системаси ёрдамида яратилади⁵⁸.

Л.С.Виготский тадқиқотларидан маълумки, чет тилда нутқ ривожланиши она тилида нутқ ривожланишидан тубдан фарқ қилади. Она тилида нутқ (деярли) онг иштирокисиз ва мақсадли ривожлантирилмайди. Бола нутқи ва тафаккури параллел ривожланади. Яъни бола онгида шаклланган фикрни ифодалаш мақсадида тил воситаларидан фойдаланади ва шу тариқа ўзини ўраб турган борлиқни англай бошлайди. Борлиқни англаш жараёнида тил билан ифодаланадиган тушунчалар шаклланиб боради.

Чет тилда нутқ ривожланиш жараёнида манзара мутлақо бошқача гавдаланади. Чет тил ўрганишга киришилганида, ўқувчи маълум даражада она тилидаги тил ва нутқ тажрибаларига ҳамда шу тилда асосий фикрлаш операцияларини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлади. Чет тил бирликларининг эгалланиши ўраб турган борлиқни англаш жараёни билан мувофиқлашмайди. Бу жараёнда ўқувчи фикрлашни эмас, балки фикр ифодалашнинг ўзга тил ва маданиятга хос восита ҳамда усулларида адекват фойдаланиш компетентлигини ривожлантиради. Бу эса ўз навбатида ўргатишнинг онглилик принципига аҳамият қаратилиши лозимлигини талаб этади. Яъни коммуникатив компетенциянинг эгалланиши учун фонетика, лексикага ва грамматикага оид тил материали методик тайёрланади ва тақдим этилади⁵⁹.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда она тилидаги нутқ ва фикрлаш жараёнлари жуда тез ривожланаётган бўлади, ўз навбатида механик хотира ўрнини сўз мантиқ хотираси, таққослаш, қиёслаш, аналогия, таснифлаш, умумлаштириш эгаллаган бўлади. Ўқувчиларнинг чет тилдаги нутқларини ривожлантиришда фикр ифодалашнинг чет тилдаги, яъни она тилида фикр

⁵⁸ Синельников А. П. Психология обучения иностранным языкам. – Х.: Основа, 2009. – С. 10.

⁵⁹ Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С. 8-9.

ифодалаш усули билан қиёсланадиган муқобил усул шакллантирилиши лозим.

Нутқ ривожланиш жараёнида бола нафақат тил тизимини, балки ўз хис-туйғуларини, ички кечинмаларини, ва хоҳиш-истагини ифодалаш воситаларини ҳам ўзлаштиради. Шу тариқа тил боланинг шахсий «мен»ини шакллантирувчи восита сифатида ижтимоийлашув ва индивидуаллашувга хизмат қилади. Уч ёшли боланинг нутқи мулоқот қуроли вазифасини бажариб, амалий фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Унда диалогик нутқ пайдо бўлади. Қизиқтирган нарсалар ҳақида саволлар бериш ёки катталарнинг саволига жавоб қайтариш диалогик нутқни тақозо этади. Диалогик нутқ замирида она тилининг грамматик тузилишини фаол эгаллаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Диалогик нутқ боланинг катталар билан ҳамкорликдаги фаолиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Анъанавий чет тил ўргатишнинг дастлабки босқичларида монологик нутқни ўргатишга кўпроқ аҳамият қаратилган. Масалан, дарслик-мажмуаларда «This is a dog», «That is a saw» каби мисоллар учрайди⁶⁰. Бундай мисоллар эса И.А.Зимняя, Е.В.Пассов, Х.Г.Виддовсонларнинг фикрича, коммуникация ёки интеракцияни эмас, нутқҳаракатни бажаришга ўргатади. Нутқ ҳаракатни бажаришда эса мотивация бўлмайди⁶¹.

Маълумки, болага она тилидаги нутқ ҳаёт учун зарур қурол, ягона мулоқот воситаси сифатида ривожланади. Она тилидаги нутқ ривожланишида ички мотивация муҳим аҳамият касб этади. Яъни бола она тилини ота-онаси ёки ўқитувчисини хурсанд қилиш, аъло баҳо олиш, лексик минимум таркибидаги сўзларни ёдлаш, матн ўқиш ва ҳоказолар учун эмас, балки ўзининг биологик эҳтиёжларини қондириш учун ўзлаштиради⁶², отларнинг кўплик шаклини ясай олмадими, иккита қанд ўрнига битта олади (6-жадвалга қаранг).

⁶⁰ Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфлар учун дарслик мажмуа. Kids' English Class 1,2,3,4. А.Т.Ирискулов, С.Хан ва муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б.24.

⁶¹ Widdowson H.G. Teaching Language as Communication. – L.: Oxford University Press, 2008. – P. 12.

⁶² Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 122-123.

Инглиз-ўзбек тилларида нутқ ривожланиши фило ва онтогенези ҳамда лексик ва грамматик кўникмаларнинг ривожланиши бўйича ўхшаш ва фарқли хусусиятлари

Қиёслаш мезони	Она тили	Инглиз тили
Нутқ ривожланиш филогенези	тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув компетенцияларининг эгалланиши изчиллиги	тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув компетенцияларининг эгалланиши изчиллиги
	Фонетика, лексика, орфография, грамматика	Фонетика, лексика, грамматика, орфография
Нутқ ривожланиш онтогенези	Стимул-реакция ходисалари, эгосентрик нутқ, креатив нутқий ижодкорлик	Нутқ намуналари асосида тақлид қилиш, такрорлаш машқларини бажариш
Лексик кўникма	Сўз тасодифий ва деярли онг иштирокисиз ўрганилади	Лексик минимум методик тайёрланади ва махсус мақсадларда тақдим этилади
Грамматик кўникма	от + сифат, ёки от + феълдан иборат қисқа телеграфик хусусиятга эга	Мулоқот моделлари ва нутқ намуналари асосида грамматик кўникма шакллантирилади

Уч ёшдан ўтган болада фақат яқин кишилар билан эмас, балки бегоналар, тенгқурлар билан ҳам мулоқот кўлами кенгайиб, том маънодаги нутқ фаолияти вужудга келади. Болада катталарнинг нутқига, хатти-ҳаракатига қизиқиш кучаяди, ўзига дахлсиз фикр ва мулоҳазаларни тинглаш майли пайдо бўлади, шунингдек, унинг ўз атроф-муҳитида, катталар даврасида олган маълумотлар ва ахборотлар бўйича бошқалар билан мулоқотга киришиш истаги пайдо бўлади⁶³.

Чет тил ўрганишда ташқи мотивация муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам кичик мактаб ёши ушбу планда катта имкониятлар эшигини очади. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчида ўйин-мотивацияси

⁶³ Ғозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Т.: Университет, 2006. – Б: 82.

кучли бўлади ва ундан фойдаланиш ҳар қандай тил бирлигини ўргатишда коммуникатив амалий аҳамиятга эга⁶⁴.

Нутқ ривожланиш фило-онтогенези соҳасидаги тадқиқотларда энг кўп иктибос келтирилаётган феноменлардан бири Ж.Пиаже томонидан «эгоцентрик нутқ» номи билан фанга киритилган атама билан изоҳланади. Пиаженинг таъкидлашича 3-4 ёшли бола нутқида мулоқот қилишга кучли эҳтиёж сабабли коммуникатив хусусиятлар пайдо бўлиб, маълум машғулот жараёнида (ўйин ёки бўяш) ўзи билан ўзи гаплашадиган, яъни адресант бўлмаса-да, овоз чиқариб фикрлайдиган бўлиб қолади. Мазкур ёшдаги бола нутқининг 40% эгоцентрик бўлиб, у кичик мактаб ёшига қадар аста-секин камайиб боради⁶⁵.

Медиация назариясидан маълумки, боланинг билимларни ўрганишида катталарнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Назария муаллифи (Феурштейн)нинг фикрича, боланинг ўрганишини унинг ҳаётидаги муҳим шахслар, яъни медиаторлар ташкил этишади. Бу шахслар, яъни дастлаб оналар, кейинчалик тарбиячи ва ўқитувчилар бола учун энг мақбул стимулларни танлайдилар ва уюштирадилар, стимулларни боланинг ўрганишини таъминлашга мувофиқлаштириб шакллантирадилар ва тақдим этадилар. Шунингдек, улар болага тақдим этилган стимулларга мос жавоб реакцияларини танлашни ўргатадилар, қандай реакция тўғри ва қайси бири нотўғри эканлигини тушунтирадилар.

Катталар болаларнинг фикр ифодалашдаги ўзларига хос креативлиги ва нутқий ижодкорлигини доим рағбатлантириб туришади. Масалан, опасининг туғилган кунда айтилган «*I would like to propose a toast*» мазмунидаги нутқ намунасидаги *toast* сўзини қиздирилган нон деб тушунган боланинг «*I would like to propose a piece of bread*», дея қадаҳ сўзи айтишини ёки «*Пиёда кетамиз*» деган стимулига «*пия қачон келади*» дея жавоб реакциясини

⁶⁴ Slentz K.L., Krogh S.L. Teaching Young Children: Contexts for learning. – Mahwah. New Jersey. Lawrence Erlbaum Associates, Inc., 2001. – P: 31.

⁶⁵ Дружинина В.Н. Психология: Учебник для гуманитарных вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – С: 254.

қайтарган боланинг нутқини она ўзгача меҳрибонлик билан тузатишга ҳаракат қилади: *Пия бу машина эмас, пиёда кетиш ўз оёқларимиз билан юришимиз кераклигини англатади.* Ушбу назариядан хулоса чиқарадиган бўлсак, катталарнинг болалар билан ҳамкорликдаги мулоқоти ўзига хос янги муносабатлар ўрнатишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Медиация жараёнида болада нутқ ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан яна бири жонли нутқ вазиятларидаги катталар ва болалар ўртасидаги интеракцияда фойдаланиладиган махсус соддалаштирилган тилдир. Мутахассислар болалар ва катталар ўртасидаги интеракцияни тадқиқ этиб, оналар фарзандлари билан интеракцияда махсус соддалаштирилган тилдан фойдаланишларини аниқлашган.

Ушбу тил гапларнинг содда тузилганлиги, сўзни аниқ талаффуз этилиши, гапдаги ўзак тушунчани ифодаловчи сўзларга урғу бериб ва айрим ҳолларда уларни такрорлаб айтилиши, табассум, жилмайиш, мийиғида кулиш, лаб қисиш ва чўччайтириш, тил чиқариш, қош учираш ва сузиш, елка қисиш, бошни сарак-сарак қилиш, кўрсаткич бармоқни лаблар устига қўйиш каби дактилогик (бармоқ нутқи) ва бошқа турли психологик ҳолатларни, айниқса, ҳиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятларга бойлиги билан фарқланади.

Она тилида нутқ ривожланишини таъминловчи яна бир омил бу бола нутқидаги хатоларга нисбатан сабрли бўлинишидир. Гўдаклик давридаги бабалаш ва ғуғулаш билан бошланган нутқ аста секин от + от (дада китоб) ёки от + феълдан (дада хуппа = дада мени кўтаринг) иборат телеграфик хусусият касб эта бошлайди. Чет тил ўрганиш жараёнида ҳам кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар нутқи дастлаб от + сифат, ёки от + феълдан иборат қисқа телеграфик хусусиятга эга бўлади. Масалан: This is daddy book (This is my daddy's book.) This is a not your (This is not your book). I am jacket (I brought a jacket today). I am parade (I saw a parade in Disneyland).

Чет тилдаги нутқнинг телеграфик хусусияти она тилидаги нутқнинг телеграфик хусусиятидан фарқли бўлиб, у кўпроқ яхлитлигича хотирада

сақлаб қолинган нутқ намуналаридан иборат вербал ифодага ўхшаб кетади. Яъни ўқувчилар хотирада сақланган нутқ намуналарига (e.g. Ready? Really! Never mind. Welcome!) таянишади ва улардан ташқи кўзғатувчи стимулларга нисбатан реакция сифатида фойдаланишади.

Она тили чет тил ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни ҳар қандай чет тил она тили призмаси орқали ўрганилади. Чет тилдаги кўникма ва малакалар она тилида ўзлаштирилган кўникма ва малакалар воситасида эгалланади. Кўникмаларнинг кўчиши (ўтиши) ўспирин ва, айниқса, катта ёшдагиларга чет тил ўқитишда долзарб муаммо ҳисобланади. Рухшунослик ва тилшуносликдаги тадқиқотлардан маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг тил тажрибалари она тили ва ўрганилаётган чет тил ўртасидаги тавофутларни фарқлаш даражасида ривожланмаган бўлади. Шунингдек, кичик ёшдаги тил ўрганувчилар мияси физиологик жиҳатдан она тилида сўз ясаиши ва гап тузилишини тартибга солувчи грамматик қонуниятларга тўлиқ мослашмаган бўлади⁶⁶.

Нейролингвистик тадқиқотлар таҳлили асосида 9 ёшгача чет тил ўрганиш катта ёшда чет тил ўрганишдан фарқ қилиши, 10 ёшгача чет тил ўрганиш жараёнида она тили интерференцияси кам кузатилиши аниқланган⁶⁷. Кичик мактаб ёшида чет тил ўрганилганда, худди она тили ўрганишдаги каби миянинг чап ярим шари пўстлоғидаги махсус нуқталар (П.Брока (1861 й.) мия пўстининг маълум қисми (мия чап ярим шари пешона қисмининг пастки томонидаги бурмаларнинг орқа қисми), К.Вернике (1874 й.) бош мия ярим шарлари пешона қисмининг тепа томонида «сўзларнинг сенсор образлари» жойлашган ва нутқ жараёнини таъминлашда жуда ҳам содда элементар «стимул-реакция» типидagi физиологик механизм, нутқ фаолиятининг юксак формалари учун нутқ воситаси билан фикр баён

⁶⁶ Lennon P. Contrastive Analysis, Error Analysis, Interlanguage. Bielefeld Introduction to Applied Linguistics. – Bielefeld: Aesthesis, 2008. – P. 51-60.

⁶⁷ Broughton G., Brumfit Ch., Flavell R., Hill P., Pincas A. Teaching English as a Foreign Language. – L.: Routledge, 2003. –P: 168.

қилишни ичдан дастурлаш механизмлари учун характерли иерархик тузилишига эга бўлган махсус механизмлар қатнашади.

Катта ёшлилар она тили ва ўрганилаётган чет тил ҳақида маълум билимга эга бўлишлари сабабли тиллараро тафовутларни таҳлил этадилар. Бу эса нутқий фаолият жараёнида иккиланиш ва тормозланишга олиб келади. Соҳа мутахассисларининг фикрича, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг чет тил ўрганишдаги муваффақияти асосида уларнинг гапга эмас тушунчага, грамматик қурилма, яъни шаклига эмас, балки мазмунга эътибор қаратишлари, интеракция жараёнида иккиланиш ва тормозланиш ҳолатларига тушмасликлари замирида ётади⁶⁸.

Она тили ва чет тилда лексик кўникмаларнинг шаклланиши

Ж.Пиаженинг нутқ ва тафаккур ривожланиши ҳақидаги «Когнитив конструктивизм» назариясидан маълумки, она тилидаги нутқ ва тафаккурнинг ривожланишида предметлар муҳим аҳамият касб этади. Д.Б.Эльконин хулосасига кўра, нутқни тушунишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат: а) умумий ҳолатдан предметни ажрата олиш; б) предметга диққат-эътиборни тўплаш; в) фавқулодда ҳолатга қараб англанадиган ҳис-туйғунинг мавжудлиги ва бошқалар⁶⁹. Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идроки замирида вужудга келади. Болани ўзгалар нутқини тушунишга ўргатишда катталар бирор ўйинчоқдан таъсирланишни ҳосил қиладиган қўзғатувчини уйғотади. Бунда бола диққати жисм ва расмларга жалб этилиб, «Сурнай қани?», «Айиқча қани?», «Копток қани, машина-чи?» каби саволлар билан мурожаат этилади. Катталарнинг бола билан машғулотларни бир неча марта такрорлаши натижасида талаффуз қилинаётган сўз билан предмет узвий боғланади ва бу боғланиш бир неча босқичларда намоён бўлади.

⁶⁸ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P: 101.

⁶⁹ Эльконин Д.Б. Психология развития. – М.: Академия, 2007. – С:144 .

Тушунишнинг ривожланиш босқичлари кўрув идроки билан нутқ ўртасидаги ўзига хос муносабат тариқасида намоён бўлади. Тушуниш, яъни нутқни идрок этиш боланинг ориентирлаш фаолияти негизида вужудга келади. Болаларда кенг кўламли ва кўп миқдордаги предметларни таниш, идрок қилиш, уларнинг хусусиятларини ўзлаштириш эҳтиёжининг ортиши катталар билан мулоқотга киришиш майли, туйғуси ва истагини кучайтиради.

Ф.И.Фрадкина болада дастлабки фаол нутқнинг шаклланиши муаммоси билан шуғулланган. Унинг тажрибасида табиий мулоқот пайтида бола бирор сўзни бир кунда ўзлаштирган, бироқ сунъий шароитда 10-11 кун давомида ўша сўз билдирган предметнинг тимсолини кўрсата олган⁷⁰. Она тилидаги янги сўз қачонки у англатадиган предмет ёки ҳодиса ва унинг вербал муқобили ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганида ўзлаштирилади. Бунинг учун бола ўзини ўраб турган предметлар билан бажарилиши кўзда тутилган иш-ҳаракатларни тўғри бажара олишга ўрганиши, яъни предметнинг ранги, шакли, таъми каби ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадиган сифати ва функциясини тўғри англаши лозим.

Чет тил ўрганиш жараёнида эса ўқувчи ўзини ўраб турган борлиқдаги предметлар ва уларнинг функциялари ҳақида маълум даражадаги тасаввурга эга бўлади. Ўқувчи тафаккуридаги сўзнинг инглизча эквиваленти билан мустаҳкам алоқа ўрнатиладиган вазиятда инглиз тилини ўрганиш самарадорлиги таъминланади. И.А.Зимнянинг таъбири билан айтганда, айнан шу вазият янги сўзнинг ўқувчи хотирасида мустаҳкамланишига тўсқинлик қилади ва бошқа томондан ўқув жараёнида ўқувчининг тил тажрибасидан максимал фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради⁷¹.

Она тилида сўз тасодифий ва деярли онг иштирокисиз ўрганилади, унинг замирида яширинган маъно эса турли контекстларда мустақил

⁷⁰ Ғозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Т.: Университет, 2006. – Б: 79.

⁷¹ Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 2001. – С: 49.

фаҳмлаб олинади. Чет тил ўрганиш жараёнида лексик минимум методик тайёрланади (танланади, тақсимланади, таснифланади) ва ўқувчиларга чет тил нутқ кўникма ва малакаларини сингдириш мақсадида тақдим этилади. Танишиш босқичида сўзнинг шакли, маъноси ва қўлланиши юзасидан иш бажарилади. Сўзнинг маъно доирасини аниқлаш (семантизация) анъанавий усул бўлиб, она тилидаги шунга монанд сўзни эсга олиш орқали амалга оширилади. Сўзнинг семантик маънолари ўқитувчи ташаббуси билан турли мисоллар ёрдамида очиб берилади. Тилларнинг миллий хусусиятга эга эканлиги, уларнинг мустақил тараққиёт жараёнини босиб ўтишлари туфайли қатор ҳолларда она тилидаги у ёки бу лисоний воситага чет тилдаги муайян бир тил бирлиги эмас, балки бир нечта, қатор ҳолларда бир-бирларидан маъно белгилари, баъзан эса услубий вазифалари жаҳатидан фарқ қиладиган лисоний воситалар мос келади.

Сўз маъносини ўргатиш мураккаб жараён ва бу учун ўқитувчи жуда кўп вақт сарфлайди. Замонавий чет тил ўқитиш методикасида сўз маъносини ўқитувчи аралашувисиз мустақил фаҳмлаб олинishiга кўпроқ аҳамият қаратилмоқда. Она тилининг формал-семантик томонига муштараклиги туфайли мустақил фаҳмлаб олишнинг ички имкони бўлган лексик бирликлар *потенциал лугат* дейилади.

Ички имкониятли сўзлар лугатига қуйидагилар киради: байналмилал сўзлар (теннис – tennis, компьютер - computer); конверция (шакли бир хил лекин турли сўз туркумларига мансуб сўзлар: color – бўямоқ; бўёқ; water – сув; суғормоқ); таниш сўзлардан тузилган кўшма сўзлар (compounds: book+shop, pencil+box, milk+man, police+man, spider+man, post+man), жуфт сўзлар (binominals: record player, second-hand), турғун бирикмалар (collocations: set the table, give a hand); сўз ясовчи элементлари таниш сўзлар (teach, play, read – teacher, player, reader). Ўргатилиши лозим бўлган сўз мазмунини турли контекстларда ва нутқ вазиятларида очиб берилиши хорижий методикада «*semantic and syntactic bootstrapping*», деб номланади.

Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси Ж.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, М.Т.Ирискулов, А.Содиқовлар томонидан мукамал тадқиқ этилган.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексиканинг ва интерференция ходисасининг ўрганилаётган муаммо нуқтаи назаридан қиёсий таҳлилида, айниқса инглиз ва ўзбек тилидаги феълларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида улар ўртасидаги шахс, сон, замон, майл, нисбат каби морфологик ва грамматик белгилар бўйича фарқлар, нутқий интерференцияни келтириб чиқарувчи лингводидактик ва методик қийинчиликлар аниқланди. Қиёсий таҳлил бўйича инглиз ва ўзбек тилларининг от ва феъллари асосида семантика, парадигматика, синтагматикани аниқлаштириш ўзбек ўқувчилари томонидан инглиз тилидаги от ва феълларни ўрганишда уларнинг ясалиш усуллари ўзбек тилидаги от ва феълларнинг ясалиши билан ўхшаш ва фарқларни ўрганиш имконини беради (6-жадвалга қаранг).

7-жадвал.

От ва феълларнинг морфологик хусусиятлари

Инглиз тили	Ўзбек тили
От ва феъл сўз туркумига мансуб сўзлар фарқ қилмайди – <i>drink -todrink; water – to water</i>	От ва феъл сўз туркумига мансуб сўзлар фарқ қилади – <i>ич - ичимлик; сув - сугор</i>
Оддий феъллар – <i>to go, to drink, to take</i>	Туб феъллар – <i>бор, ич, ол</i>
Ясама феъллар – <i>to enlarge, to shorten, to reconstruct</i>	Ясама феъллар – <i>бошла, бошқар, шодлан, қўлла</i>
Феъллардан от ясалиши – <i>teach - teacher, work - worker, direct - director, policeman, spiderman, postman, milkman</i>	Феъллардан от ясалиши – <i>ёз - ёзувчи, бошқар - бошқарувчи, сот - сотувчи</i>
Қўшма отлар (Compunds) – <i>dishwasher, ladybird, dragonfly, teapot</i>	Қўшма отлар – <i>хонқизи, маккажўхори</i>
Қўшма феъллар – <i>to daydream, to waylay</i>	Қўшма феъллар – <i>таклиф қилмоқ, олиб бермоқ</i>
Жуфт отлар (Collocations) – <i>fish and chips, brothers and sisters, family tree,</i>	Жуфт отлар – <i>она-сингил, ака-ука, чойнак-пиёла, идиш-товоқ</i>
Жуфт феъллар (Collocations) – <i>to make a mistake (fire, tea, money, friends), to do the room (homework)</i>	Жуфт феъллар – <i>хато қилмоқ, чой дамламоқ, ишлаб топмоқ</i>
Таркибли феъллар (Phrasal verbs) – <i>to get up, to sit down, to put on</i>	

Инглиз ва ўзбек тилларида отларнинг кўплик, феълларнинг ўтган замон шакллари, сифат даражаларини ясашда ҳам ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кузатилади. Кейинги йилларда чет тил ўқитиш методикасида *Corpora* ёки *Corpus* атамалари кенг қўлланилмоқда ва чет тилда табиий нутққа яқинлашиш тамойили асосида *lexical approach, situational approach, speech act approach* ва *corpus-informed approach* каби ёндашувлар ривожланмоқда⁷². Замонавий инглиз тилида *make things happen, go in for sports, here and now activity, make believe activity* каби турғун ибораларни қўллаш хос. Ўзбек тилида бундай ҳодиса кам кузатилади. Ўзбек ва инглиз тилларини қиёсий ўрганиш ҳар икки тилнинг феъл ва отларида морфологик ва синтактик жиҳатларида ҳам катта фарқлар мавжудлигини кўрсатади.

Она тили ва чет тилда грамматик кўникмаларнинг ривожланиши

Тадқиқотларда болалик даврида грамматик кўникмалар турли ёшда ва тезликда, лекин айти изчилликда ривожланиши исботланган. А.Н.Гвоздев илк болалик ёш давларида рус тилининг грамматик қурилишини ўрганиб, уни икки босқичга ажратади. Биринчи босқич – 1 ёшу 3 ойликдан 1 ёшу 10 ойликкача. Бу босқич ҳам муайян даврларни ўз ичига олади: а) бир сўздан тузилган гаплар босқичи (1,3 – 1,8); б) икки ва ундан ортиқ сўзлардан тузилган гаплар. Иккинчи босқич – 1 ёшу 10 ойликдан 3 ёшгача. Бу босқич ҳам бир неча даврларга ажратилади: а) содда ва мураккаб гапларнинг шаклланиши (1,10-2); б) синтактик алоқаларни ифодаловчи гаплардан фойдаланиш (2,1-2,3); в) ёрдамчи сўзларни ўзлаштириш босқичи кабилар.

Тадқиқотларда инглиз тилида сўзлашувчи болаларнинг грамматик кўникмалари қуйидаги изчилликда ривожланиши аниқланган:

1. Plural -s / 2. Progressive – ing / 3. Copula be (e.g., This game is fun.) / 4. Auxiliary be (e.g., They are playing.) 5. *a* and *the* definite and indefinite articles / 6. Irregular past tense / 7. Third person singular ending - s / 8. Possessive ending -s (e.g., My mom's picture.)

⁷² Burns A., Richards J.C. The Cambridge Guide to Pedagogy and Practice in Second Language Teaching. – NY: Cambridge University Press, 2012. – P: 107.

Тадқиқотларда туркий тилларда сўзлашувчи ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатоларнинг 2/3 қисми, тахминан 67% инглиз тилидаги гап тузиш тартибига, қолган 1/3 қисм, яъни 33% хатоларнинг 22% предлогларга ва 11% артикларга тааллуқли, билингвал, яъни ўзбек (қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, туркман) ва рус тилларида сўзлашувчи ўқувчиларда эса хатолар сезиларли даражада кам учрайди, деган мазмундаги фикрлар мавжуд⁷³.

Ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатоларга сабаб ўзбек ва инглиз тиллари ўртасидаги тафовут кўрсатилади. Ўзбек ва инглиз тиллари ўртасидаги асосий фарқ шундаки, улар турли тил оилаларига мансуб. Инглиз тили аналитик тил бўлса, ўзбек тили маълум жиҳатлари билан ҳам флектив, ҳам агглютинатив тиллар тоифасига киради. Инглиз тилида гап тузилиши қатъий тартибга бўйсундирилган бўлиб, аксарият ҳолларда *эга - кесим - иккинчи даражали бўлақлар* изчиллигига амал қилинади. Бу эса инглиз тилини ўрганиш жараёнини оптималлаштиришга хизмат қилади⁷⁴. Инглиз тили гап тузилишидаги сўзларнинг тартиби иш ҳаракатнинг ким бажараётганлигини ва нимага қаратилганлигини яққол кўрсатиб туради. Кичик мактаб ёшида инглиз тилида гап тузишни ўратиш бўйича амалиётда турли усуллардан фойдаланилган. Масалан, Ф.Гуиннинг (Series Method) ҳаракатлар изчиллиги сериялари ва Ж.Ашер (Total Physical Response) методлари асосидаги имитацион машқлари кенг оммалашган⁷⁵. Бундай машқлардан мисол келтирамиз:

You're a bird. You're going to fly. You're walking. You're running. You're running faster. You're flapping your wings. You're flapping and running. Wow! You're flying. You're flying faster. You're flying slower. You are tired. Good, you are resting.

Инглиз-ўзбек тиллараро тафовутлар қуйидагилардан иборат:

⁷³ Алишова Р.К. Межъязыковая кыргызско-английская интерференция на уровне фонетики, грамматики и лексики (с позиции социолингвистики): Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Б.: Институт иностранных языков Кыргызстана, 2013. – 35 с.

⁷⁴ Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P: 58.

⁷⁵ Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – P: 76.

- келишик қўшимчаларининг мос келмаслиги (мас. to look for – изламоқ, ахтармоқ, қидирмоқ (ўзбек тилида феълларга келишик қўшимчалари қўшилмайди);

- ўзбек тилида айрим грамматик ҳодисалар мавжуд эмас (мас. артикл);

- инглиз тилида қўмакчи феълларнинг ишлатилиш ҳодисаси ўзбек тилида мавжуд эмас;

- ўзбек тилида отларга қўшиладиган келишик қўшимчалари функциясини инглиз тилидаги отлардан аввал ёки феъллардан кейин келадиган предлоглар бажаради. Яъни ўзбек тилида феъл отларга турли келишик қўшимчалари қўшилишини талаб этса (*доскага қаранг*), инглиз тилида от феълдан аввал турли предлоглар келиши лозимлигини белгилайди. Масалан, *look* феълдан кейин *at, after, for, through* каби предлоглардан қайси бири келиши лозимлигини от белгилайди: *Look at the blackboard. Look after your sister. Look for the key;*

- инглиз тилида иш-ҳаракатни ифодалашнинг ҳозирги, ўтган ва келаси замонлари кўп;

- ўзбек тилида равиш феълдан аввал келса, инглиз тилида у феълдан кейин келади ёки ўзбек тилида тўлдирувчи кесимдан олдин келса, (*китобни ол*) инглиз тилида тўлдирувчи кесимдан кейин келади (*take the book*).

Кўп йиллар давомида мутахассислар чет тил грамматикасини ўрганиш она тили грамматикасини ўрганишдан фарқ қилади, яъни она тилида ривожлантирилган грамматик кўникмалар чет тил морфологияси ва синтаксисини ўрганишга тиллараро интерференция сабабли тўсқинлик қилади, деган фикрни тасдиқлаб келишган. Интерференция бихевиоризм, аудиолингвализм ва структурализм ҳамда Контрастив таҳлил гипотезаси маҳсулидир.

Контрастив таҳлил гипотезаси Р.Ладонинг «Linguistics Across Cultures» номли китобида илгари сурилган ғоя натижасида ривожлантирилган. Р.Ладонинг фикрича, турли тилларда сўзлашувчилар учун чет тил ўрганишдаги қийинчиликлар доирасини икки тил ва маданиятлар ўртасидаги фарқни

систематик равишда қиёслаш орқали аниқлаш мумкин. Икки тил ва маданиятлар ўхшаш бўлса, ўрганишда қийинчиликлар вужудга келмайди, улар фарқли бўлса, ўрганишда қийинчиликлар вужудга келади, тафовут қанчалик катта бўлса, қийинчилик даражаси шунчалик юқори бўлади⁷⁶. Интерференция, айниқса, ўрганилаётган чет тилдаги сўзларнинг она тили акценти билан талаффуз қилинишида яққол кўринади. Масалан, ҳинд инглиз (Indian English) диалектида ҳиндча акцент яққол сезилиб туради. Бу соҳада айниқса М.Д.Джусуповнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. М.Джусуповнинг таъкидлашича, она тили фонетикасининг салбий таъсири дастлабки босқичда яққол кузатилади. Лекин тил ўрганиш жараёнидаги методик тадбирлар салбий таъсирни камайтириши мумкин.

Чет тил ўрганиш жараёнидаги она тили акценти ва гап тузиш структурасининг сақланиб қолиниши хорижий методикада фосилизация (fossilization – тош қотиш) дейилади⁷⁷. Она тилининг ижобий таъсирини фосилизация дейиш ҳоллари ҳам учрайди⁷⁸. Контрастив гипотеза учун чет тил ўқитишнинг лингвистик асослари характерли бўлиб, чет тил ўрганиш она тилининг бевосита (тиллараро интерференция ва кўникмаларнинг ижобий кўчиши) таъсирида содир бўлади, деган мазмундаги тушунчани илгари суради. Ушбу гипотезага асосланган чет тил ўқитиш амалиётида ўқувчилар дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни аввалдан аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда улар сабабли йўл қўйиладиган хатоларни бартараф этиш мақсадида икки тилнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари чуқур таҳлил этилган.

Контрастив гипотеза бихевиористик назария тарафдорлари томонидан ривожлантирилган бўлиб, унга кўра чет тил механик тақлид ва машқлар бажариш орқали ривожлантирилган тўғри, яъни тил нуқтаи назаридан беҳато кўникмалар асосида ўргатилади. Ўқувчи нутқида учрайдиган хатолар қатъий

⁷⁶ Lennon P. Contrastive Analysis, Error Analysis, Interlanguage. Bielefeld Introduction to Applied Linguistics. – Bielefeld: Aesthesis, 2008. – P. 51-60.

⁷⁷ Hongping Chen, Bo Zhao. A Study of Interlanguage Fossilization in Second Language Acquisition and Its Teaching Implications. // International Conference of Educational Research and Sport Education. – China. Atlantis Press, 2013. – P. 18-20.

⁷⁸ Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh.S. English Language Teaching Methodology. – T.: Fan va Texnologiyalar, 2015. – 336 b.

таъқиб этилган, ўқув дастурлари ва дарсликлар ўқувчининг хатолардан қутилишини таъминлаш мақсадида яратилган⁷⁹.

Лекин сўнгги тадқиқотларда она тили ва ўрганилаётган чет тилда ўхшаш ҳодисалар қанчалик кўп бўлса, чалкашлик ва хатоликлар ҳам шунча кўп бўлиши⁸⁰, ўрганилаётган чет тилдаги фарқли ҳодисалар осон ва тез ўзлаштирилиши исботланмоқда. Бундай ҳулоса она тилиси хитой, япон, араб, француз, норвег ва испан тили бўлган ўқувчиларнинг инглиз тилидаги грамматик кўникмалари таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар натижасида чиқарилган⁸¹. Хитойлик ўқувчининг «two hand», норвегиялик ўқувчининг «Where live Tom?», япониялик ўқувчининг «I no like. I no like small. You no can go.», испаниялик ўқувчининг «crayon red», they have hungry» каби хатоларини кичик мактаб ёшидаги тил соҳиблари нутқида ҳам учраши мумкинлиги аниқланган. Яъни инглиз тилида сўзлашувчи бола ҳам «he doesn't like it» босқичига етишдан аввал «he not like it», «he don't like it» босқичидан ўтади⁸². Ўзбек тилида сўзлашувчи бошланғич синф ўқувчиларининг нутқида ҳам *борган йўқман, олган йўқман, кеча бораман* каби грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган ифодалар учрайди.

Методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, хатоларга тиллараро интерференция сабаб бўлмайди. Масалан, хитой тилида отларнинг кўплик шаклини мавжуд эмаслиги ёки испан тилидаги сифатнинг отдан кейин қўлланилиши хатоларнинг асосий сабаби эмас⁸³. Ўзбек тилида аниқловчининг кесимдан аввал келиши (тартибли ёз) ва инглиз тилида аниқловчининг кесимдан кейин келиши (write accurately) каби тафовут ҳам бошланғич синф ўқувчисига инглиз тилида гап тузишнинг *эга → кесим → тўлдирувчи* тартибини ўргатишга тўсқинлик қилмайди. Чунки инглиз

⁷⁹ Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – С: 49-50.

⁸⁰ Galasso J. Interference in Second Language Acquisition: A Review of the Fundamental Difference Hypothesis Transferring the 'Pro-drop' Parameter from Spanish to English. – California State University, 2002. – P: 20.

⁸¹ Vivian C. Second Language Learning and language Teaching. – UK.: Hodder Education, 2008. – P: 7-8.

⁸² Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – P: 6.

⁸³ Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Group, 2007. – P: 61.

тилидаги *many*, *much* немис тилидаги *viel*, *viele* билан айна маънони ифодаласа-да, немис тили соҳиби инглиз тилини ўрганиш жараёнида *many* дан *much* ни фарқлашга қийналаверади⁸⁴.

Фин ва швед тилларида сўзлашувчи билингвал болаларнинг инглиз тилидаги хатолари таҳлилидан маълум бўлишича, аксарият хатолар швед тилининг «ижобий» таъсирига бориб тақалади. Швед ва инглиз тиллари бири-бирига жуда яқин тил бўлиб, сўз ясаши ва грамматик қурилиши жиҳатдан умумий ўхшашликларга эга. Фин тили эса мутлақо бошқа тил оиласига мансуб⁸⁵.

Фикримизни далиллаш учун инглиз тили ўрганаётган испан ва хитой тилида сўзлашувчи бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари тўғрисидаги маълумотни келтиришимиз мумкин. Тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчиларнинг она тили турлича бўлса-да, улар грамматик морфемаларни қуйидаги изчилликда ўрганишган: plural – s; progressive – ing; copula be (e.g., This game is fun.); auxiliary be (e.g., They are playing); a and the definite and indefinite articles; irregular past tense; third person singular endings – s; possessive endings –s (e.g., My mom’s picture.)

Тадқиқотчиларнинг тажриба-синов ишларидан олган натижалари шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчилари томонидан инглиз тилида морфемаларни ўрганиш тартиби улар сўзлашадиган она тилининг инглиз тилидан қай даражада фарқ қилишига боғлиқ эмас.

Илмий текширишларга кўра, ўқув жараёнидаги ташкилий сабаб, яъни ўқувчилар диққатини жалб эта олмаслик, стресс, фосилизация, шаклга юқори даражада эътиборли бўлиш, давоматнинг қониқарсизлиги ёки ўхшаш ҳодисаларни умумийлаштириб юбориш (work – worked → ask – asked → give – gived) ҳам хатоларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўрганилаётган чет тилдаги нутқларида учрайдиган хатолар таҳлилидан маълум бўладики, она тили тажрибаси эмас, балки ўрганилаётган чет тилдан коммуникатив

⁸⁴ Lennon P. Contrastive Analysis, Error Analysis, Interlanguage. Bielefeld Introduction to Applied Linguistics. – Bielefeld: Aesthesis, 2008. – P. 63-64.

⁸⁵ Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – P. 94.

компетенциянинг пухта эгалланмаганлиги хатоларни келтириб чиқарувчи сабаб бўлиши мумкин. Масалан, «I bought a ticket», деб гап тузган ўқувчидан «I buyed a ticket», деб гап тузган ўқувчининг инглиз тилида ўтган замонда гап тузиш кўникмаси малакага айланганлигидан далолат беради. Лекин бошқа томондан *gived, sheeps* кўринишидаги бундай хатолар хорижий адабиётларда «Overextention» деб номланиб, чет тилда ўзлаштирилган грамматик кўникмани амалиётда қўллаш доирасининг кенгайиб кетишини англатади. Яъни чет тил ўрганиш жараёнида эгалланган тил тажрибаси ҳам интерференцияга сабаб бўлиши мумкин.

I боб юзасидан хулосалар

Бошланғич синфларда чет тил ўқитишнинг илмий-методик асосларини таҳлил қилиш қуйидагиларни хулоса сифатида умумлаштиришга имкон беради:

1. «Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш» йўналишнинг вужудга келиш сабаблари, соҳани ривожлантириш мақсадида олиб борилган ислохотлар, тажрибалар ва тадқиқотлар таҳлил этилди. Айрим тадқиқотларда кичик ёшдаги чет тил ўрганувчилар сифатида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари назарда тутилган бўлинса, айримларида 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўқувчиларга чет тил ўқитиш жараёни тадқиқот объекти сифатида танланган. Бундан ташқари, соҳага оид илмий ишларда коммуникатив ёндашувдан фойдаланиш асосида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш жараёни тадқиқот объекти сифатида белгиланмаган.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш методикасининг (*Inter)Cultural Awareness*) (Тилларни маданиятлараро мулоқот воситаси мақомида ўргатиш), «*Language Awareness*» (Тилларни таълим воситаси мақомида ўргатиш) ва «*Humanity*» (тилларни ўқувчи шахсини шакллантириш воситаси мақомида ўргатиш) таълим концепциялари аниқлаштирилди. Ушбу концепциялар асосида бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг

психолингвистик, дидактик, методологик, ва педагогик тамойиллари умумлаштирилди.

2. Бошланғич синфларда чет тил ўзлаштириш ва ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий ва чоғиштирма тадқиқ этилди. Кичик мактаб ёшида чет тилларнинг муваффақиятли ўрганилишини таъминлаш учун оптимал вазиятлар яратиш бўйича тавсиялар шакллантирилди. Ушбу тавсияларни илмий асослаш мақсадида «таълим шароити»ни ифодаловчи тушунчалар ва уларга асосан ривожлантирилган лингводидактик назариялар шарҳланди, бугунги давр ўқувчиларнинг ёшга оид психологик, билиш фаоллиги ва индивидуал хусусиятлари тадқиқ этилди. Таълим шароити тушунчалардан келиб чиқиб, замонавий лингводидактикада кичик мактаб ёшида чет тил ўзлаштириш ва ўрганишнинг объектив қонуниятларини илмий жиҳатдан асословчи *мутаносиблик* ва *тилларао* назариялари қиёсланди.

Тадқиқот доирасида кичик мактаб ёшидаги бугунги давр болаларининг билиш жараёни хусусиятлари (тафаккур, диққат, хотира) ёритилди. Шунингдек, 1-2 синф ўқувчиларининг 3-4 синф ўқувчиларидан фарқли жиҳатлари аниқланди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёшга оид хусусиятларидан келиб чиқиб таълимнинг ушбу босқичида хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. «Нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш», «Оғзаки нутқнинг илгариллаши», «Чет тилда табиий нутққа яқинлашиш», «Нутқий йўналганлик», «Яхлит ўргатиш» тамойилларига биноан мулоқот моделларини ўргатиш коммуникатив компетенциясининг муваффақиятли эгалланишида юқори самара бериши илмий асосланди.

3. Она тилида нутқ ривожланиши (фило-онтогенези) ва чет тилда нутқий фаолият юритиш кўникмаларининг шаклланиш жараёнлари қиёсий тадқиқи асосида хатоларга тилларарао интерференция сабаб бўлмаслиги аниқланди. 9 ёшгача чет тил ўрганиш катта ёшда чет тил ўрганишдан фарқ қилиши, 10 ёшгача чет тил ўрганиш жараёнида она тили интерференцияси кам кузатилиши аниқланди. Илмий текширишларга кўра, ўқув жараёнидаги

ташкилий сабаб, яъни ўқувчилар диққатини жалб эта олмаслик, стресс, фосилизация, шаклга юқори даражада эътиборли бўлиш, давоматнинг қоникарсизлиги ёки ўхшаш ҳодисаларни умумийлаштириб юбориш ҳам хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

Чет тил дарсларида фикрлашни эмас, коммуникацияни ўргатиш зарур. Ўқувчиларнинг чет тилдаги нутқларини ривожлантиришда фикр ифодалашнинг чет тилдаги, яъни она тилида фикр ифодалаш усули билан қиёсланадиган муқобил усули шакллантирилиши лозим.

II БОБ. БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1. Тадқиқот мавзуси доирасида таълим воситаларининг таҳлили

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Шу боисдан республикамызда соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштириш мақсадида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг кўпмаданиятли ва кўптилли «ландшафти» шахсининг тил компетентлигини ривожлантиришга самарали асос бўлмоқда. Чет тил таълими ёки Н.Гальскованинг таъбири билан айтганда, «Лингвомаданий таълим» ёш авлоднинг янги ва фойдали ахборот (информация) олиш, етказиш ҳамда интеракцияга киришиш имкониятлари ва сарҳадларини янада кенгайтиради.

2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарорида ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун имкониятлар яратиш бош мақсад этиб белгиланган.

Маълумки, ҳар қандай мақсад эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. Методик адабиётларда эҳтиёжни таҳлил қилишда таълим шароитидан келиб чиқиб, объектив ва субъектив эҳтиёжлар фарқланади⁸⁶. Объектив эҳтиёж: а) чет тил ўрганувчиларнинг ёшга оид психологик хусусиятлари, она тили, қизиқишлари, чет тил ўрганиш лаёқатлари; б) чет тилда нутқ фаолият

⁸⁶ Edwards A., Knight P. Effective Early Years Education: Teaching Young Children. – London. Open University Press. 2001, – P: 45.

турларидан эгалланиши лозим бўлган билим, малака ва кўникма даражалари; в) давлат ва жамият талабидан, яъни ижтимоий буюртмадан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг чет тилдан билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган дастурий талаблар ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланади.

Субъектив эҳтиёж ўқувчиларнинг: а) ўрганилаётган чет тил ва маданиятига муносабатлари; б) чет тил ўрганиш усулари ва стратегиялари; в) қайси нутқ фаолият турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув)ни эгаллашга қизиқишлари ҳақидаги маълумотлар асосида таҳлил этилади⁸⁷. Объектив ва субъектив эҳтиёжлар ҳақидаги таҳлилий маълумотлар асосида таълим мақсадлари аниқланади.

Таълим мақсадларини аниқлашда ўрганувчиларнинг коммуникатив эҳтиёжларига устувор аҳамият қаратиш зарур⁸⁸. Мақсад – таълимда умумий йўналиш бўлиб, муайян вазифа(лар)ни ҳал этиш режасидир. Мақсад деганда, чет тил ва унинг соҳиби маданиятини ўргатиш ва ўрганишнинг онгли тарзда режалаштирилган натижаси кўзда тутилади. Таълим мақсадлари ижтимоий буюртма – топшириқ бўлиб, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилади, у таълим мазмуни ва унга мувофиқ эришиладиган натижани белгилаш орқали чет тил ўқитиш тизимини аниқлаштиради⁸⁹.

Чет тил ўқитиш мақсадлари мазкур тизимининг асосий компоненти сифатида умумтаълим шароитлари ва жамият ҳамда шахс талабидан келиб чиқиб аниқлашиб боради. Мақсад ўз навбатида чет тил ўқитиш мазмуни, тамойиллари, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият хусусиятларидан келиб чиқадиган усул ва технологияларни белгилайди⁹⁰.

⁸⁷ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P: 152-153.

⁸⁸ Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. – М.: Академия, 2007. – С: 66-67.

⁸⁹ Гальскова Н.Д. Современная цель обучения иностранным языкам: от комплексного подхода к интеграции. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: Просвещение, 2013. – С:27

⁹⁰ Биболетова М.З. Обучение иностранному языку в контексте языкового образования в современной российской школе. – М.: Просвещение, 2013. – 20 с.

Ҳар қандай таълимнинг сифати ва самарадорлиги мақсаднинг белгиланишидаги аниқлик даражасига боғлиқ. Чет тил ўқитишда амалий (устувор), умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар эътироф этилган. Мамлакатимизда таълимнинг барча босқич-ларида чет тил ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилда коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборат.

Ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибалар ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда чет тил коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўргатилади⁹¹. Яъни бошланғич синфларда чет тил ўқитиш:

- ўқувчиларга Биринчи президентимиз таъбири билан айтганда «чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тўлиқ очиб бериш» ва халқаро стандартлар даражасида таълим ва тарбия бериш;

- ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш, ўқувчининг нутқий ва тил малакаларини ҳамда диққат, идрок, хотира каби психологик жиҳатларини ривожлантириш;

- ўқувчиларда чет тилларни ўрганишга ижобий муносабатни шакллантириш, уларда ўзларига нисбатан ишонч, чет тил ўрганишдан завқланиш ва фахрланиш туйғуларини қарор топтириш⁹²;

- ўқувчиларга кичик ёшдан янги тил дунёсига коммуникатив-психологик мослашишлари учун шароит яратиш, чет тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга халақит берадиган психологик тўсиқларни бартараф этиш⁹³;

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Халқ таълими. – № 4. – 2013. – Б. 4-32.

⁹² Flanagan T. Final Report on the Modern Languages in Primary Schools Initiative. – Dublin. Consultative Management Committee, 2012. – P: 15.

⁹³ Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С: 82.

- ўқувчиларни чет тил ўрганиш фаолиятига қизиқтириш ва уларда инглиз тилидан коммуникатив компетенцияни эгаллаш майлларини шакллантириш;

- ўқувчиларда нутқий имкониятлари ва эҳтиёжлари доирасида чет тилда оғзаки (тинглаб тушуниш ва гапириш) ва ёзма (ўқиш ва ёзув) мулоқот қилишнинг дастлабки содда кўникмаларини шакллантириш⁹⁴;

- ўқувчиларни лингвомаданиятнинг рангдорлиги билан таништириш, уларда турли маданиятларга нисбатан самимий ва бағрикенг (толерант) муносабатда бўлиш хислатини шакллантириш;

- ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакат(лар)даги тенгдошларининг дунёси, фольклор ва адабиёт намуналари билан таништириш ҳамда умуминсоний қадриятларни болалиқдан англашга ва ҳурмат қилишга ўргатиш;

- ўқувчиларни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросдан баҳраманд этиш;

- ўқувчиларда тили ўрганилаётган мамлакат халқларининг феъл-атвор, характер, одоб-ахлоқ меъёрлари, таомил, расм-русум ва урф-одатлари ҳақидаги дастлабки тасаввурларни шакллантириш;

- тинглаб ва ўқиб тушуниш, фикрни оғзаки ва ёзма ифодалаш малака ва кўникмаларини эгаллаш жараёнида ўқувчининг аввал эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний ва эмоционал тажрибасини ошириш;

- ўқувчида акцентсиз талаффуз ва истиқболда ўз фикрини чет тилда табиий нутққа яқин ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун мустақкам замин яратиш⁹⁵ каби мақсадларга йўналтирилади.

Хорижий тил таълими ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан натижа сари интилувчи ҳамкорликдаги фаолиятдир. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишда қуйидаги натижаларга эришилади:

- ўқувчига икки турда билим, яъни нутқий жараёнда иштирок этиш учун керакли тил (фонетика, графика ва орфография, лексика, грамматика)га

⁹⁴ Пассов Е.И. Цели обучения иностранному языку: учебное пособие.– Воронеж: НОУ «Интерлингва», 2002. – №6. – С.3-6.

⁹⁵ Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – P: 68.

оид алгоритмик қоидалар ва ижтимоий аҳамият касб этадиган ўқувчи ҳаёти давомида фойдали бўладиган маълумотлар берилади;

- ўқувчи чет тил соҳибининг назари билан дунё манзарасига янгича қарашга ва оқибатда, умумбашарий ва миллий кадриятларни уйғун хис қилишга ўргатилади;

- ўқиш ва ёзиш, ўқиш ва тинглаш, ўқиш ва гапириш, тинглаш ва ўқиш, тинглаш ва ёзиш, тинглаш ва гапириш каби машқлар орқали нутқ фаолиятининг тўрт тури: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари ўзаро боғланган ҳолда ривожлантирилади.

2013-2014 ўқув йилида чет тилларни ўйин ва оғзаки нутқ тарзидаги дарсларда ўргана бошлаган 6-7 ёшли биринчи синф ўқувчилари, иккинчи синфдан алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришни босқичма-босқич бошлашган бўлса, 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистонда илк мартаба барча ўқувчилар янги ДТС асосида чет тилларни ўрганишга тўлиқ қамраб олинди.

Бугунги кунда Республикадаги 9700 га яқин умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия олаётган 2.5 миллинога яқин ўқувчиларга чет тиллар ўргатилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг мазкур босқичидаги ўқувчиларнинг чет тилларни ўрганишларини таъминлаш мақсадида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистонда бошланғич чет тил таълимида сифат ва самарадорликка эришилишида:

- аввало, жамиятда чет тилларни ўрганиш учун қулай муҳит яратилганлиги;

- узлуксиз таълим тизимининг чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи, халқаро андозаларга мос янги таълим стандартлари яратилиб, унга асосан етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда ўқув

режа, дастур, дарслик-мажмуалар ва қўлланмалар яратилганлиги ва ўқувчиларга бепул етказиб берилганлиги;

- бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун алоҳида чет тили хоналари тайёрланганлиги ва уларнинг барчаси махсус тўпلامдаги техник воситалар ва ўқув-кўргазмали қуроллар, луғат ва адабиётлар билан тўлиқ таъминланганлиги;

- ўқувчиларини икки гуруҳга ажратиб дарс ўтилаётганлиги;

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузурида ташкил этилган Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида махсус тайёргарликдан ўтган тренер-ўқитувчилар иштирокида амалдаги малака ошириш тизимида қўшимча равишда, барча туманлардаги таянч мактаблар базасида ҳафтада бир марталик узлуксиз малака ошириш курслари фаолиятини йўлга қўйиш орқали чет тил фани ўқитувчиларининг сифат таркиби яхшиланаётганлиги;

- Давлат тест маркази томонидан ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтган чет тил фани ўқитувчиларининг маошларига устамалар белгиланаётганлиги;

- чет тилни билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатида эга бўлган ўқувчи, талаба ва педагогларга етакчи хорижий таълим муассасаларида тил ўрганиш амалиётларининг ташкил этилаётганлиги;

- ҳар бир мактаб ва туманда инглиз тили ўқитувчилари орасида «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танлови ташкил этилиб, вилоят босқичи ғолиблари Европадаги тил ўргатиш марказларига тажриба алмашиш учун юборилаётганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда, деган хулосага келинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» инсон манфаатлари устуворлиги, унинг замон талабларига мос ҳолда ортиб бораётган эҳтиёж ва қизиқишлари, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ҳамда амалга ошириш учун барча

шарт-шароитларни яратиш, ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик (фуқаролик) позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш мақсадида қабул қилинган.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутди⁹⁶. Бугунга келиб 1-4 синфлар учун шу ёшдаги болаларнинг психологик-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олган ўқув дастурлари ва дарсликларни шахсга йўналтирилган таълим концепцияси ва компетенциявий ёндашувга асосан танқидий қайта кўриб чиқилмоқда⁹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124 сонли Қарори билан ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари тасдиқланди ва 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республикада чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан босқичма-босқич жорий этилди.

Бошланғич синфларда чет тилларнинг ДТСда белгиланган даражада эгалланишини таъминлаш мақсадида умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси қайта таҳрир этилди, инглиз, немис ва француз тилларидан ўқув дастурлари ва дарслик-мажмуалар яратилди.

ДТСда бошланғич синф (4-синф) битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар чет тилларни билишнинг умумевропа

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури. – Т.: Шарқ, 1997. – 42 б.

⁹⁷ Иноятова М., Носиров А., Диванова М., Боймуродова Г., Бахромов Г., Расулова М., Абдуқудусова Ф. Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш (инглиз тили, алифбе, она тили, ўқиш, математика ва табиатшунослик ўқув фанлари мисолида) / М.Иноятова таҳрири остида. – Т.: ЎзПФТИ, 2014. – Б. 7.

тизимига ўзаро боғлиқ ҳолда олинган бўлиб, улар содда ва тушунарли шаклда берилган. Чет тилларни билишнинг бошланғич A1 даражаси «Breakthrough», «Beginner» «Survival»⁹⁸, «Formulaic Proficiency», «Introductory», «Substitutional level of proficiency»⁹⁹ деб номланиб қуйидагича таърифланади:

«Аниқ эҳтиёжларни қондириш мақсадида таниш кундалик ифода бирликларини ва содда жумлаларни тушунаман ва улардан фойдалана оламан. Ўзимни ва бошқаларни таништира оламан, шахсий тафсилотлар, яъни яшаш манзилим, таниш инсонларим ва ўзимга тегишли бўлган буюмлар ҳақидаги саволларга жавоб бера оламан ва шундай саволлар билан мурожаат эта оламан. Сухбатдош шошмасдан, аниқ гаплашса ва ёрдам беришга хайрихоҳ бўлса, содда усулда ахборот алмаша оламан¹⁰⁰».

Ушбу ҳужжат умумэътироф этилган меъёр бўлиб, у Европада замонавий тилларни ўрганиш ва ўргатишда шаффофлик, узвийлик ва изчилликни таъминлаш мақсадида 1989-1996 йилларда амалга оширилган «Language Learning for European Citizenship» дастури доирасида ишлаб чиқилган ва Европа Кенгашининг 2001 йилдаги қарори билан Европа мамлакатлари чет тил таълим тизимига жорий этилиши тавсия этилган.

CEFR – Европа мамлакатларида ўқув режа, дустур ва имтиҳон саволларини ишлаб чиқиш ҳамда дарсликлар яратиш учун таянч йўриқнома бўлиб, унда тил ўрганувчилар тилдан фойдаланиш ва самарали фаолият олиб бориш учун нималарни ўрганишлари, қандай билим ва малакаларни қай даражада эгаллашлари лозимлиги баён қилинган. Ҳужжат чет тил ўрганиш ва ундан фойдаланишнинг фаолиятга йўналтирилган ёндашувига асосланади. Унда чет тилларни ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, унга

⁹⁸ European Community Council Resolution of 16 December 1997 on the early teaching of European Union Languages. Electron resource: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX:31998Y0103%2801%2>. Access date: 05.02.2020.

⁹⁹ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 21.

¹⁰⁰ Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment. Language Policy Unit, Strasbourg, 2010. – P. 24. Electron resource: http://www.coe.intA/dg4/Linguistics/Source/CEFR_EN.pdf. Access date: 6.06.2018.

танлаган соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўладиган компетенциялар ва фазилатларга эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида ўқитиш лозимлиги белгиланган¹⁰¹.

Мазкур стандарт асосида хорижий мамлакатларда, масалан Россияда бошланғич синфларда чет тил ўқитишда шахсга йўналтирилган (Г.В.Селевко, Н.К.Тихомиров, К.А.Абдульханова, М.Н.Берулава, Е.В.Бондаревская, И.С.Кон, А.В.Мудрик, А.Б.Орлов) ва фаолиятга йўналтирилган (И.А.Зимная, Н.А.Горлова, Н.Д.Галскова, З.Н.Никитенко) ёндашувлар асосида шахс фаолиятига йўналтирилган метод оммалашмоқда ва икки тилли шахсни камол топтириш чет тил таълимининг асосий мақсади сифатида белгиланган. АҚШда компетенциявий ёндашув, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, ва Таиландда коммуникатив ёндашув оммалашмоқда¹⁰². Ўзбекистонда чет тил ўқитишда ўқувчининг лингвистик билимлар тўплашига эмас, балки нутқий (коммуникатив) ва маданий (маданиятлараро) малакалар (компетенциялар)нинг эгалланишига эътибор кучайтирилади, чет тилни коммуникатив фаолият кўрсатиш, шахсга йўналтирилган, компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўргатиш ва коммуникатив-кумулятив методдан фойдаланиш тавсия этилади¹⁰³.

Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенцияси даражасига қўйиладиган дастурий талаблар

Коммуникатив компетенция атамасига ўрганилаётган чет тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти, деган мазмунда таъриф берилган. Ушбу атама таркибидаги асосий тушунчани ифодаловчи *компетенция* (competence) сўзи дастлаб

¹⁰¹ Parveva T., Motiejunaite A., Noorani S., Riihelainen J. Structural Indicators for Monitoring Education and Training Systems in Europe 2016. Eurydice Background Report to the Education and Training Monitor. Brussels. European Commission. Education, Audiovisual and Culture Executive Agency, 2016. – P. 18.

¹⁰² Garton S., Copland F., Burns A. Investigating Global Practices in Teaching English to Young Learners. – UK.: British Council, 2011. – P: 5.

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Халқ таълими. – № 4. – 2013. – Б. 4-32.

Н.Хомский томонидан «грамматик компетенция», яъни гапирувчи ва тингловчининг тил ҳақидаги билими, деган маънода қўлланилган¹⁰⁴.

Д.Хаймс бола тил ҳақидаги билимлар (грамматика)ни ўзлаштириш жараёнида ундан тўғри фойдаланишни ҳам, яъни қачон, қаерда, кимга, қай тарзда ва нима ҳақида гапириш мақбуллигини ўрганиш орқали коммуникатив компетентлигини такомиллаштириб боради, дея *коммуникатив компетенция* атамасининг муаллифига айланди¹⁰⁵.

Бугунга келиб компетенция инсоннинг турли соҳаларда фаолият олиб бориши учун зарур бўладиган билим, малака, кўникма ва шахсий фазилатлар йиғиндисини ифодалайди¹⁰⁶.

Лингвистик компетенция тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзув) бўйича кўникмалар эгаллашни назарда тутлади.

Социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутлади.


Социолингвистик компетенция – ахборот соҳиби (когнизант)ни шакллантиришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, у шахснинг ўрганилаётган тилдан коммуникатив фаолият меъёрлари, ўзга лингвоэтномаданий қадриятлар ва ўзга тил дунёсининг миллий манзарасига уйғун тарзда фойдалана олиш компетентлигини назарда тутлади.

¹⁰⁴ Bagarić V., Mihaljević D.J. Defining Communicative Competence. METODIKA:Vol. 8, br. 14 (1/2007), – P. 95.

¹⁰⁵ Убайдуллаев Ш.Н. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига маданиятлараро мулоқотни ўргатиш (немис тили материалида): Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008. – Б: 95.

¹⁰⁶ Биболетова М.З. Обучение иностранному языку в контексте языкового образования в современной российской школе. – М.: Просвещение, 2013. – 20 с.

ДТСда компетенциялар қуйидаги гуруҳларга ажратилган (1-расмга қаранг.):



1-расм. Коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмлари

Социолингвистик компетенцияни маданиятлараро компетенцияга фикран боғлаш мумкин. Чунки социолингвистик компетенция деганда, кўпроқ таълим шароитида ўқувчиларни маданиятлараро ҳамкорликка тайёрлаш тушунилмоқда. Ўқувчиларга маданиятлараро мулоқотни ўргатиш *биринчидан*, хорижий тилдаги кодларни ўзлаштира олиш учун нутқий фаолият юритишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш, *иккинчидан*, турли маданиятга мансуб коммуникантлар билан учрашганда, уларнинг маданиятини тушунишлари учун суҳбатдошининг маданияти билан яқиндан

таништириш орқали амалга оширилади¹⁰⁷. Хорижий тил ва бегона маданият билан танишиш ўқувчиларнинг дунёқарашини, тил бойлигининг кенгайишига хизмат қилади¹⁰⁸.

Чет тил таълими мақсади сифатида маданиятнинг маънавий қадриятлар тизими сифатида англаниши тушунилмоқда. Бу ўринда маданият – тили ўрганилаётган халқ ёки жамият томонидан турмушнинг маишийдан тортиб фалсафийгача бўлган барча жабҳаларида яратилган ва тўпланган, амалга ошган ёки олмаган маънавий қадриятлар мажмуини ифодалайди¹⁰⁹.

Ўқув дастурида таъкидланганидек, чет тил ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади. Маданият, бу ўринда, инсон фикри ва фаолияти ҳосиласи тушунчасини ифодалайди. Чет тил ўрганиш жараёнида ўрганилаётган тил соҳиблари яратган маданий мероснинг ўзлаштирилиши тарғиб этилади. Ўқувчини (learner) нафақат мулоқотдош, балки ахборот соҳиби (когнитант) мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланувчи сифатида шакллантиришга устувор аҳамият қаратилади.

Маданиятлараро компетенция муомала жараёнида маданиятларнинг яқинлашуви, бир маданият ракурсидан маданиятларни солиштириш, қиёслаш ракурсига ўтишдир. Чунки бу жараёнда нутқий мулоқот турли маданият ва тилга мансуб кишилар ўртасида содир бўлади. И.И.Халеева маданиятлараро компетенцияни «турли маданиятга ва тилга мансуб кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигининг хос йиғиндиси» - деб эътироф этади. Олиманинг ёзишича, шериклик, ҳамкорлик жараёнида турли маданиятга мансуб кишилар бир-бирларининг нафақат маданиятларидаги фарқни билиб, ҳис қилиб қолмай, балки, бир-бирларига «бегона», «ёт», «нотаниш» эканликларини ҳам ҳис қилиб турадилар¹¹⁰.

¹⁰⁷ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P: 12.

¹⁰⁸ Митрофанова О.Д. Лингводидактические уроки и прогнозы конца XX века // Материалы IX Конгресса МАПРЯЛ. Братислава. Доклады и сообщения российских ученых. М.:, 1999. С. 345-363.

¹⁰⁹ Пассов Е.И. Цели обучения иностранному языку: учебное пособие.– Воронеж: НОУ «Интерлингва», 2002. – №6. – С.3-6.

¹¹⁰ Халеева И.И. «Лингуана» - вклад в культуру мира // «Лингуана-98» Третья международная конференция ЮНЕСКО, Москва, 3-7 июня, 1998. М.: МГЛУ, 2000. – С.29-34.

Албатта, бошланғич синф ўқувчиси миллий кадриятларни хали чуқур англаб ета олмайди. Лекин ўзбек боласи учун кўз очиб кўрган бешиги, илк бора тинглаган алласи, кулча нони, дастлабки кўғирчоғи (Бичихон ва Качалполвон), Зумрад ва Қиммат, Алпомиш ва унинг учқур оти Бойчибор, сумалак тоши, буюк аждодлари (Амир Темур, Ал-Бухорий, Ал-Хоразмий), дунёга машхур обидалари (Регистон, Ичан қалъа, Оқ сарой), Гўр ўғли, Бир кўзли дев, ялмоғиз кампир, Ёртиқулоқ, Афандилар, маталлар, ҳикматли иборалар ва мақолларкадрият ҳисобланади. Инглиз боласига эса Синдрелла, Гоблинлар, Гамми айиқчалар, Гномлар, Эльфлар, Орглар, Троллар, Момиквой ва Пучуквой, Қирол Артур ва унинг Эксакалибур қиличи, айлана стол рицарларининг қахрамонликлари, сеҳргар Мерлин ва Аждархо, Лорд Нелсон, Эскотдаги Қироллик пойгалари, Биг Бен минораси, футбол мусобақалари кадрият саналади.

Америкалик учун эса Америка байроғи, Озодлик хайкали, «America the Beautiful» кўшиғи, Жорж Вашингтон, Абрам Линколн, Пол Банён, Пикос Билл, Каёт Кавбой, Гранд Канён, Микки Маус, Стюард Литл, Хенни Пенни, Пусси Кэт, Узунпайпоқ Пеппи ва бошқалар ўзига хос аҳамият касб этади.

Ушбу «маданият омиллари» ижтимоийлашув сарҳадларини кенгайтириб, турфа кадриятлар сифатида ўқувчининг тафаккури кенглиklarини янада теранлаштиради. Маданиятлараро компетенция ўзга маданиятга тааллуқли кадриятлардан хабардор бўлиш орқали ўқувчи шахсини янгидан шакллантиради, унинг дунёқарашини кенгайтиради, ўзга маданият ҳамда унинг таркиби бўлган кадриятларга нисбатан ҳурмат ва бағрикенглик руҳида тарбияланиб, комил инсон бўлиб вояга этади.

Шу сабабдан, чет тил таълимининг мақсади ўқувчининг ўзга лингво-маданият билан мулоқот қилишга индивидуал тажрибасини орттириш, мазмуни «ўзга дунё», воситаси эса ушбу дунёни тасвирловчи чет тил бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда¹¹¹.

¹¹¹ Tomalin B., Stempleski S. Cultural awareness. – L.: Oxford University Press, 2012. – P: 7.

Прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Прагматик компетенция деганда, гапирувчи ва гап орасидаги бўшлиқ устига қўйиладиган кўприк тушунилади. Яъни тингловчи гапни эмас, балки гапирувчининг фикр ифодалаш учун сўзлардан фойдаланишдаги кўзлаган мақсади, нияти ва хоҳиш-истагини тушуниши лозим¹¹². Шунингдек, чет тилда ифодаланадиган фикрни адекват талқин этилишини таъминлаш учун зарурий лексик бирликлардан оқилона фойдалана олиш прагматик компетенция дейилади.

Методист-олимлар чет тилда оғзаки ва ёзма шаклда фикр баён этиш ҳамда ўзгалар фикрини тушунишни амалий мақсад деб эътироф этишган¹¹³. Ушбу тушунчага тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўргатиш, деб қаровчилар ҳам мавжуд¹¹⁴. Умуман олганда, чет тил ўқитиш методикасида «амалий мақсад» юзасидан мавжуд талқинларда олимларнинг фикри бир хил эмас, яъни улар амалий мақсадни турли шароитда турлича талқин қиладилар.

Хорижий адабиётларда бошланғич чет тил таълими мақсадлари: а) прагматик ёки амалий мақсад коммуникатив (лингвистик, социолингвистик ва прагматик) компетенцияларни; б) умумтаълимий мақсад маданий компетенциялар (ўрганилаётган чет тил соҳибининг маданий мероси)ни эгалланишидан иборат бўлиши лозимлиги тавсия этилади¹¹⁵. Е.И.Пассовнинг фикрича, амалий мақсад компетенциялар (билим, малака ва кўникмалар)ни эгалланиши, таълимий мақсад маданиятнинг ўзлаштирилиши бўлиши лозим. Н.Д.Гальскова ва З.Н.Никитенко коммуникатив компетенцияни ахборотни тушуниш ва тақдим этиш мақсадида чет тилдан самарали ва уддабуронлик

¹¹² Handbook of communication competence // edited by Gert Rickheit, Hans Strohner. – Berlin. Hubert & Co., Guttingen, 2008. – 418 p.

¹¹³ Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2007. – Б: 40.

¹¹⁴ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С: 223.

¹¹⁵ Веако J.C., Вурам М., Савалли М, Косте Д., Куенат М.Е., Гуллиер Ф., Пантьер Ж. Guide for the development and implementation of curricula for plurilingual and intercultural education. – Geneva. Council of Europe, 2010. – P: 18.

билан фойдаланиш лаёқати, деб таърифлашади ва амалий мақсад деганда, прагматик компонентни назарда тутишади¹¹⁶.

Прагматик компетенция таркибидаги дискурс компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутати. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутати¹¹⁷.

Кейинги йилларда тил коммуникациясининг прагматик жиҳати тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ жалб этмоқда. Яъни сўзлар (Л.С.Бархударов таъбири билан айтганда, тил белгилари)дан амалий мақсадларда фойдаланишни ўргатиш масаласи кенг муҳокама этилмоқда. Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар ўртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи, уларнинг маънолари айна шахслар учун хушҳазм ва тушунарли бўлиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши лозим¹¹⁸.

ДТСда баён этилганидек, дискурс компетенция: а) оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни; б) оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутати. Дискурс адабиётларда турли маъноларни, яъни маълум контекст ёки суҳбат мавзусига тааллуқли тил воситалари ёки тилнинг, асосан, жонли мулоқот тилининг асосий бирлигини англатади¹¹⁹.

Умумий ўрта таълим мактаб курсида чет тил ўргатишнинг якуний амалий мақсади – тинглаб тушуниш ва ўқиш, яъни чет тилда тинглаб ва ўқиб ахборот олишдир. Ўқув дастурида оралиқ амалий мақсад I синфда тинглаб тушуниш ва гапириш, II-IV синфларда ҳам тинглаб тушуниш ва гапириш

¹¹⁶ Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – С. 86.

¹¹⁷ Widdowson H.G. Teaching Language as Communication. – L.: Oxford University Press, 2008. – P. 28-29.

¹¹⁸ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б. 60.

¹¹⁹ Edwards A., Knight P. Effective Early Years Education: Teaching Young Children. – London. Open University Press. 2001, – P. 55-56.

амалий мақсад, ўқиш ва ёзув эса оғзаки нутқда ўрганилган тил материаллини такрорлаш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида белгиланган¹²⁰.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартларида чет тили бўйича А1 даража учун таълим мазмуни, чет тили бўйича А1 даража битирувчилари тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар белгилаб берилган. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастурида А1 даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув бўйича А1/1 (I синф), А1/2 (II синф), А1/2 (III синф), А1/3 (IV синф) малакалари белгиланган. Бизнингча, малака даражаларини янада аниқроқ номлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни, I синф учун А1/1, II синф учун А1/2, III синф учун А1/3 ва IV синф учун А1/4 даражалари белгиланиши лозим. Чунки II синф учун белгиланган А1/2 даражани III синф учун белгиланган А1/2 даражадан фарқлашда мураккаб вазиятлар келиб чиқиши табиий.

Чет тиллардан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган фонетик ва грамматик минимум номма-ном келтирилган. Лексик бирликлар фақат миқдор жиҳатдан белгиланган. Фикримизча, ҳар бир синф охирида эгалланиши лозим бўлган лексик бирликлар рўйхати ва малакаларининг эгалланганлигини аниқловчи тестларнинг илова этилиши дастурнинг янада мукамал бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотимиз доирасида чет (инглиз) тилни А1 малака талаблари даражасида эгалланишини таъминловчи асосий таълим воситаси, яъни дарсликлар таҳлилига ўтамиз.

Биринчи Президентимиз дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намунаси акс этиши лозимлигини таъкидлаганлар. Ҳақиқатан ҳам дарслик ёшларга таълим-тарбия

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Халқ таълими. – № 4. – 2013. – Б. 4-32.

беришнинг ва жамиятда комил инсонни тарбиялашнинг стратегик воситасидир. Ушбу восита ёрдамида жамиятда келажак авлод шаклланади¹²¹.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун чет тил ўқитишнинг лингвистик, психологик ва методик асослари ҳамда замонавий талабларидан келиб чиқиб дарслик яратиш муаммолари Д.И.Трайтак (1990), Р.К.Миньяра-Белоручева (1990), Г.В.Рогова (1991), А.Р.Арутюнова (1991), Н.И.Гез (1996), И.Л.Бим (2000), Д.Д.Зуева (2004), А.А.Кузнецова (2005), М.Копровский (2005), А.М.Жарова (2013) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Масалан, Марк Копровский «New Headway», «Inside Out», «Innovations» дарсликларидан тақдим этилган лексик минимум таркиби сўз, қўшма сўз, жуфт сўз, сўз бирикма, турғун бирикма, фразеологик бирикма, типовой ва тайёр жумлалар ҳисобига қай даражада адекват методик тайёрланганлигини аниқлаш мақсадида илмий изланишлар олиб борган¹²². А.М.Жарова «Английский язык» для 2, 3, 4 классов (В.П.Кузовлевидр.), «Enjoy English» для 1, 2, 3, 4 классов (М.З. Биболетова и др.), «Английский язык» для 1, 2, 3, 4 классов (И.Н.Верещагина и др.) дарслик-мажмуаларнинг ўқувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш салоҳиятини белгилаш бўйича қиёсий тадқиқотлар олиб борган¹²³.

Кейинги йилларда «дарслик» термини ифодалайдиган маъно доираси бирмунча кенгайиб, *дарслик-мажмуа* деб номланмоқда ва у ўқувчи китоби (дарслик), ўқитувчи китоби, грамматик ва лексик материалларнинг ўзлаштирилишига мўлжалланган машқ дафтарлари, ўқиш китоби, мультимедия иловалари ва Интернет веб-сайтидан иборат бўлиши лозимлиги тавсия этилмоқда¹²⁴. Дарслик-мажмуанинг веб-саҳифасида ўқитувчилар

¹²¹ Пассов Е.И. Цели обучения иностранному языку: учебное пособие.– Воронеж: НОУ «Интерлингва», 2002. – №6. – С.40-44.

¹²² Koprowski M. Investigating the usefulness of lexical phrases in contemporary course books. ELT Journal Volume 59/4 October 2005. – P. 322-332.

¹²³ Жарова А.М. Потенциал современных УМК в области формирования учебно-познавательной компетенции младших школьников. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО И.Л. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 214-218.

¹²⁴ Дронов В.П., Копылова В.В. Учебно-методическое обеспечение сегодня – переход к новым формам. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 211-212.

мажмуа ҳақида фикр-мулоҳазалар қолдириш, муаллифлар билан бевосита мулоқотга кириш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, веб-саҳифаларда дарсликдан фойдаланиш бўйича муаллиф ва тажрибали ўқитувчиларнинг методик тавсиялари билан танишиш мумкин.

Электрон дарсликлар ахборотларга бойлиги ва қўшимча имкониятлари, яъни чет тилдан коммуникатив компетенцияни эгалланганлик даражаларини аниқловчи автоматик тизимнинг мавжудлиги, фонетика, орфография, лексика ва грамматикага оид анимацион ва график ўйин тарзидаги машқларнинг турли-туманлиги, ўқувчиларга аутентик нутқ вазиятларини виртуал тарзда намойиш эта олиши, видео ва аудио форматдаги қўшимча социолингвистик материалларга бойлиги билан бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дарслик-мажмуада нутқий фаолият кўникмаларини ривожлантирувчи лексик, грамматик ва талаффузга оид тил материални нутқ мавзулари доирасида мустаҳкамловчи машқларнинг миқдор жиҳатдан рационалиги ва уларнинг коммуникатив компетенциянинг эгалланишини таъминлаш учун фойдалилик даражаси муҳимдир¹²⁵.

Республикамизда бошланғич таълимида инглиз тилини ўқитишда С.Хан бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Kids` English» дарслик-мажмуаларидан фойдаланилмоқда. Мазкур дарслик-мажмуаларнинг юқори даражадаги эстетик жозибадорлиги ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга мотивация ва ўқув-билиш фаоллигини ошириши мумкинлиги, изчиллик тамойилига амал қилинганлиги каби қатор ютуқларини эътироф этиш мумкин.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари учун чет тил ўқув дастурларида лексика ва грамматика ҳар бир синфнинг материали сифатида санаб ўтилади. Грамматика номма-ном келтирилади. Лексика эса фақат

¹²⁵ Архипов В.И. Школьные учебники иностранного языка нового поколения: от теории к практике составления. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАОИ.Л. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 211-214.


миқдоран аниқланади. Қайси лексик бирликлар у ёки бу синфда ўрганилиши чет тил лексик минимумидан олиниб, дарсликларда тақдим этилади. Афсуски, Ўзбекистонда бошланғич синф ўқувчилари учун лексик минимумни методик тайёрлаш муаммоси ҳал этилмай турибди. Бу эса бошланғич синф ўқувчилари учун яратилган дарслик-мажмуаларда тақдим этилган лексик минимумнинг таркиб жиҳатдан рационлашмаганлигига сабаб бўлди. Масалан, «Kids' English Class One» мажмуасида 110 та от сўз туркумига, 29 та феъл сўз туркумига мансуб, 31 та тайёр ва 12 та ярим тайёр мулоқот моделлари тақдим этилган. Лекин жуфт сўз, қўшма сўз, сўз бирикма ва турғун бирикмалар тақдим этилмаган.

Мак Карти ва О Делл фикрича, ҳар қандай ёшдаги ёки даражадаги ўқувчилар билан ўтказиладиган бир соатлик машғулотда 10-12та лексик бирлик ўзлаштирилиши мумкин бўлиб, 60 соатлик машғулот учун 1000 та лексик бирлик минимум ҳисобланади¹²⁶. Лекин, таълим шароитини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда жами 270 соат (I синфда 66 соат II-IV синфларда 68 соат) машғулот учун (150+150+100+100) 500 та лексик бирлик минимум сифатида белгиланган ва улар қуйидаги таркибда тақдим этилган (2-расмга қаранг). «Kids' English» дарслик-мажмуасида лексик минимумнинг тақдим этилиши ҳолати иловада муфассал ёритилган (2-илова).

Маълумки, чет тил таълимида мулоқот моделлари ва сўз бирикмаларининг бой репертуари прагматик компетенциянинг эгалланишини таъминлаш, чет тилни табиий нутққа яқин даражада ўрганиш ва ўргатиш гарови ҳисобланади. Шу сабабдан лексикани методик тайёрлашда, яъни лексикани танлашда, методик ташкил (тақсим) қилишда, тасниф этишда ва дарсликда (статик ҳолда) тақдим этишда феъл, от, сифат сўз туркумига оид жуфт сўзлар (binominals – black and white, fish and chips, salt and pepper, sick and tired), қўшма сўзлар (compounds - keep, keeper,

¹²⁶ Mc Carthy M., Keeffe O., Walsh S. Vocabulary Matrix: Understanding, Learning, Teaching. – UK.: Heinle, Cengage Learning EMEA, 2010. – P. 12.

bookkeeper, goalkeeper, housekeeper) сўз бирикмалар (collocations – ride a bicycle, drive a car) ва мулоқот моделларига ҳам аҳамият қаратиш тавсия этилади¹²⁷.




2-расм. Лексик минимумнинг тақдим этилиши ҳолати

Ақсарият дарсликларда «Бу бизнинг синфхона. У катта ва ёруғ. Хонада битта эшик ва иккита дераза бор. Хонанинг деворлари оқ, пол жигарранг» мазмунидаги матнлар ва нутқ ҳаракатни ўргатувчи машқлар ўрин олган ва улар мотивацияга эга эмас¹²⁸. Афсуски, бундай эски *трафарет*дан фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Тадқиқотга тортилган дарслик-мажмуаларда ҳам *Look and say (colour, tick); Look, listen and repeat (do); Listen and guess (tick); Look at the pictures and match; Point and say; Ask and answer* каби лингвистик компетенция эгалланишига мўлжалланган машқлар миқдори сезиларли даражада кўп, дейиш мумкин. Масалан, Kids' English 1,2,3,4 дарслик-мажмуаларида нутқий компетенцияни ривожлантиришга мўлжалланган 1286 та, тилга оид компетенцияларни

¹²⁷ Wray A. Formulaic Language and Lexicon. – U.K.: Cambridge University Press, 2002. – P. 15-16.

¹²⁸ Hedge T. Teaching and Learning in the Language Classroom. – L: Oxford University Press, 2014. – P. 55-56.


ривож-лантиришга мўлжалланган 673 та машқлар киритилган бўлса, социолингвистик компетенциянинг эгалланишига хизмат қилувчи машқлар 107 тани, прагматик компетенциянинг эгалланишига хизмат қилувчи машқлар эса 46 тани ташкил этади (3-расмга қаранг).



3-расм. Дарслик-мажмуаларда тақдим этилган машқлар

Бошланғич синфлар учун яратилган дарслик-мажмуаларда тақдим этилган машқлар миқдори ҳақида иловада тўлиқ маълумот берилган (2-иловага қаранг).

Санаб ўтилган машқларнинг муваффақиятли бажарилишида бошланғич синф ўқувчиларининг қийинчиликларга дуч келаётганликлари кузатилди. Масалан, «Kids' English 3» дарслик-мажмуасидаги ушбу машқдан намуна тақдим этилган (4-расмга қаранг).



Ушбу намуна алмаштириладиган жадвал кўринишида тақдим этилганида, унинг муваффақиятли бажарилиши таъминланган бўлар эди.

I	can	see	blue	crocodile
			green	elephant
			pink	lion
			red	rabbit

Мазкур мажмуадан олинган яна бир машққа эътибор қаратамиз (5-расмга қаранг). Бунда ўқувчилар расмга қараб қайси нутқ намунасини машқ қилишни тушунмасликлари табиий.

2 Look and say.



						
	✓				✓	✓
		✓	✓	✓		

5-расм.

Ушбу машқ сўровнома жадвали тарзида тақдим этилиб, унинг тўлдрилиши учун «*What is your favorite farm (wild) animal (bird)?*» намунасидан фойдаланиб энг сеvimли ҳайвон (парранда)ни аниқлаш топшириғи берилса, машғулотда коммуникация ва интеракция содир бўлиши таъминланади.

Шунингдек дарслик мажмуаларда айрим техник хусусиятга эга орфографик хатоларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан: «Kids` English 1» дарслигининг 45 саҳифасида *match* сўзи *natch* (6-расмга қаранг), «Kids` English 3» дарслигининг 18 саҳифасида *play* сўзи *lay* тарзида ёзилган (7-расмга қаранг).

Unit 5 Toys and colours

6-расм.

Lesson 4 Let's play!

Look and match.



7-расм.

3



lay "Mr Crocodile, can I cross the river?".

Мазкур параграфда мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш ва ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар ва эришилаётган натижалар таҳлил этилди. Мақсаддан натижага эришилишини таъминлаш учун амалга оширилаётган вазифалар таҳлил асосида:

олий таълим муассасаларида мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган кeфeдралар ташкил этиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтларида (бошланғич таълим, хорижий тил ва адабиёт ёки филология ва тилларни ўқитиш ихтисослигига эга бўлган педагоглар учун) қайта тайёрлов курслари ташкил этиш;

худудларда ташкил этилган чет тилларга ихтисослаштирилган давлат махсус мактаблари ҳузурида ўқувчиларнинг чет тиллар бўйича ва чет тил ўрганиш бўйича зарурий билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириб бораётганликларини доимий мониторинг қилиб боровчи ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш;

расм, атрофимиздаги олам, меҳнат ва жисмоний тарбия дарсларини инглиз тили билан интеграциялаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Таълим мазмуни, яъни ДТС, ўқув режа ва дарслик-мажмуалар таҳлили бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастурида (A1) даражанинг ҳар бир синфи охирида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув бўйича A1/1 (I синф), A1/2 (II

синф), A1/2 (III синф), A1/3 (IV синф) малакаларини аниқроқ яъни, I синф учун A1/1, II синф учун A1/2, III синф учун A1/3 ва IV синф учун A1/4 даража номларини қўллаш зарур;

ўқув дастурига A1/1 (I синф), A1/2 (II синф), A1/2 (III синф), A1/3 (IV синф) нутқий (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) ва тил (лексика, грамматика) малакаларининг эгалланганлигини аниқловчи тестлар ҳамда ҳар бир синф охирида эгалланиши лозим бўлган лексик birlikлар рўйхати илова этилиши мақсадга мувофиқ;

қўлланма ва дарсликлар яратишда машқларнинг изчиллигига, яъни оғзаки ва ёзма, бир тилли ва икки тилли машқларнинг жойлашуви тартибига (изчиллиги) қатъий риоя қилиниши лозим;

фонетика, лексика ва грамматикага оид билимларни ўзлаштириш, кўникмаларни эгаллаш ва малакаларни ўстиришга мўлжалланган такрорлаш, назоратдаги ва эркин коммуникатив машқларни барча нутқ фаолият турларида бажарилишини таъминлаш керак;

формати, яъни иллюстратив жозибадорлиги, мустаҳкам, ихчам ва қулай муқоваланганлиги, ўлчамини тўғри танланганлиги, фонетик ва график рамзий белгиларнинг тушунарли ва аниқлиги, сифатли таҳрир этилганлиги, мундарижа, иловалар ва жадвалларни адекват жойлаштиришга, таркибий жиҳатдан тўлиқ бўлишини таъминлашга (орфография, лексика ва грамматикага оид тил материални пухта ўзлаштирилишини таъминловчи қўшимча машқ дафтарлари, ўқиш китоби) эътибор қаратиш лозим;

коммуникатив (прагматик) ва тил (фонетика, орфография, лексика, грамматика) компетенцияларни ривожлантирувчи машқлар миқдор жиҳатдан тенг бўлиши талаб этилади;

ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакатдаги тенгдошларининг маданияти билан таништириш мақсадида тез айтиш, саноқ шеър, топишмоқ ва мақоллардан намуналар тақдим этиш тавсия этилади.

2.2. Бошланғич таълимда инглиз тили ўқитишга коммуникатив ёндашув

Монографиянинг ушбу қисмида ёндашув атамасига таъриф берилади ва чет тил ўқитиш ёндашувлари таҳлил этилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашувнинг умумий тавсифи, коммуникатив компетенция назариясининг лингвистик ва психологик асослари ва тамойиллари ёритилади. Бошланғич чет тил таълимида коммуникатив ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти аниқланади. Ушбу параграфда КЁ (коммуникатив ёндашув), КК (коммуникатив компетенция) қисқартмаларидан фойдаландик.

Ёндашув атамасига луғатларда бирор масалани ҳал этиш ёки муаммонинг ечимини топиш учун маълум назарияга асосланиш, деган мазмунда таъриф берилади. Чет тил ўқитиш методикасида мазкур атама дастлаб АҚШнинг Мичиган университети профессори Эдвард Мейсон Энтоний томонидан тил хусусияти ва уни ўрганиш/ўргатиш усулларига тааллуқли қонуниятларни ифодалаш мақсадида қўлланилган бўлиб, унга қуйидагича таърифлар берилган:

An approach is a set of correlative assumptions dealing with the nature of language teaching and learning. An approach is axiomatic. It describes the nature of the subject matter to be taught¹²⁹.

Ёндашув тил ўргатиш ва ўрганиш хусусиятларига тааллуқли тушунчалар йиғиндисидир. Ёндашув аксиомавийдир. У ўқитиладиган предмет мазмунини ифодалайди.

Approach: Theoretically well-informed positions and beliefs about the nature of language, the nature of language learning, and the applicability of both to pedagogical settings¹³⁰.

¹²⁹ Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – P. 19.

¹³⁰ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P.

Ёндашув тил ўқитиш мазмуни ва тил ўрганиш хусусияти ҳамда уларни педагогик жараёнга жорий этиш имкониятлари ҳақидаги назарий жиҳатдан яхши ёритилган позиция ва нуқтаи назар.

Энтонийнинг фикрича, ёндашув тил ҳақидаги, уни ўрганиш ва ўргатиш хусусиятларини инобатга олиб такомиллаштирилган принцип ёки тушунчалар йиғиндиси бўлиб, у методга мослаштирилади ёки назарий жиҳатдан унга асосланади. Яъни *ёндашув* атамаси орқали чет тил ўқитиш амалиёти ва принципларининг манбааси бўлиб хизмат қиладиган тил ва тил ўрганиш ҳақидаги назария ифодаланади¹³¹.

Ёндашув тил ўқитиш системаси замиридаги фундаментал компонент бўлиб, ўқитишнинг умумий методологик асоси сифатида гавдаланади ва (тил) ўқув фанининг мақсади, вазифалари ҳамда таълим жараёнида уларни амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган таълим мазмуни ҳақидаги мавжуд нуқтаи назарлар билан характерланади.

Методистларнинг фикрича, ёндашув ўқув фанининг мазмуни ҳақидаги қарашларни умумийлаштиради (Вятюнцев, 1984), конкрет билим соҳасидаги тадқиқотнинг умумий методологик асоси сифатида фойдаланилинади (Бим, 1984), тадқиқотчи фаолиятининг у ёки бу ҳодисаларни ўрганиш бўйича йўналишини аниқлайди (Скалкин, 1981).

Чет тил ўқитиш методикасида ёндашувнинг ягона классификацияси мавжуд эмас. Масалан, М.В.Ляховицкий (1981) ёндашувларни психолингвистик нуқтаи назаридан қуйидагича классификациялайди:

Бихевиористик – тил ташқи кўзғатувчи стимулларга жавобан нутқий автоматизмларни шакллантириш усули орқали ўрганилади;

Индуктив-онгли – тил нутқ намуналарини таҳлилий кузатиш натижасида тил қонуниятлари ва уларни нутқда қўллаш усулларини эгаллаш орқали ўрганилади;

¹³¹ Sternberg R.J., Grigorenko E.L. Dynamic testing: The nature and measurement of learning potential. Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – P. 37–38.

Онгли (когнитив) – тил эгалланган билимлар асосида нутқий малака ва кўникмаларини шакллантириш изчиллигида ўрганилади;

Интегратив – тил ўқитиш жараёнида онгли ва ғайришуурий компонентларни ташкилий мувофиқлаштиради, яъни чет тил билим, малака ва кўникмаларни параллел эгаллаш орқали ўрганилади.

М.Н.Вятютнев эса тил ўрганишнинг лингвистик омилларини инобатга олган ҳолда замонавий методларни таснифлаш учун ёндашувларни 6 та турга: грамматик, тўғри, бихевиористик, ўқув, коллектив, коммуникатив, индивидуаллашган турларга ажратади. Ж.С.Ричардс, Т.С.Роджердс, Д.Браун, Д.Л.Фримэнлар методларни тадқиқ этишда тил ҳақидаги (структурал, функционал ва интерактив) ва тил ўрганиш ҳақидаги назарияларга, яъни: а) тил ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган психологик ва когнитив жараёнлар; б) тил ўрганиш жараёнини фаоллаштирадиган вазиятларга ва оптималлаштирадиган омилларга мурожаат этишади.

А.Н.Щукин ёндашувларни тилга нисбатан ўқитиш объекти ва ўқитиш воситаси сифатида қарайдиган гуруҳларга ажратади¹³². Тилга ўрганиш объекти нуқтаи назаридан қарайдиган: а) тилни ўрганишга; б) нутқни ўрганишга; в) нутқ фаолияти турларидан билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган ёндашувлар фарқланади. Тилга ўрганиш воситаси нуқтаи назаридан қарайдиган: а) тўғри (intuitive); б) онгли (cognitive); в) шахсга йўналтирилган ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувларни фарқлаш мумкин.


Адабиётларда аудилингвал метод ва аудилингвал ёндашув ёки коммуникатив метод ва коммуникатив ёндашув атамалари кўп учрайди. Методлар маълум тамойилларга асосланади. Тамойиллар чет тил ўргатиш ва ўрганиш ҳақидаги маълум назарияга асосланади. К.Ричардс ва

¹³² Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С. 96.

С.Роджердслар метод атамасини таърифлаш мақсадида қуйидаги жадвални шакллантиришган¹³³(8-жадвалга қаранг):

8-жадвал.

«Метод» атамасининг таърифланиши



Коммуникатив ёндашув (КЁ)нинг умумий таснифи

Чет тил ўқитишга КЁ 1960 йилдан буён ривожланиб келаётган коммуникатив метод асосида шакллантирилган. Америкалик ва британиялик мутахассислар чет тилни коммуникатив ўқитиш метод эмас, балки ёндашув сифатида эътироф этган ҳолда коммуникатив компетенция тил ўқитиш мақсади бўлиши лозимлигини, тил ва коммуникация ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун барча нутқ фаолият турларидан билим, малака ва кўникмаларни интегратив ривожлантириш зарурлигини тарғиб эта бошладилар.

1960 йилларга келиб чет тил ўқитишга аудиолингвал ва ситуатив ёндашувларнинг ўз даврини ўтаб бўлганлиги, улар асосида ишлаб чиқилган лингвистик назариялар давр талабига жавоб бермаслиги, структурани тарғиб

¹³³ Celce-Murcia M., Brinton D.M., Snow A.M. Teaching English as a Second or Foreign Language. – USA. Boston. National Geographic Learning. 2014. – P.18-19.

этувчи ушбу назарияларда индивидуал гапларнинг коммуникатив ва функционал хусусиятлари ноадекват талқин этилганлиги, структура (нутқ намуналари)ни ёд олинишидан кўра чет тил ўқитишда коммуникатив малакаларни ривожлантирилишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида Н.Хомский, К.Кендлин, Х.Виндовсон, Т.Пика, Р.Оксфорд каби муаллифларнинг мақолалар ва тезислари чоп этилди. Шу аснода «*Learning to use English and using English to learn it*», яъни инглиз тилидан фойдаланишни ўрганиш ва ўрганиш учун ундан фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Ушбу концепция, биринчидан, машғулотларда намунавий, стандарт фразалар, асосий лексик бирликлар ва лингвистик функциялардан кенг фойдаланишни талаб этади. Шунингдек, дарсни ташкил этиш, давоматни журналга қайд этиш, ўқувчиларни баҳолаш, рағбатлантириш, топшириқни тўғри бажариш борасида йўл-йўриқ, кўрсатма ва тавсиялар бериш ва ўзаро суҳбатлашишда ўрганилаётган чет тилдан фойдаланиш талаб этилади. Бундай интеграция ёд олинган тайёр ва ярим тайёр стандарт қолип жумлалардан турли нутқ вазиятларида фойдаланиш ҳисобига содир бўлади¹³⁴.

Ушбу концепция ишлаб чиқилмасидан аввал ўқув жараёнида нимани ўргатиш масаласининг моҳиятига оид мутахассисларнинг турли, кўпинча бир-бирига қарама-қарши фикрлари изоҳланиб келинаётган эди. Бу борада икки муаммо мавжуд бўлиб: биринчиси – нима ўргатилади, саволига жавоб беришда аксарият олимлар таълим мазмуни ўргатилади, деб аслида тўғри, лекин умумий жавобни қайтарадилар¹³⁵.

1971-1972 йилларда чет тил ўрганиш бўйича ўқув курсларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Д.А.Вилкинс бошчилигидаги гуруҳ аъзолари европаликларнинг чет тил ўрганишга эҳтиёжларини таҳлил этишиб, коммуникатив ўқув режасини ишлаб чиқишди. Кейинчалик Вилкинс олиб борилган тадқиқот материалларини умумлаштириб, махсус тўплам нашр эттирди ва ушбу китоб чет тил

¹³⁴ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 18.

¹³⁵ Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С.124-125.

ўқитишга коммуникатив ёндашувни жорий этиш орқали ўрганувчиларнинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларини ривожлантириш назариясининг оммалашувига сезиларли таъсир кўрсатди¹³⁶.

В.А.Сухомлинский таъбири билан айтганда, ўзининг ўқитувчи эканлигини унута олган ўқитувчи энг яхши ўқитувчидир¹³⁷. Ушбу сўзлар замирида яширинган маъно чет тил дарсларида ўз ифодасини топади. Бунинг учун шунчаки насиҳатомуз оҳангдан воз кечиш, ўқувчилар ва уларнинг сўзларига чинакамига қизиқиш билдириш, ўзини бир поғона тепада эканлигини ёддан чиқариш, ўқувчи билан ёнма-ён туриш керак бўлади. Шундагина ўқувчининг қизиқиши ортади, унда суҳбатлашиш истаги пайдо бўлади, натижада, машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлади.

КЁда ўрганиш объекти ҳам ўрганиш воситаси ҳам коммуникациядир, яъни коммуникация орқали коммуникатив компетенция эгалланади¹³⁸. КЁга мувофиқ тил ундан фойдаланиш жараёнида ўзлаштирилади¹³⁹. Чет тил ўқитишда КЁга асосан ўқув фанининг мақсади ва вазифаси ўрганувчиларнинг кўпмаданийтли ва кўптилли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда чет тиллардан ККни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

Адабиётларда КЁни катта ёшли тил ўрганувчиларга ва ўрганилаётган чет тилнинг табиий муҳити мавжуд бўлган шароитда қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар учрайди¹⁴⁰. Бизнингча, КЁни таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфлар шароитига мослаштириш мумкин. Чунки бошланғич синф ўқувчилари ёш даврларининг яққол операциялар босқичида, яъни коммуникация ва интеракция жараёнида кашф қилиб ўрганиш

¹³⁶ Pütz M., Sicola L. Cognitive Processing in Second Language Acquisition. – Amsterdam.: John Benjamins Publishing Co., 2010. – P. 154.

¹³⁷ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С. 32.

¹³⁸ Parveva T., MotiejunaiteA., NooraniS., RiihelainenJ. Structural Indicators for Monitoring Education and Training Systems in Europe 2016. Eurydice Background Report to the Education and Training Monitor. Brussels. European Commission. Education, Audiovisual and Culture Executive Agency, 2016. – P. 21-22.

¹³⁹ Заседателева М.Г. Терминологическое поле компетенция: организация терминологии системно-деятельностного подхода. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 11-12.

¹⁴⁰ Celce-Murcia M., Brinton D.M., Snow A.M. Teaching English as a Second or Foreign Language. – USA. Boston. National Geographic Learning. 2014. – P. 18-19.

босқичида бўлишади. Ёш даврларининг яққол операциялар босқичидаги ўқувчиларга хос бўлган мулоқотчанлик ва билганларини намоёйиш қилишга интилувчанлик хусусияти инобатга олинса, КЁни бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш жараёнига татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизни исботлаш учун КЁнинг лингвистик асосларини кўриб чиқамиз.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишга коммуникатив ёндашувнинг лингвистик асослари:

КЁнинг лингвистик асослари: чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув А.Н.Хомский ва Д.Хаймслар томонидан лингвистик дискурсга киритилган *коммуникатив компетенция* атамаси ва унинг замирида ривожлантирилган тил коммуникация воситасидир, деган мазмундаги назария асосида ривожлантирилган¹⁴¹. КК атамаси икки сўздан иборат бўлиб, *коммуникация* – фикр ёки ахборот алмашиш; *компетенция* – бирор соҳа ёки масаладан яхши хабардорлик ва ушбу соҳада муваффақиятли фаолият юритилишини таъминлайдиган зарурий билим, малака ва кўникмалар мажмуини англатади. *Компетенция* атамаси шахсни маълум соҳада фаолият юрита олишга қодир этувчи хос хусусиятни англатади.

Гапирувчи (тингловчи)нинг компетенцияси уни моделлар асосида чегераланмаган миқдордаги гапларни туза (тушуна) олишга, шунингдек тиллардаги ўхшашлик ва фарқларни ҳисобга олиб, мулоҳазали ҳукм чиқара олишга қодир қилиши керак. Шунингдек, *competence* сўзининг беллашмоқ, рақобатлашмоқ, мусобақалашмоқ каби маъноларни ифодалайдиган *compete* ўзагига эътибор қаратдик.

Ушбу ўзак тушунча инобага олинадиган бўлса, *competence* сўзининг маъноси янада теранлашади ва у маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун мутахассиснинг рақобатбардошлигини таъминловчи зарурий билим, малака ва кўникмаларни ифодалайди.

¹⁴¹ Canale S., Swain M. Theoretical base of communicative approaches to second language teaching and testing. – UK.: Oxford University Press, 2002. – P. 7.

Юқоридагиларга ва мутахассислар томонидан берилган турли таърифларга асосланиб, КК – маълум мақсадга эришиш учун самарали мулоқот қилиш, ахборот, фикр, нуқтаи назар, ўй, хаёл ва ички кечинмаларни ўзаро баҳам кўриш учун тилдан адекват фойдалана олишда суҳбатдош билан муваффақиятли рақобатлаша олишни таъминловчи зарурий билим, малака ва кўникмалар мажмуидир, деган таърифни шакллантириш мумкин.

ККнинг таърифи Европа Иттифоқининг «Language Learning for European Citizenship» дастури доирасида олиб борилган тадқиқотлар (Страсбург, 1996) ва CEFR - «Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш» тўғрисидаги халқаро меъёрлардан бири бўлган хужжатни тайёрлаш асносида батафсил ишлаб чиқилди. CEFRда компетенция ва коммуникатив тил компетенцияси қуйидагича таърифланган:

Competences are the sum of knowledge, skills and characteristics that allow a person to perform actions.

Communicative language competences are those which empower a person to act using specifically linguistic means.

КК – ўрганилаётган чет тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш лаёқатидир. КК лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар мажмуидан иборат бўлиб, мазкур компетенциялар таркибига яна бир қанча компетенциялар киритилган¹⁴². ККни эгалланиши чет тил ўқитишнинг асосий мақсади сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда коммуникацияни асосий ўқитиш воситаси, компетенцияни таълим мақсади сифатида тан олинишига сабаб бўлди¹⁴³.

Коммуникатив компетенция лингвистик назариясининг ўзига хослиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. Тил маъно ифодалаш тизимидир.

¹⁴² Шукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц. – М.: Академия, 2007. - С. 139-140.

¹⁴³ Hunt M., Barnes A., Powell. B., Lindsay. G., Muijs. D. Primary Modern Foreign Languages: An overview of recent research, key issues and challenges for educational policy and practice. – London: The University of Warwick, 2005.– P. 3-4.

2. Тилнинг бош функцияси интеракция ва коммуникацияни вужудга келтиришдир.
3. Тил структураси унинг функционал ва коммуникатив фойдаланилишини акс эттиради.
4. Асосий тил бирликлари унинг грамматик ва структурал функцияси эмас, балки дискурда аниқланадиган функционал ҳамда коммуникатив маъно категориясидир.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишга коммуникатив ёндашувнинг психологик асослари

Коммуникатив ёндашувнинг психологик асослари Л.С.Виготскийнинг «ижтимоий конструктивизм», Ж.Пиаженинг «когнитив конструктивизм», А.Н.Хомскийнинг «Критик давр гипотезаси», «Универсал грамматика» ва «Синтаксис аспектлари» назариялари ҳамда Ж.Брунернинг «Scaffolding» (Хавоза), К.Жонсон ва В.Литлвудларнинг «Малакаларни ўрганиш моделлари» билан чамбарчас боғлиқ.

Пиаже ҳам Виготский ҳам чет тил ўқитиш соҳасида эмас, балки болаларда нутқ ва тафаккур ривожланиш жараёнлари устида изланишлар олиб борган. Лекин Пиаженинг «генетик эпистимология», яъни когнитив ривожланиш ва эпистимологик қарашлари ва Виготскийнинг «ижтимоий конструктивизм» назариялари бошланғич синфларда чет тил ўқитиш жараёнига КЁни татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу назариялар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

А.Н.Хомскийнинг Критик (сензитив) давр гипотезасига асосан болаларнинг мияси тил ўрганиш учун мақбул ҳолатда, яъни эластик ҳолатда, оддийроқ тушунтириладиган бўлса, она тили системасига тўлиқ мослашмаган ва қотмаган бўлганлиги сабабли уларни катталарга нисбатан яхшироқ чет тил ўрганувчи эканлигига ишониш мумкин. Катталарда эса бундай бўлмайди. Критик давр гипотезаси шундай тушунилади¹⁴⁴.

¹⁴⁴ Birdsong D., Bialystok E., Hakuta K. Second Language Acquisition and the Critical Period Hypothesis. – L.: Lawrence Erlbaum associates publishers, 1999. – P. 161.

Хомскийнинг «Критик Давр» гипотезаси қизғин муҳокама этилаётган бир пайтда унинг «Универсал Грамматика» сарлавҳаси остидаги иннатист (innate - туғма) назарияни тарғиб этувчи илмий мақолалари тадқиқотчилар томонидан энг кўп иқтибос келтириладиган асар бўлиб қолди. Хомский зарурий миқдорда ва таркибда озиқлантирилган барча болалар бир ёшдан юришни ўрганганлари каби тилни ҳам айна ёшда ва айна усулда ўрганишади, деган мазмундаги иннатист назарияни янада ривожлантирди. У тил ўзлаштириш жараёнлари ҳақидаги турли маълумотларни тадқиқ этиб, грамматикани болалар катталарга нисбатан осон ўзлаштираётганликларига гувоҳ бўлади.

Болаларнинг тил элементларидан креатив фойдаланиб, грамматик тартибли гаплар тузаётганликларини кузатиш натижасида Хомский дунёдаги барча тиллар умумий грамматикага эга, яъни ҳар қандай тилда гап от бўлаклари ва феъл бўлақларидан ташкил топади¹⁴⁵, деган хулосага келади.

Хомскийнинг ушбу хулосаси кейинчалик оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш эҳтимоллиги юқори бўлган сўз бирикмалар (collocations: key hole, air bag, coffee shop) ёки оғзаки ва ёзма нутқда яхлит қўлланилинадиган мулоқот моделлари (formulaic chunks, prefabricated (ready to use) sentences, fixed (semifixed) expressions)нинг бой репертуарини ҳосил қилиш орқали бошланғич синф ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг прагматик тамойили (нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш) ривожлантирилди.

Ж.Пиаженинг когнитив конструктивизим назарияси бошланғич синфларда чет тил ўқитиш соҳасида турлича талқин этилади. Масалан, Л.Камероннинг талқинича, болаларнинг ўз муҳитидаги буюмлар билан мулоқотда бўлиш натижасида эгаллаган тажрибаларини мувофиқлаштириб боришлари эътиборга олиннадиган бўлса, муҳит болага ҳаракатланиш имкониятини яратиш ривожланиш учун шароит яратади¹⁴⁶.

¹⁴⁵ Gordon T. Teaching young children a second language. – Greenwood Publishing Group, 2007. – P. 48-49.

¹⁴⁶ Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P. 4-5.

Н.Спада ва П.Лайтбоунлар эса тил болаликда шакллантириладиган бир неча рамзлар тизилмасидир, деб таъкидлайдилар. Тилдан болалар атрофдаги буюмлар билан мулоқот натижасида ўзлаштирган билимларини намоиш этиш учун фойдаланишлари мумкин¹⁴⁷, дея талқин этишади. М.Виллиамс ва Р.Л.Бэднларнинг фикрича, индивидлар туғилганларидан бошлаб хусусий маъноларни, яъни эгаллаган тажрибаларига таяниб ўз тушунчаларини шакллантиришга фаол жалб этиладилар¹⁴⁸.

Ж.Пиаже бола атрофдаги буюмлар билан мулоқот натижасида ўз нутқи ва тафаккурини ривожлантиради, деган фикрни илгари суради¹⁴⁹. Пиаже назариясидан маълумки, бола тилни атрофидаги буюмлар билан жисмоний ҳаракатлар уйғунлигида, яъни бош мия ўнг ярим шарининг фаоллигида ўзлаштиради. Пиаже психологиясида жисмоний ҳаракатлар натижасидаги ривожланишнинг икки йўналиши аниқланади: ассимиляция (ўзлашиш) ва аккомодация (мослашиш).

Ассимиляция ҳеч қандай ўзгаришсиз содир этиладиган ҳаракатларни, аккомодация эса ташқи муҳитда содир бўлган айрим ўзгаришларга мослашишни назарда тутди¹⁵⁰. Аккомодация асосида чет тил грамматикасини ўргатишнинг «қайта структуралаш» ғояси ва ушбу ғоя негизида чет тил ўқитишнинг «Information-processing approach» ёндашуви шакллантирилди¹⁵¹.

Ж.Ашернинг «Total Physical Responce» методи айнан Пиаже назариясига асосланиб яратилган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки Ашернинг фикрича, миянинг ўнг ярим шари зарурий даражада фаоллашганидан сўнг чап ярим шарда нутқ ҳосил қилиш операциялари

¹⁴⁷ Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – 234 p.

¹⁴⁸ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 21.

¹⁴⁹ Pinter A. Children learning second languages. Research and practice in Applied Linguistics. – UK.: Palgrave & Macmillan, 2011. – P. 9.

¹⁵⁰ Edwards A., Knight P. Effective Early Years Education: Teaching Young Children. – London. Open University Press. 2001, – P. 25-26.

¹⁵¹ Lyster R. Learning and Teaching Languages Through Content: A counterbalanced approach. – Amsterdam. John Benjamins Publishing Company, 2007. – P. 63.

жорий бўлади¹⁵². Ўнг ярим шар биринчи сигнал системаси эшитув, кўрув, хид, таъм ва бошқа сезгилар ёрдамида ташқи дунёни ҳис этиб билишга имкон беради.

Механик ҳаракатлар ўнг ярим шарни фаоллаштирган тақдирда чап ярим шар кўрув ва эшитув нутқ анализаторларини фаоллаштиради ва тил белгилари орқали воқеликни умумлаштириш бошланади. Ўнг ярим шар фаоллигида ташқи дунё ҳис этиб ўрганилса, чап ярим шар тил мавҳумотлари сирини кашф қилишга киришади¹⁵³. Ўқувчининг предметлар билан ҳар хил ҳаракатларни бажаришдаги эпчиллиги, ориентрлаш фаолиятининг мукамаллашуви ва мутахассиснинг ўқувчи психик дунёсига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиши бола бош мия катта ярим шарлари пўстининг фаолиятини такомиллаштиради. Кейинчалик ҳам Пиаженинг когнитив-генетик назарияси қатор олимлар томонидан (Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм) тарғиб этилди.

Пиаже бола ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий ҳодисани, яъни боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқотини эътибордан четда қолдириб, асосий урғуни болага тааллуқли бўлган ва уни ўраб турган объектларга беради.

Л.С.Виготскийнинг «ижтимоий конструктивизм», яъни нутқ атрофдаги одамлар билан мулоқот қилиш натижасида шаклланади, деган мазмундаги назарияси соҳа мутахассислари томонидан қуйидагича тушунилган:

- самарали ўрганиш сирини турли даражадаги малака ва билимга эга икки ёки ундан кўп инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар замирида ётади. Кўпроқ билим эгаси бўлмиш, одатда, ота-она ёки ўқитувчи, кўпинча эса ҳамроҳнинг вазифаси бошқа бировнинг ўрганиши учун кўмаклашиш йўлини топишдир¹⁵⁴;

¹⁵² Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P. 30-31.

¹⁵³ Sage R. Supporting Language and Communication: A Guide for School Support Staff. – L.: Paul Chapman Publishing, 2006. – P. 12-13.

¹⁵⁴ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 40.

- тафаккур асосий ўзлаштирилган нутқдир, нутқ эса ижтимоий муносабатларда пайдо бўлади¹⁵⁵;

- боланинг тафаккури турли даражадаги интеллектлар, яъни катталар билан ҳамкорликда фаолият юритиш жараёнида ривожланиб боради¹⁵⁶.

Виготский Пиаже назариясини такомиллаштириб, боланинг атрофдаги катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти тафаккурнинг ривожланишида муҳим роль ўйнашини исботлаб берди. Пиаже бола билан муҳит ўртасидаги алоқага эътибор қаратган бўлса, Виготский конструктивизмнинг бошқа элементига, яъни бола билан ижтимоий муҳит ўртасидаги мулоқотга урғу беради. Пиаже учун бола буюмлар дунёсидаги фаол ўрганувчи бўлса, Виготский учун бола инсонлар билан тўла дунёдаги фаол ўрганувчидир¹⁵⁷.

Одамлар болага ўрганиш учун кўмаклашувчи вазифасини бажаришади, яъни унинг қўлига буюмлар тутқазишади, ўйин жараёнида гаплашишади, ҳикоялар ўқиб, эртаклар айтиб беришади. Бошқача айтганда, атрофидаги одамлар болага дунёни танишда воситачи (медитор), ундовчи ва айни пайтда муваффақиятсизликнинг олдини олиш чораларини кўрувчилардир. Катталар кўмаги билан бола ўзи мустақил бажара оладиган нарсаларидан кўпроғига қодир бўлади. Болани предметларнинг шакли, ранги, вазни билан таништиришда катталар амалга ошириш назарда тутилган ҳаракатнинг моҳиятини тушунтирадилар ва ҳаракатларни қай йўсинда бажаришни ўргатадилар: болага «Олиб кел», «Жойига қўй», «Оғзингни арт», «Ушлаб тур» каби топшириқларнинг моҳияти таништирилади, кейин унга ҳаракатни бажариш йўллари («Қошиқни мана бундай ушла», «Аввал қўлингга ол», «Олдин ўнг қўлинг билан тут», «Қошиқни бундай қилиб оғзинга олиб бор» деб) кўрсатилади¹⁵⁸.

Катталарнинг бундай ҳамкорлиги ва қўллаб қувватлаши боланинг билимларни эгаллаши учун кўмак бўлади. Бола ўзи мустақил бажара

¹⁵⁵ Lightbown P.S., Spada N. How languages are learned. – L.: Oxford University Press, 2006. – P. 20.

¹⁵⁶ Pinter A. Children learning second languages. Research and practice in Applied Linguistics. – UK.: Palgrave & Macmillan, 2011. – P. 76.

¹⁵⁷ Edwards A., Knight P. Effective Early Years Education: Teaching Young Children. – London. Open University Press. 2001, – P. 30-32.

¹⁵⁸ Ғозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Т.: Университет, 2006. – Б. 84.

олмайдиган ҳаракатларни махсус шуғулланиш натижасида мустақил бажара оладиган бўлади. Яъни боланинг қошиқни косага солиши бу «*актуал ривожланиш зонаси*» бўлса, қошиққа овқатни тўлдириб олиши унинг «*энг яқин ривожланиш зонаси*» (М.Г.Давлетшин таржимаси) ҳисобланади. Виготскийнинг педагогика фанига киритган, «*энг яқин ривожланиш зонаси*» (рус.: Зона ближайшего развития, eng.: Zone of proximal development) таълим орқали психологик жараёнлар ривожланишини жадаллаштириш концепциясини тажриба-синов ишларимизга татбиқ этишни мақсад қилдик. Ушбу концепцияга берилган таърифлардан намуналар келтирамыз:

большая или меньшая возможность перехода ребёнка от того, что он умеет делать самостоятельно, к тому, что он умеет делать в сотрудничестве, и оказывается самым чувствительным симптомом, характеризующим динамику развития и успешность умственной деятельности ребёнка¹⁵⁹;

содержание тех задач, которые ребенок еще не может решить самостоятельно, но уже решает с помощью взрослого (в совместной деятельности): то, что первоначально делается ребенком под руководством взрослых, становится затем его собственным достоянием (*способностями, навыками, умениями*). Их наличие свидетельствует о ведущей роли взрослого в психическом развитии ребенка¹⁶⁰;

the zone of proximal development is an area of learning that occurs when a person is assisted by a teacher or peer with a skill set higher than that of the subject¹⁶¹;

the zone of proximal development refers to the maturing functions that are relevant to the next age period and that provide the means to perform in collaborative situations that could not be achieved independently. These functions

¹⁵⁹ Виготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Лабиринт, 1999.– С. 323.

¹⁶⁰ Зинченко В.П., Мещерякова Б.Г. Большой психологический словарь. – М.: Прайм-ЕВРОЗНАК. 2003. – С. 223.

¹⁶¹ Penguin dictionary of psychology. Electron resource: <https://en.wikipedia.org/penguin/dict/psy>. Access date: 05.06.2017.

are not created in interaction; rather interaction provides conditions for identifying their existence and the extent to which they have developed¹⁶²;

the layer of skill or knowledge which is just beyond that with which learner is currently capable of coping¹⁶³.

Юқоридаги таърифларга асосланадиган бўлсак, кичик ёшдаги ўқувчиларга чет тил ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил равишда ўзлаштира оладиган тил материалига эмас, балки мутахассис кўмаги ёки ҳамкорлигида муваффақиятлироқ ўзлаштира оладиган тил материалига мурожаат этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар янги тил материали ўқувчининг «*энг яқин ривожланиш зонаси*»да бўлса, бу унга тушунарли бўлади ва у бунини ўзлаштира бошлайди.

Виготский таълимни ўқувчининг кашф қилишига кўмаклашиш жараёни, деб тарифлайди. Ўқувчилар ўқитувчининг тушунтириш, кўрсатиб бериш, ва оғзаки йўл-йўриқ кўрсатиши орқали *энг яқин ривожланиш зонаси*даги маълум топшириқни мустақил бажариш малакаларини эгаллайдилар. Бунини ҳамкорликдаги фаолият натижасида кашф қилиш, яъни тайёр билимларни ўзлаштириш эмас, балки ўқитувчи, ота-она, ёки илғорроқ шерик ҳамкорлиги ва кўмагида мустақил кашф қилиш, деб тушуниш мумкин. Виготский «*энг яқин ривожланиш зонаси*»ни «интеллект»га янги маъно бериш мақсадида қўллаган. Унинг таъкидлашича, ақлий лаёқат боланинг ёлғиз ўзи бажара оладиган нарсалари билан эмас, балки маҳоратли кўмак ва бола учун тушунарли оғзаки кўрсатма ёрдамида бажара оладиган нарсалари билан ўлчаниши лозим.

Виготский ривожланиш нуқтасидаги турли болалар катталарнинг бир хил кўмагидан турлича фойдаланишларини аниқлаган. Чет тил ўқитиш жараёнида ҳам ўқитувчи ўқувчиларга савол билан мурожаат қилиб, янги нутқ модели билан таништиради: *Do you like swimming?* Бу саволга жавоб бериш ўзлаштирилганидан кейин ўқувчиларга юқоридаги «*Do you like (reading,*

¹⁶² Sternberg R.J., Grigorenko E.L. Dynamic testing: The nature and measurement of learning potential. Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – P. 37–38.

¹⁶³ Williams M., Burden R. L. Psychology for language Teachers. A social constructivist approach. – L.: Cambridge University Press, 2010. – P. 40.

dancing).....?» конструкцияси асосида бошқа саволлар тақдим этилади. Лекин ҳамма ўқувчилар ҳам бу саволларни тушунавермайдилар. Чунки ўқувчиларнинг *энг яқин ривожланиш зонаси* бир-биридан фарқ қилади.

Виготский болани бирор ишни ижтимоий вазиятда бошқа одамлар билан бажараётган ҳолатда, тилни эса турли усуллар билан унга ёрдам бераётганлигини ва аста-секинлик билан боланинг бошқаларга тобеликдан мустақил ҳаракатланиш ва фикр юритиш сари одимлаётганлигини кузатади. Овоз чиқариб фикрлашдан мияда фикрлашга ўтиш жараёнидаги ҳамкорликдаги суҳбат ва фаолият кейинчалик бир индивиднинг мустақил ақлий фаолиятига айланади¹⁶⁴. Виготскийнинг болалар сўзни тушунча сифатида қабул қилишлари тўғрисидаги фикрини тасдиқловчилар (Де Бот, 1992; Наттингер ва ДеКарио, 1992; Лантоф 2000; Роджерс, 2000; Таучи, 2008; Стренгерс, Боуерс, Хаус, ва Эйкманс, 2011) чет тил ўқитишда муҳим педагогик аҳамият касб этиши мумкинлигига эътибор қаратадилар. Сўз боланинг она тилидаги англаб олинадиган лингвистик бирликдир. Шу сабабдан ҳам у чет тилдаги сўзларни маъно ифодаловчи тушунча сифатида қабул қилади.

Виготскийнинг тадқиқотлари Ж.Брунер илмий фаолиятида ўз аксини топган. Брунер бир неча оилалардаги катталарнинг болалар билан мулоқотини ўрганиш жараёнида катталар ўз фикрларини имкон қадар болага тушунарли тарзда ифодалашга ҳаракат қилишларини гувоҳи бўлади. Айниқса, маълум ҳаракатни тўғри бажариши учун болага бериладиган кўрсатмаларнинг қайта-қайта такрорланиши натижасида ушбу кўрсатмалар нутқ намунаси сифатида боланинг лексик захирасини бойитиб боришини кузатиб, Брунер «Scaffolding» (Ҳавоза) моделини ишлаб чиқди. Ушбу назарияга биноан, катталарнинг нутқи болаларга дунёни англашлари учун воситачи бўлади ва уларга муаммоларни ечишда ёрдам беради¹⁶⁵.

¹⁶⁴ Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P. 7.

¹⁶⁵ Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P. 6.

Брунер коммуникатив ёндашув асосидаги чет тил машғулотларини ташкил этишда ўқитувчи фойдаланадиган («*George, please give out the scissors (papers).*»), «*Stand up!*», «*Line up!*» «*The lesson is over. Good bye!*») бўлган гаплар аста-секин ўқувчиларнинг лексик репертуари (бойлиги)га айланиб боришини исботлайди. Мисолдаги гаплар ўқувчиларга мазмунли тил шаклларини ўзлаштириш имкониятини беради ва ўқувчилар дастлабки тажрибаларига асосан ўқитувчининг кўрсатмаларини тахминан тушуна бошлайдилар. Яъни тақдим этиладиган янги нутқ намунаси ўқувчининг *энг яқин ривожланиш зонасига* ўтади.

Ўқитувчи амалий машғулотларни ташкил қилишда ўқувчиларга қуйидаги топшириқларни осондан қийинга принципи асосида бериб бориши мумкин:

give out	the scissors (books)	give out	the scissors
	the papers (pencils)	collect	the books
	the flashcards	find	the papers

«*Энг яқин ривожланиш зонаси*» атамаси асосида чет тил ўқитишнинг дидактик тамойилларидан *осон-қийинлик* ёки *ўқувчи кучига мослик* тамойиллари ривожлантирилган ва нутқ фаолиятини эгаллаш жараёнини тезлаштириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида қийинчиликларни ўқувчи кучига мос ҳолда «*таксимлаб*» тақдим этилишини йўлга қўйиш, ўқув дастур ва ўқув режаларини шу тамойил асосида ишлаб чиқиш лозим.

Пиаже назариясига асосан: а) тил материални методик тайёрлашда ўқувчиларнинг ривожланиш босқичларини инобатга олиш; б) ўқувчиларни айна жойда ва замонда содир бўлаётган, содда ва реал ҳаёт билан боғланган, буюмлар билан амалга ошириладиган машқлар танлаш; в) билимларни креатив, кашф қилиб эгалланиши учун оптимал вазият яратиш; г) натижа кетидан қувмасдан, ўзлаштириш жараёнига устувор аҳамият қаратиш тавсиялари ишлаб чиқилди.

Виготский назарияси асосида бошланғич таълимда хорижий тилларни ўргатишда: а) коммуникация ва интеракция жараёнида тилдан фойдаланиш; б) тушунарли тилда йўл-йўриқ кўрсатиш ва кўмаклашиш; в) ўқувчига унинг

имкониятлари даражасидан келиб чиқиб, яъни унинг энг яқин ривожланиш зонасидаги топшириқларни бериш ва уни ҳамкорликда¹⁶⁶ ва хайрихоҳликда бажариш; г) дастлабки узук-юлук талаффуз этилган жумлаларни қайта-қайта такрорлашга ундаш ва рағбатлантириш; д) инглиз тилидаги нутқнинг вокаллашиш жараёнидаги дастлабки нуқсонларга сабрли бўлиш; е) ўқувчиларга қаратилган нутқ улар учун тушунарли бўлиши, яъни ўқувчиларнинг энг яқин ривожланиш зонасига мослаб содда-лаштирилган бўлиши лозим (9-жадвалга қаранг):

9-жадвал.

«Когнитив конструктивизм» ва «ижтимоий конструктивизм» назарияларининг қиёсий таҳлили

психологиянинг «когнитив конструктивизм» ва «ижтимоий конструктивизм» назариялари		
Назариялар	КОГНИТИВ	ИЖТИМОЙ
Қиёслаш мезони	нутқ предметлар билан жисмоний ҳаракатлар уйғунлигида, яъни бош мия ўнг ярим шарининг фаоллигида шаклланади	нутқ коммуникация ва интеракция жараёнида шаклланади
Тамойили	онглилик	онглилик
Ўқувчи	таълим жараёнининг фаол иштирокчиси, мустақил фаҳимлаб ўрганувчи	таълим жараёнининг фаол иштирокчиси, ҳамкорликда ўрганувчи
Ўқитувчи	Қулай шароит яратувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи	Кўмаклашувчи, рағбатлантирувчи, медиатор
Тил материали	Предметлар, ўйинчоқлар, флешкарталар	Аудио-видео материаллар
Компетенция	Тилга оид компетенциялар	Нутқий компетенциялар

Пиаже ва Виготскийнинг назариялари умумий жиҳатларга эга. Икки назария ҳам: а) ўрганувчини таълим жараёнининг фаол иштирокчиси

¹⁶⁶ Kang Shin J., Crandall J.A. Teaching Young Learners English. From Theory to Practice. – Boston, USA: National Geographic Learning, 2014.– P. 25.

бўлишига кенг имконият яратилиши; б) шахсий ёки ҳамкорликдаги тажрибалар асосида билимларни ташаббусли кашф қилиб эгалланиши; в) ўқувчиларнинг индивидуал жиҳатларини ҳисобга олиниши зарурлигини тарғиб этади. Яъни таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллаш лаёқатини ривожлантириш, уларни фикран уйғотиш, фаол, эркин ва ижодий тафаккурининг авж олишини таъминловчи оптимал вазият яратилишига устувор аҳамият қаратиш тарғиб этилмоқда. Ж.Пиаже ва Л.Виготский назариялари асосида Ж.Брунер томонидан ишлаб чиқилган «Ҳамкорликда ўрганиш» ва «Scaffolding» усулини бошланғич синфларда чет тил ўқитиш амалиётига татбиқ этилиши коммуникатив ёндашувни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Тил ривожланиш онтогенези ва филогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, бола ўз она тилдан бирор нарсани қўлга киритиш (инструментал функция), хатти-ҳаракатни бошқариш (регулятив функция), атрофдагилар билан ҳамкорликда фаолият юритиш (интерактив функция), шахсий ҳис-туйғулар ва маъноларни ифодалаш (персонал функция), ўрганиш ва кашф қилиш (эвристик функция), ўз тасаввуридаги оламни яратиш (тасаввур функция), ахборот алмашиш (коммуникатив функция) мақсадларида фойдаланади. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишга коммуникатив ёндашувда ўқувчиларга ўрганилаётган чет тилдан айнан шу мақсадларда фойдаланишни ўргатиш лозимлиги тавсия этилади¹⁶⁷.

Шунингдек, чет тил ўрганишда стресс (руҳий зўриқиш)дан холи вазиятларнинг аҳамияти муҳимдир. Стресс қанча паст бўлса, ўрганиш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Коммуникатив компетенциянинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенция каби барча компонентларнинг тенг эгалланишига эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли мақсадлар тилнинг ташкилий (грамматик, дискурс) аспекти билан прагматик (функционал,

¹⁶⁷ Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – P. 160.

социолингвистик, стратегик) аспектларини ўзаро боғлаган ҳолда ифодалаш зарур¹⁶⁸. Шунингдек, КЁда чет тилни: а) ҳис-туйғулар, дунёқараш ва фикр мулоҳазаларини ифодалаш ҳамда тушуниш воситаси; б) ўрганиш объекти сифатида ўрганиш/ўргатиш тавсия этилади.

Грамматик ва дискурс тил шакллари эътибор марказида бўлмаса-да, ўрганувчиларни белгиланган мақсадни амалга оширишга лаёқатли қиладиган муҳим компонентлигича қолаверади.

Ўрганувчиларнинг ўзларига хос шахсий ўрганиш усулларидан келиб чиқадиган кучли ва кучсиз жиҳатлари инобатга олинади.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун коммуникатив ёндашувни таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиш жараёнига мослаштиришда қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тил ўргатишнинг асосий мақсади ўқувчининг ўрганилаётган тилдан фойдаланиб энг содда усулда коммуникация қилиш лаёқатини шакллантиришдир;

- интеракция ва коммуникациянинг содир бўлишини таъминлаш учун ўқувчилар гуруҳ ёки жуфт бўлиб ишлашлари лозим;

- чет тил ўқитишда нутқ вазиятини қўллаш тамойилига мувофиқ турли ижтимоий вазиятларда ўрганилаётган тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишни ўргатиш мақсадида машғулотларда ҳаракатли, сюжетли, ролли, драматик, имитацион (тақлид), мулоқотга йўналтирилган, проектли ва дидактик ўйинларни ташкил этиш зарур;

- тилга оид компетенциялар тинглаб тушуниш ва гапириш компетенциясининг эгаланишига хизмат қилиши лозим;

- ўрганиш креатив шакллантириш жараёнидир ва у хатолардан хулоса чиқаришдан иборат.

Ушбу параграфда шахсга йўналтирилган компетенциявий ёндашув парадигмаси асосидаги коммуникатив ёндашувга мувофиқ бошланғич чет

¹⁶⁸ Crandall J.J. Cooperative language learning and affective factors. – Cambridge, UK: Cambridge University Press. 1999. – P. 226-245.

тил таълимида самарадорликни таъминлаш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

диалогларга ёд олиниши зарур бўлган тил материали сифатида эмас, балки коммуникатив мақсадларда мурожаат этиш;

мазмунга устувор аҳамият бериш;

тил материални реал нутқ вазиятларидаги контекстларда тақдим этиш;

тилни коммуникация ва интеракция орқали ўрганиш;

такрорлаш (drilling) машқларига вақт ажратиш;

ўрганувчиларнинг ёши, қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳар қандай техник воситалардан фойдаланиш;

дастлабки машғулотлардан коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиш;

мақбул вазиятларда она тилидан ва агар ўқувчига фойдали деб ҳисобланса, таржимадан фойдаланишни тақиқламаслик;

ўрганилаётган чет тил лингвистик системасини коммуникация қилишга интилиш натижасида ўзлаштириш;

изчиллик ва узвийликни қизиқишни сўндирмаслик мақсадига йўналтириш;

ҳар қандай усулда ўқувчи мотивацияси (ички турткиси)ни ошириш;

тилни индивидуал шахс томонидан тажрибада синаб кўриш ва хатолар асосида креатив нутқий ҳосилалар яратилишига изн бериш;

ўқувчиларга ўзаро ва нотаниш инсонлар билан ҳар қандай нутқ вазиятида (якка нутқ, жуфт нутқ, баҳс-мунозара) ва тарзида (масофавий, юзма-юз, оғзаки, ёзма) интеракцияга киришишни ўргатиш;

ички мотивацияни тил орқали содир бўлаётган коммуникация объектига қизиқтириш натижасида вужудга келтириш.

2.3. Машқлар системаси ва улардан фойдаланишнинг инновацион педагогик технологиялари

Машқ (а.– هشق – ҳуснихат, расм чизиш учун намуналар) – бирор фаолиятни пухта ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун бажариладиган иш¹⁶⁹.

Ушбу атамага методик адабиётларда қуйидагича таърифлар берилади:

- чет тилда бажариладиган ўқув амали; таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлигидир¹⁷⁰;

- тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш, мазкур бирликларни нутқ вазиятида тўғри қўллаш амалидир¹⁷¹;

- муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат;

- компетенциялар ривожланадиган «муҳит» ёки «экосистема»¹⁷²;

- компетенциялар эгалланишини таъминлаш воситаси¹⁷³.

Машқнинг қисқача таъриф-таснифидан сўнг чет тил методистлари орасида мунозараларга сабаб бўлаётган «машқлар системаси» атамасини кўриб чиқамиз. Ҳозиргача машқлар системаси унинг таркибий қисмлари, машқлар системасининг таснифи борасида бир қанча лингвистик, психолингвистик, дидактик ва педагогик тадқиқот ишлари олиб борилган (И.В.Раҳманов, В.А.Бухбиндер, Н.И.Гез, М.С.Ильин, Ж.Ж.Жалолов, И.М.Берман ва б.). Масалан, Раҳманов барча машқларни лингвистик нуқтаи

¹⁶⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 562.

¹⁷⁰ Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факултетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – Б. 400.

¹⁷¹ Эркаев Э.Т. Бўлажак чет тил муаллими таълимида қўлланадиган таржима машқларининг лингводидактик таснифи. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008. – Б. 11.

¹⁷² Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P. 21.

¹⁷³ Puntambekar S., Hübscher R. Tools for Scaffolding Students in a Complex Learning Environment: What Have We Gained and What Have We Missed? Educational psychologist: Lawrence Erlbaum Associates, Inc. 2005. 40(1), 1–12.

назардан тил ва нутқ машқлари номи билан юритган. В.А.Бухбиндер психолингвистик нуқтаи назардан машқларни: а) билим ўргатадиган информацион; б) тил материални ўргатиш орқали кўникмани шакллантирадиган операцион; в) нутқий малака ҳосил қилиш учун бажариладиган мотивацион гуруҳларга ажратади.

Ж.Жалолов, Т.Сатторов ва А.Сойназаров каби ўзбек методистлари эса чет тил машқлар системасини дидактик нуқтаи назардан шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи турларини аниқлашган. И.А.Грузинская дарсликлардаги машқларни фонетик-орфографик, грамматик, луғат билан ишлаш, билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган машқларга ажратади¹⁷⁴. А.М.Жарова замонавий дарслик мажмуалардаги машқлар рационининг бошланғич синфларда ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги салоҳиятига эътибор қаратган¹⁷⁵. Ш.Убайдуллаев машқлар системасини қуйидагича таснифлайди: (1) тил материални ўзлаштиришга кўра: фонетик, грамматик, лексик машқлар; (2) нутқ фаолияти турларини эгаллашда қўлланишига кўра: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзишга ўргатиш машқлари; (3) лингвистик материалга кўра: тил ва нутқ машқлари; (4) билим, кўникма ва малака ҳосил қилишига кўра: тайёрлов ва амалий машқлар; (5) бажарилиш жойига кўра: синфда, уйда, лабораторияда бажариладиган машқлар; (6) нутқ шакли ва усулига кўра: оғзаки ва ёзма нутқ машқлари; (8) тиллар сонига кўра: бир тилли ва икки тилли машқлар; (9) амалларни мустаҳкамлашга кўра: бириктириш, ўзгартириш – репродуктив, танлаш, гуруҳлаш, ўхшатиш, фарқлаш – рецептив машқлар; (10) ёрдамчи воситалар ишлатилишига кўра: кўргазмалилик, техника воситалари, программалаштириш элементлари ёрдамида бажариладиган машқлар; (11) ўзлаштириш босқичларидан келиб

¹⁷⁴ Убайдуллаев Ш.Н. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига маданиятлараро мулоқотни ўргатиш (немис тили материалида): Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008. – Б. 92.

¹⁷⁵ Жарова А.М. Потенциал современных УМК в области формирования учебно-познавательной компетенции младших школьников. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАОИЛ. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 214-218.

чиқишига кўра: дастлабки эгаллаш, машқ қилиш, амалиёт, такрорлаш, назорат қилиш машқлари. Маълумки, машқ таркибига тил материали, мавзу, матн, тил техникаси, тил қодалари киради. Машқнинг талаби ва материали мавжуд. Талаб юз фоиз машқда берилса, материал очик ва яширин кўринишида бўлиши мумкин. Дарсликда мавжуд матн, жумла, сўз ва ундаги ҳарфларни ўқувчи талаффуз этиши, оғзаки нутқда қўллаши машқ материали бўлса, машқларга қўйиладиган талаб унинг сарлавҳасида “тингланг ва такрорланг”, “тингланг ва бажаринг” ва ҳ.к. каби жумлалар кўринишида намоён бўлади.

Бизнингча, бошланғич синф ўқувчилари учун тавсия этиладиган машқ уч таркиб: а) талаб; б) унинг осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминлашга хизмат қилувчи тавсия ёки кўрсатма; в) материалдан иборат бўлгани мақсадга мувофиқ.

Биз машқлар системасини қуйидагича шакллантирдик (8-расмга қаранг).



8-расм. Машқлар системаси

Дастлаб ўқитувчи назоратида бажариладиган машқларни кўриб чиқамиз. Методикада чет тил ўрганиш самарадорлигини оширишда ўқитувчи назорати, яъни мутахассиснинг кўмаги, ёрдами ва хайрихоҳлигини

ифодаловчи «Scaffolding» (Ҳавоза) атамаси кенг қўланилмоқда. Мазкур атамага Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «қурилиш ёки таъмир ишлари учун девор ёнига ёғоч ёки металлдан қават-қават қилиб ишланган вақтинчалик қурилма», деб таъриф берилган. Лекин атаманинг инглиз тилидаги муқобили от ва феъл туркумига оид сўз бўлиб, унинг таърифи қуйидагича:

- *n.* a temporary structure on the outside of a building, made of wooden planks and metal poles, used by workmen while building, repairing, or cleaning the building – the materials used in scaffolding (Oxford dictionary, Collins Cobuild dictionary, Oxford American Dictionary);

- *v.* поддерживать, подпирать, нести (на себе) нагрузку (АВВУ Dictionary).

Атама Виготский томонидан қўлланилмаган, лекин унинг «энг яқин ривожланиш зонаси» назарияси маълум топшириқни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадига йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг Scaffolding (Ҳавозалаш) моделининг ишлаб чиқилишига асос бўлган¹⁷⁶. Ушбу модел компетенцияларнинг эгалланиш жараёнини осонлаштириш, яъни қийинчиликларни бартараф этиш мақсадидаги ўқитувчининг ўқувчига берадиган кўмаги, ёрдами, маълум топшириқни бажаришда дуч келиниши мумкин бўлган қийинчиликларнинг олдини олувчи педагогик усулдир¹⁷⁷. Мазкур атама компетенциялар эгалланишини таъминлашнинг педтехнологияси маъносини ҳам ифодалайди. Яъни ўқитувчи:

- такрорлаш орқали ўқувчининг жавобини тўлдирди (Yes, a big cow.);
- ҳатоларни тўғрилаб жавобни қайта шакллантиради, (Yes, a cow is a farm animal.);
- ўқувчининг энг яқин ривожланиш зонасидан озгина юқори лекин тушунарли тилдан фойдаланади (Open the drawer. Take out the chopsticks.);

¹⁷⁶ Verenikina I. Scaffolding and learning: its role in nurturing new learners. – Australia.: University of Wollongong, 2008. – 236 p.

¹⁷⁷ Puntambekar S., Hübscher R. Tools for Scaffolding Students in a Complex Learning Environment: What Have We Gained and What Have We Missed? Educational psychologist: Lawrence Erlbaum Associates, Inc. 2005. 40(1), 1–12.

- тилнинг тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида имо-ишора, юз ифодалари, жисмоний ҳаракатлар, расмлар ва товушлардан (brm, brm – bus; ba, ba - sheep) фойдаланади, реал нутқ вазиятларида жонли мулоқот моделларини қўллаш имкониятидан кенг фойдаланади (Look, I am opening the thermos for you. It is really hard.);

- ўқувчининг энг кичик ютуғига ҳам муносабат билдиради (Very good, Madina! Nice job!);

- дарсни ташкил этишда нутқ намуналаридан омилкорлик билан фойдаланади (Zohida, give out the pencils. Open your books at page 7.);

- ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчи учун саволни соддалаштиради (Do you like to play with your dog or your cat? Play with cat or dog? My cat. Good. You like to play with your cat.).


Ушбу атамани компетенциялар эгалланишини таъминлашнинг педагогик технологияси маъносида ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун ҳавозанинг нима мақсад ёки қандай ниятда ўрнатилишига эътибор қаратдик. Иншоотни қуриш учун ўрнатиладиган ҳавоза, яъни қурилиш конструкцияси қурилиш жараёнини осонлаштиради, бинонинг осон ва тез қуриб битказилишида муҳим вазифа бажаради, ишчининг фаолият кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради, ишчига имкониятидан четдаги топшириқни бажариш учун шароит яратади, хавфсизликни таъминлайди. Шунингдек, уни исталган вазият ва заруратга мослаштириш мумкин.

XX аср бошларида чет эл аудиторияларида инглиз тилидан прагматик мақсадларни кўзлаган методист Г.Палмер алмаштириладиган жадваллар (Substitution tables) тизимини ишлаб чиқди. Ҳар бир алмаштириладиган жадвал нутқнинг кўп учрайдиган нутқ намуналаридан иборат бўлиб, ўқувчи жадвалдаги гапда маълум вазифани бажарадиган сўзни худди шундай вазифани бажарадиган бошқа сўз билан алмаштириб, кўп миқдорда янги гаплар туза олган.

Алмаштириладиган жадваллар ўқувчининг янги сўзларни эслаб қолишига, тилнинг фонетик тузилишини амалий ўрганишига, чет тилда фикр

ифодалаш усулларини ўзлаштиришига ёрдам берган¹⁷⁸. Биз эса алмаштириладиган жадваллардан машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиш воситаси сифатида фойдаланишга эътибор қаратдик. Чунки алмаштириладиган жадваллар: гапиришни осонлаштиришда; ёзувни осонлаштиришда; ўрганилаётган чет тилнинг грамматик параметрларига монанд гап тузиш малака ва кўникмаларини ривожлантиришга ёрдамлашишда; тиллараро интерференциянинг олдини олишда; ўқувчининг ўқитувчи, шериги ва тил материали билан интеракцияга киришишига ёрдамлашишда¹⁷⁹ муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, дарсда лексик материални ўрганилиши қуйидаги жадвал асосида осонлаштирилади ва уйга вазифа сифатида ота-она ва ака-укалар ҳақида гаплар тузиш ва ёзиш топшириғи берилади (9-расмга қаранг):



9-расм. Алмаштириладиган жадвал (Substitution table)

Ушбу жадвал машқнинг осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминлаш воситаси вазифасини ўтайди. Яъни, ўқувчи мустақил бажара олмайдиган топшириқни ушбу восита, яъни жадвал кўмагида уддалай оладиган бўлади. Бунда жадвал топшириқнинг осон ва тўғри бажарилишида ўқувчи учун ҳавоза вазифасини ўтайди¹⁸⁰. Чет тил таълимининг дастлабки босқичларида структурал нутқ бўлақларини ва маълум талаффуз

¹⁷⁸ Vivian C. Second Language Learning and language Teaching. – UK.: Hodder Education, 2008. – 306 p.

¹⁷⁹ Lyster R. Learning and Teaching Languages Through Content: A counterbalanced approach. – Amsterdam. John Benjamins Publishing Company, 2007. – P. 71.

¹⁸⁰ Hakenstad H., Vestgard. M.U. Stairs 3. – Oslo, Cappelen, 2013. – P. 65.

элементларини алмаштириладиган жадваллар кўмагида машқ қилиш мақсадга мувофиқдир¹⁸¹.

Чет тил ўқитиш амалиётида scaffolding машқ бажариш жараёнини осонлаштириш ва мазкур жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муваффақиятсизликнинг олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг самарадор воситаси сифатида алмаштириладиган жадваллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки алмаштириладиган жадваллар хато қилишдан қўрқиш сабабли вужудга келадиган журъатсизланишнинг олдини олади. Ўқувчилар ўзларини ҳимояланган ҳис қилишади. Бу эса ўз навбатида машғулотларни стрессдан холи вазиятда ўтказилишини таъминлайди. Умуман олганда, хорижий адабиётларда учрайдиган *scaffolding* атамасини компетенциялар эгалланишини таъминлаш мақсадида йўналтирилган педагогик ёрдам, кўмак ва восита сифатида тушуниш мумкин.

Дастлаб тилга оид фонетик, лексик ва грамматик компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилишини осонлаштириш ҳақида фикр юритамиз. Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти ва умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастурига мувофиқ бошланғич синфларда чет тил ўқитишнинг асосий амалий мақсади коммуникатив компетенциянинг бошланғич А1 даражада эгалланишини таъминлашдир. Амалий мақсадга лингвистик (нутқий ва тил), социолингвистик ва прагматик компетенцияларнинг эгалланиши орқали эришилади¹⁸².

ДТСга мувофиқ лингвистик компетенция нутқий компетенция (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) ва тил компетенциясидан (лексик, грамматик, фонетик компетенциялар ҳамда графика ва орфография) иборат.

¹⁸¹ Brown D.H. Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy. – NY.: Longman, 2007. – P. 183-184.

¹⁸² Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури. Тузувчилар: Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов. – Халқ таълими. – №4 – Тошкент, 2013. – 44 б.

Ўқув дастурида ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ўқитиш мазмунининг икки жиҳати фарқланган: нимани (тил материалини) ўргатиш ва нима қилиш (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни ўргатиш. Яъни тил материали (лексика, грамматика, талаффузни)ни ўрганиш ва ўргатиш орқали нутқ фаолият турларидан кўникма ва малакаларга мансуб коммуникатив (ахборот алмашиш) компетенциянинг эгалланиши таъминланади.

Лингвистик компетенция эгалланишига хизмат қилувчи машқлар ўз навбатида тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) бўйича кўникмалар эгалланишида, социолингвистик компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқлар синф дискурси ҳамда кундалик вазиятлардаги содда мулоқот моделларини ўрганиш, Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ҳақида асосий маданиятлараро маълумотларни эгаллаш, тилга оид дастлабки кўникмаларни мустаҳкамлашда, прагматик компетенциялар эгалланишини таъминловчи машқлар эса чет тилда баён этилган фикрнинг ошкора ва яширин (бирон бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят) мақсадларини идрок этиб тушуниш ва улардан фойдалана олишга ўргатишга хизмат қилади. Қуйида тилга оид ва нутқий компетенцияларнинг эгалланишига хизмат қилувчи машқларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўқитувчи ёки дикторга тақлид қилиш (*choral repetition, chain drill, repetition drill*), сўзларнинг шаклини ўзгартириб айтиш (*substitution drill*), нукталар ўрнига мос (артикл, предлог, модал феъл, олмош) сўз қўйиб гапларни тўлдириш (*fill in the gaps*) машқлари лексик, грамматик ва фонетик компетенциялар эгалланишида муҳим аҳамиятга эга.

TPR (Total Physical Responce), Simon Says, Look and say, Bingo, Chinese whispers, Mime and gesture, Role play, Act out, Listen and draw, Cued dialogue каби машқлар нутқий компетенцияларнинг эгалланишига хизмат қилади.

Нутқ намунаси асосида чет тил ўқитиш, тил машқларини нутқ амалиёти билан боғлаш ва оғзаки нутқнинг илгарилаши бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг методологик тамойиллари сифатида кўриб чиқилди. Чет тилда оғзаки нутқ шаклини ўргатишда (руҳшуносликда «вербализация» тамойилида) нутқ намунасини ўзлаштиришдан иш бошланади.

Бошланғич таълимда лексика, грамматика ва талаффуз бирликларининг нутқий намуналарда ўзлаштирилишини оммавийлаштириш мақсадга мувофиқ амаллардан саналади. Жаҳон методикасида нутқ намунаси чет тил ўқитиш бирлиги сифатида тан олинган. (Турли муаллифлар ушбу атамани ўзлари истаган сўзлар билан юритишади: структура, конструкция, модел, типовой гап/жумла, lexical phrases, formulas, routines, pre-fabricated patterns, formulaic chunks, gambits, speech patterns, ready made sentences, prefabricated sentences, multiword lexical units, lexical collocations, fixed/semi-fixed expressions, institutionalized utterances).

Чет тил ўқитиш амалиётида *drilling*, яъни тил компетенцияларининг эгалланишига мўлжалланган такрорлаш ва тақлид қилиш (имитацион) машқлари оммалашган. Улар тил ҳодисаларининг шаклий (формал), маъновий (семантик), қўлланиш (функционал) қийинчиликларини бартараф этишга хизмат қилади. Бундай машқларда бир ёки икки тил шакли (грамматик ёки фонологик структуралар) ўқитувчи кўрсатмаси асосида ва назоратида бир неча маротаба такрорланади. Бундай машқлар асосида имитацион (тақлид қилиш) ўйинларини ташкил этиш мумкин.

Такрорлаш машқлари (Имитацион)

T: I like apples.

Ps: I like apples.

T: I like bananas.

Ps: I like bananas.

Нутқ намунаси дастлаб тайёр жумла мавқеида, кейинчалик ундаги таркибий қисмлар алмаштирилиб типовой жумла мақомида ўрганилади. Е.И.Пассов ва Н.Е.Кузовлевалар ўқувчиларнинг эшитганларини эсда сақлаш

қобилиятини ривожлантириш мақсадида машғулотлар сўнгида оsonдан қийинга тамойили асосида нутқ намуналари асосида такрорлаш машқлари ўтказишни тавсия этишади¹⁸³.

Алмаштириладиган такрорлаш машқлари

T: My father likes apples.

Ps: My father likes apples.

T: Mother

Ps: My mother likes apples.

T: Brother

Ps: My brother likes apples.

Нутқ намунаси асосидаги занжирли такрорлаш машқлари эса ўқувчиларда диққат билан тинглаш ва эшитганни хотирада сақлаш кўникмаларини ривожлантиради. Тинглаб қабул қилинган ахборот кўриб қабул қилинган ахборотга нисбатан хотирада узоқроқ сақланади.

T: I like apples.

P1: I like apples and bananas.

P2: I like apples, bananas, and apricots.

P3: I like apples, bananas, apricots, and oranges.

3-4 синф ўқувчилари билан қуйидаги мураккаблаштирилган такрорлаш машқларидан фойдаланиб имитацион ўйинлар ўтказиш мумкин:

Correction and Repetition: You have a baby sister. – No, I have a baby brother.

Inflection: I bought the ticket. – I bought the tickets. He bought the ticket.

Replacement: Helen left early. – She left early. Bob left early. – He left early.

Completion: I haveown car. – I have my own car.

Transposition: I am hungry. – So am I. I'll never do it again. – Neither will I.

Expansion: I know him. – I know him well. I hardly know him.

Contraction: Put your hand on the table. – Put your hand there (here).

Transformation: He knows my address. – He doesn't know my address.

Rejoinder (Different ways to say): Be polite. (Thank you. – You are welcome.) Answer the question. (What is your name? – My name is) Express regret. (I am sorry. Pardon. Excuse me.) Express disagreement (It is Monday today. – I disagree with you. As far as I know it is Friday today.)

Restoration: boys/build/house/tree – The boys built a house in the tree.

¹⁸³ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С.534-535.

Drilling машқларининг муваффақиятли ва осон бажарилишини таъминлашда реал нутқ вазиятларини яратиш тавсия этилади. Қуйидаги машққа эътибор қаратамиз:

T: Book. Ps: There is a book on the table.

T: Bag. Ps: There is a bag on the table.

T: Pen. Ps: There is a pen on the table.

T: Under the table. Ps: There is a pen under the table.

Ушбу машқни бажариш жараёнида ўқувчилар лексик (ўқув қуролларининг номлари) ва грамматик материал (preposition of place)ни такрорлаш ва билимларини намоёни қилиш имконига эга бўладилар.

Аудиолингвализм ва структурализмни тарғиб этувчи бундай машқлар лингвистик компетенциянинг эгалланишига, яъни ўқувчида лингвистик структураларни эгаллаш ҳамда тилнинг фонетик, лексик ва грамматик жиҳатларига қатъий риоя этиб тартибли гап тузиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Коммуникатив ўйин машқлари

Тадқиқотлардан маълумки, болалар тақлид қилишдан, такрорлаш машқларидан завқланишади. Бундан ташқари, такрорлаш машқларида ўқувчи зўриқмайди. Чунки улар ўзларини хавфсиз ва хотиржам ҳис қилишади¹⁸⁴. Ушбу вазиятда ўқитувчи буюмлар жойини алмаштириб, масалан, сумкани полга, китобни парта устига қўйиш орқали машқни осон ва муваффақиятли бажарилишини ҳавозалайди. Бунда тилдан фойдаланиш учун реал мақсад пайдо бўлади ва ўқувчилар лексик ҳамда грамматик тил материални нафақат мазмунли контекстда қўллаш, балки лексик бирлик ва грамматик ҳодисанинг қандай маъно англатишини ҳам мустақил фаҳмлаб олиш имкониятига эга бўладилар¹⁸⁵. Бунинг учун машқ коммуникатив тус олиши лозим бўлади. Масалан:

¹⁸⁴ Broughton G., Brumfit Ch., Flavell R., Hill P., Pincas A. Teaching English as a Foreign Language. – L.: Routledge, 2003. – P. 169.

¹⁸⁵ Widdowson H.G. Teaching Language as Communication. – L.: Oxford University Press, 2008. – P. 5.

T: What is on the table?

Ps: A book

T: Yes, a book is on the table. What is on the floor?

Ps: A bag.

T: Yes, a bag is on the floor. Where is the bag?

Ps: On the floor.

T: Yes, the bag is on the floor. Where is the book?

Ps: The book is on the floor.

Guessing ўйин машқларида ҳам коммуникация содир бўлишига эришиш мумкин. Масалан, I am thinking of a pupil? He is wearing blue jeans? Is he Nodir? No. He is taller than Nodir.

Маълумки, коммуникатив ёндашув чет тил реал мазмунли ва маъноли мулоқот қилиш жараёнида ўрганилади, деган назарияга асосланади. Қачонки ўрганувчилар жонли коммуникация ва интеракцияга қамраб олинса, улар тил ўрганиш учун табиий стратегияларидан фойдаланадилар ва бу уларга тил ўрганиш жараёнида тилдан фойдаланиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи машқлар тузишда: а) коммуникативлик (чет тилжонли коммуникация ва интеракция содир бўлганида ўрганилади); б) вазилавийлик (чет тил ундан фойдаланиб аниқ вазифа бажариш жараёнида ўрганилади); в) тушунарлилик ва маънолилик (чет тил ўқувчи учун тушунарли бўлганида ва маъно англатганида ўрганилади) тамойилларини ҳисобга олиш лозим¹⁸⁶.

Бунинг учун *биринчидан*, суҳбат иштирокчиларининг бири иккинчиси эга бўлган ахборот ёки маълумотдан хабардор бўлмаслиги лозим. Яъни, агар бугун ҳафтанинг қайси куни эканлиги маълум бўлса-да, лекин «Бугун ҳафтанинг қайси куни?» саволига «Сешанба» жавоби олинса, коммуникация содир бўлмайди. Чунки суҳбат иштирокчиларидан бири ўзи билмаган янги ахборотни олиш имкониятига эга эмас. Бундай саволларга ўқувчи баҳо олиш

¹⁸⁶ Linse C.T. Practical English Language Teaching: Young Learners. – New York: McCraw-Hill, 2005. – P. 126-127.

учун мажбур бўлганидан расмий жавоб бериш билан кифояланади. Натижада, мотивация сўнади¹⁸⁷.

Иккинчидан, мулоқот иштирокчилари қачон ва қандай айтиш ва кимга нимани айтиш юзасидан мустақил қарор қабул қилишлари лозим. Яъни ўқитувчи ўқувчи айтадиган гап мазмуни ва шаклини қатъий назоратда ушлаб турмаслиги керак.

Учинчидан, коммуникация ва интеракция содир бўлиши учун адресатнинг жавоб репликасига муносабат билдирилиши талаб этилади. Яъни гапирувчи тингловчидан қандайдир жавоб олиши ва ўз фикрини тушунарли тарзда ифодалаётганлигига ишонч ҳосил қилиб туриши лозим.

Бошланғич синфларда ўтказиладиган сўровнома жадвалларини тўлдириш машқлари юқоридаги коммуникатив талабларга тўлиқ жавоб беради. Бундай машқларнинг бажарилишида ўқувчилар ўзларига берилган топшириқларни, яъни жадвалларни тўлдириш учун бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Топшириқни бажариш истаги ўқувчида жонли мулоқотга кириши учун сабаб мотиви вазифасини ўтайди. Унинг борлиги эҳтиёжни туғдиради, эҳтиёж мотивацияни қўзғайди. Жадвалларни тўлдириш жараёнида янги ахборот олинади ва ушбу ахборотни бошқалар билан бўлишишга яна бир эҳтиёж туғилади. Жадвал маълумотлар билан тўлдирилганидан сўнг ўқувчилар ушбу жадваллардан фойдаланиб, намуна асосида гаплар тузишади. Намуна асосида гаплар тузиш жараёнида ўқувчи янги грамматик ҳодисани ўзининг ташаббусли нутқида қўллайди ва унинг маъносини мустақил фаҳмлай бошлайди.

Мавзу юзасидан тайёрланган технологик харита (3-илова), *substitution table* (4-илова) ва *class survey* жадваллари (5-илова) илова этилади.

Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари учун алмаштириладиган жадваллардан машқларни осон ва муваффақиятли бажарилишига ёрдамлашиш, сўровнома жадвалларидан коммуникация ва интеракция содир

¹⁸⁷ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С. 63.

бўлишини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш бўйича инновацион педагогик технология ишлаб чиқилди.

Дастлаб технология ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Технология (юнон. *Techne* - маҳорат, санъат; – муайян жараёни юргизиш усуллари, воситалари, тактикаси ва стратегияси + *logos* - таълимот) – 1. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, яримфабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланадиган усуллар (методлар) мажмуи¹⁸⁸, 2. Маълум маҳсулотни тайёрлаш жараёнида амалга ошириладиган механик ёки физик ҳаракатлар тизимидир. Технологиянинг мукамал бўлиши таълим жараёнида билим, малака ва кўникмаларнинг қисқа муддатда, кўп миқдорда, сифатли эгаллишини таъминлайди. Чет тил ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан уни иккинчи ёки чет тил ўрганиш ёки эгаллаш жараёнининг механизми, деб талқин қилиш мумкин. Яъни технология иккинчи ёки хорижий тилнинг ўрганилишини таъминлаш мақсадида ўқитувчи ташаббуси, йўл-йўриғи ва кўрсатмасига мувофиқ синфхонада бажариладиган машқлар, амаллар ва ҳаракатлар тизимидир. Хорижий адабиётларда технологияни жараён (*procedure*), деб номлаш ҳолатлари ҳам учрайди¹⁸⁹. Чет тил ўқитиш методикасида мазкур атамага қуйидаги таърифлар берилган:

- муайян жараёни юргизиш усуллари ҳамда воситалари;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадни амалга ошириш жараёнидаги машғулотларда содир этадиган ҳаракатларининг режалаштирилган тартиби ва усули¹⁹⁰;
- дарсдан кўзланган мақсадга эришиш жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликдаги фаолияти;

¹⁸⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 81.

¹⁸⁹ Brown D.H. *Teaching by principles: An interactive approach to language pedagogy.* – NY.: Longman, 2007. – P. 180.

¹⁹⁰ Щукин А.Н. *Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц.* – М.: Академия, 2007. - С. 19.

- таълим шароити ва вазиятини ҳисобга олиб айни натижани қайд этилишини таъминловчи ҳаракатлар стратегияси, маълум ёндашувни татбиқ этувчи методга хос топшириқ ва амаллар (task, activity) йиғиндиси¹⁹¹.

Тадқиқот жараёнида тажриба-синов ишлари учун дидактик, драматик, имитацион, сюжетли, мулоқотга асосланувчи, ролли ва проектли ўйинлардан фойдаланишнинг инновацион педагогик технологиялари такомиллаштирилди. Ушбу технологияларда асосий эътибор машғулот жараёнида коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлашга қаратилади. Биринчи босқичда тилга оид компетенцияларнинг эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилади. Машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиш учун «Scaffolding» моделидан фойдаланамиз. Иккинчи босқичда коммуникация ва интеракция содир бўлишининг таъминланиши кўзда тутилган. Унда ўқувчилар биринчи босқичда эгаллаган билимларидан фойдаланиб интеракцияга киришадилар. Учинчи босқичда ўқувчилар интеракция жараёнида олинган ахборот асосида ташаббусли нутқ ҳосил қиладилар. Ушбу технологиялардан намуналар келтирамиз.

«Meals» мавзуси бўйича тайёрланган «Ташаббусли нутқ» сюжетли ўйин технологияси.

Биринчи босқич – тақдимот босқичи бўлиб, унда такрорлаш машқларининг осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳавоза ўрнатилади. Яъни алмаштириладиган жадвалдан машқнинг осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминловчи ҳавоза сифатида фойдаланамиз. Масалан, «Meals» мавзусига оид лексик ва грамматик материалнинг ўзлаштирилишига мўлжалланган машқни осон ва муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиш учун қуйидаги алмаштириладиган жадвал тавсия этилади:

¹⁹¹ Freeman D.L. Techniques and principles in language teaching. – L.:Oxford University press, 2003. – P. 12-13.

For	breakfast	I	have	tea
	lunch	you		milk
	dinner	we		sugar
	supper	they		bread
T: For breakfast I have tea.			Ss: For breakfast I have tea.	
T: coffee			Ss: For breakfast I have coffee.	

Жадвал ўз навбатида занжирли диалог тузиш машқининг осон бажарилишини кафолатлайди. Ушбу босқичда ўқувчилар навбати билан диалог тузишади.

S1: For breakfast I have tea and bread. What about you, Shoira?

S2: For breakfast I have jam and milk. What about you, Botir?

S3: For breakfast I have apple juice and bread. What about you, Shodiya?

Ҳавозалаш босқичида ўқитувчи (АКТдан фойдаланиб) доскада қуйидаги жадвални ҳавола этади.

For	breakfast	I	eat	
	lunch	you		
	dinner	we	drink	
	supper	they my parents		

Жадвал ўқувчиларга янги лексик материални фаҳмлаб олишда кўмаклашади. Шунингдек, ўқитувчи ўзини бирор нарсани ичаётган ёки чайнаётгандек кўрсатиб, сўз маъносининг тўғри тахмин қилинишига кўмаклашади. Ушбу машқда лексик материалнинг тўлиқ такрорланишини

таъминлаш учун ўқитувчи флешкарталарни алмаштириб туриши лозим. Тил материални ўзлаштириш тезлигига қараб жадвалдаги устунлар навбати билан ўчирилади. Сўнгги босқичда фақат флешкарталар қолади.

Ушбу босқичдаги сўнгги топшириқнинг бажарилишини ҳавозалаш учун қуйидаги алмаштириладиган жадвалдан фойдаланамиз.

What	do	you	eat	for	breakfast?
			drink		lunch?
					dinner?
					supper?

Иккинчи босқич – интеракция ва коммуникация босқичи бўлиб, унда ўқувчилар ўзаро маълумот алмашадилар ва ҳамкорликда фаолият олиб борадилар.

Бунинг учун ўқувчилар жамоаларга тақсимланади ва уларга сўровнома жадвалларини тўлдириш топшириғи берилади. Сўровнома жадвалларини тўлдириш мақсадида ўқувчилар қуйидаги тартибда диалог тузишади.

S1: Nodira, what do you eat (drink) for breakfast (lunch, dinner, supper)?

S2: For breakfast I eat bread.

	breakfast		lunch		dinner		supper	
	eat	drink	eat	drink	eat	drink	eat	drink
<i>Nodira</i>	<i>bread with jam</i>	<i>tea with sugar</i>	<i>hot dog with salad</i>	<i>apple juice</i>	<i>soap with vegetables</i>	<i>tea with lemon</i>	<i>meat balls with cookies</i>	<i>orange juice</i>
<i>Bobur</i>								

Ушбу босқичда тўлдирилган жадвал коммуникация содир бўлишини ҳавозалайди. Ўқувчилар жадвал ёрдамида ўз ташаббуслари билан ахборот

тақдим этишади. *For breakfast Nodira eats bread with jam. For lunch she eats hot dog with salad. For dinner she eats soup with vegetables. For supper she eats cookies with fruits.*

Ўқитувчи тўлдирилган жадвалдаги янги сўзлар миқдорига асосан жамоаларни баҳолайди.

Уй ҳайвонлари мавзусига оид тил материалининг ўзлаштирилишига мўлжалланган коммуникатив, сюжетли, ролли ўйин технологияси

«Lost property office» (Топилмалар идораси)

Даража: А1/2 Синф: 3-4 Ўқувчилар сони: 15 - 16 та

Амалий мақсад: тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларини мулоқот жараёнида қўллаш малакаларини ривожлантириш, уй ҳайвонлари ҳақида маълумот (ранги, ёши, исми) беришни ўрганиш, яшаш манзил ва телефон рақамни айтишни ўрганиш.

Умумтаълимий мақсад: тил ҳақидаги янги содда маълумотларни ўзлаштириш, мулоқот маданиятини юксалтириш.

Тарбиявий мақсад: чет тилда саломлашиш, хайрлашиш, предмет ва ҳодисаларнинг номларини билиш ва айтиш, ҳамкорликда фаолият олиб бориш кўникмасини ҳосил қилиш.

Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион жиҳатларини ривожлантириш, меъёрдаги лисоний ва нутқий қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали ўқувчи тафаккури ва ҳис-туйғуларини ривожлантириш.

Тил материали: How can I help you? Excuse me. My dog (cat) is missing. Tell me about your dog (cat). What is your telephone number? What is your home address? Here you are. Thank you. Not at all.

Таълим воситалари: «Lost property office» ёзуви туширилган пештахта, телефон, кучук, мушук, бузоқ, кўзичоқ, улоқча, бўталоқ каби ёрлиғига исми ва ёши ёзилган ўйинчоқ ёки флешкарталар, мурожаатларни қайд қилиш бланкалари, ҳарбий нишон (ҳарбий форма имкони бўлса).

Ташкилий қисм:

Биринчи босқич. Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларга қандай ўйин ўйналмоқчи эканлигини батафсил тушутиради. Ўқитувчи ўзини топилмалар идораси ходими, деб таништиради ва ўзига иккита (ёки тўртта) ёрдамчи хат ташувчи (mailman) танлайди. Ўқитувчи ўқувчиларга ўйинчоқларни таркатади ва уларнинг ранги, исми ва ёшини эслаб қолишлари зарурлигини тушунтиради. Барча ўқувчилар ўйинчоқларни эслаб қолганларидан кейин уни ўқитувчига қайтариб беришлари керак. Ўқувчилар навбати билан ўз ўйинчоқлари ҳақида гап тузишади (e.g., This is my dog. He is black. He is 2 years old.) ва топилмалар қутисига солиб қўйишади.

Ифода бирликларини такрорлаш босқичи (Drilling stage). Ўқувчиларга нутқ намуналари таништирилади. Ўқувчилар нутқ намуналарини ўқитувчидан кейин такрорлашади. Excuse me. My dog is missing. He is black. He is two years old. His name is Olapar. My telephone number is My address is street district, region.

Маълумот тўлдириш босқичи (Information gap stage)

Барча ўқувчилар ўз исмларини, телефон рақамларини ва яшаш манзилларини аввалдан тайёрлаб қўйилган (учбурчак ёки тўртбурчак) шаклидаги қоғозга ўқитувчи кўмагида ёзишади ва ёзув кўриниб турган томонини ўқитувчига буриб қўйишади.

name:

**address: street,
.....village,
.....district,
.....region.**

telephone number:

Барча ўқувчилар ўзлари ҳақидаги маълумотларни ёзиб бўлганларидан кейин ўқитувчи ўйинни бошлаши мумкин.

Ўқувчилар навбати билан ички ишлар бошқармасига телефон қилишади ва қуйидаги тартибда суҳбатлашишади:

Policeman	Pupil
<i>Good morning, this is lost property officer Mr. Green.</i>	<i>Hello, this is</i>
<i>What can I do for you</i> ?	<i>My dog is missing.</i>
<i>Oh, I am so sorry. Tell me about your dog.</i>	<i>His name is</i> <i>He is (color).</i> <i>He is years old.</i>
<i>What is your address?</i>	<i>..... street</i> <i>..... district,</i> <i>..... region.</i>
<i>What is your telephone number?</i>	<i>My telephone number is</i> <i>.....</i>
<i>OK, donot worry. We will find your dog verys oon.</i>	<i>Thankyou, sir.</i>

Ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбатлашиш жараёнида улар ҳақидаги маълумотларни аввалдан тайёрлаб қўйилган жадвалга киритиб боради.

Name	<i>Eshboyeva</i>	<i>Saodat</i>	
Missing property	<i>Pet: dog</i>	<i>Color: black</i>	<i>Age: 2</i>
Address	<i>.....street,</i> <i>..... village</i>	<i>..... district</i>	<i>.....region</i>
Telephone number	<i>+98 998</i>	<i>000 00 00</i>	

Ўқитувчи барча ўқувчилар билан суҳбатлашиб бўлганидан кейин, улар ҳақидаги маълумотлар ёзилган варақларни ёрдамчиларига беради. Ёрдамчилар эса варақларга қараб йўқолган уй ҳайвонлари кимга тегишли эканлигини аниқлашади.

Хат ташувчилар ўйинчоқларни ўз эгаларига элтиб беришади ва қуйидаги тартиб дадиалог тузилади.

Postman: Good morning.

Pupil: Good morning.

Postman: Are you ?Is this your dog?

Pupil: Yes it is my dog.

Postman: Here you are. Please, sign here.

Pupil: OK. Thank you.

Postman: Not at all.

Тавсиялар: ушбу коммуникатив ўйин технологиясини 4-синф ўқувчилари билан ўтказиш ҳам мумкин. Ўқитувчи машғулотга креатив ёндашиши ва машғулот мобайнида импривизация қилиши тавсия этилади. Ўйинларни муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчилардан турли мавзуларга мос жамламаларни тўплаш талаб этилади. Бундай жамламалар жонли тил материали вазифасини бажариб, ўзлаштириш самарадорлигини таъминлайди. Ўйинларга ўзгартириш киритиш ҳам мумкин. Масалан, уй-ҳайвонлари эмас, балки шахсий буюмлар, транспорт воситалари ёки ўқув қуроллари каби мавзуларни ҳам танлаш мумкин. Ўйин жараёнида ишлатиладиган нутқ намуналари мустаҳкам ўзлаштириб олинганидан кейин илғор ўқувчиларни бош ролга таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Нутқ фаолияти асосий турларининг ўзаро муносабатини таъминлаш мақсадида гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзув бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Ўқувчи гапирганда қўллаган бирликни тинглаб ва ўқиб тушуна олади, ёзувда ҳам ишлата олади. Кўриниб турибдики, тил материали маълум натқ фаолияти туридан бошқасига ўтиб юради.

Маълумки, I-II синфларда машғулотлар ўйин асосида ташкил этилиб, асосий эътибор тинглаб тушуниш ва гапириш нутқ фаолият турларидан кўникма ва малакалар эгалланишига қаратилади. Чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашувда жонли нутқ вазиятларини синф машғулотларига боғлаш талаб этилади. Чет тилни бошланғич синфларда ўқитиш назарда тутилادиган бўлса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ва уларнинг теварак-атрофида содир бўладиган нутқ вазиятларини синф машғулотларига олиб кириш лозим.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тилдан фойдаланидган вазиятлари катта ёшлилар дуч келадиган нутқ вазиятларидан фарқ қилади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиси оила аъзолари билан кўпроқ йўқотиб қўйган ўқув қуроллари, мактабда қайси фандан қандай баҳо олганлиги, ўқитувчиси қандай топшириқ берганлиги ҳақида гаплашса, синфдошлари билан уйга берилган вазифанинг бажарилиши, оила аъзолари, улар билан содир бўлган воқеалар, янги харид қилинган кийим, тайёрланган таом, томоша қилинган мультфилм ҳақида гаплашади. Дарсда эса бир-бирларидан ручка, қалам ёки ўчирғич сўрашади, кимдир китобини уйда қолдирганлиги ҳақида гапирса, кимдир дарсда сақич чайнаб ўтирган ўқувчи ҳақида муаллимни хабардор қилади ёки бир-бирларидан шикоят қилишади (Mrs, John is cheating!).

Чет тилни бошланғич синфларда ўрганиш ва ўргатишга коммуникатив ёндашув ўсмирларга ва катталарга чет тил ўргатиш коммуникатив ёндашувидан фарқланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларини шифокор ёки учувчи сифатида тасаввур қилиб роль ўйнашни ёқтирадилар. Улар ҳеч қачон бундай вазиятга тушмаган бўлсалар-да, ўзларини ўт ўчирувчи ёки шифокор қиёфасида кўришдан завқланишади. Шу сабабли драмалаштирилган, мулоқотга йўналтирилган, сюжетли-ролли, ўйинлар ташкил этиш орқали биринчи синфларда коммуникатив машғулотлар ташкил этиш мумкин. I-II синф ўқувчилари учун ҳар бир мавзу бўйича шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва коммуникатив ўйин машқлари тузиб чиқилди ва тажриба гуруҳларидаги дарсларда синовдан ўтказилди (**6-илова**).

II боб юзасидан хулосалар

Бошланғич таълимда инглиз тил ўқитишнинг шакл, метод ва воситалари юзасидан қуйидагиларни хулоса сифатида умумлаштириш мумкин:

1. Тадқиқот доирасида асосий таълим воситалари (ДТС, ўқув дастур, дарслик-мажмуа) таҳлил этилди. Бошланғич синфлар бўйича нашр этилган қўлланмаларни ўрганиш уларда қатор жузъий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди ва улар замонавий ўқитиш методикаси тамойиллари асосида таҳлил қилинди.

Мазкур камчиликлар сирасига лексик минимумнинг рационал тақдим этилмаганлиги (бошланғич синфларда мулоқот моделларига устувор аҳамият бериш тавсия этилади), амалий мақсад ҳисобланган тинглаб тушуниш ва гапиришни ўрганиш ва ўргатишга хизмат қиладиган машқларнинг етарли миқдорда берилмаганлиги, тақдим этилган ўқув материалнинг жонли мулоқот нутқнинг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги, улар билан ишлаганда таълимнинг техник воситаларини қўллаш кам ҳисобга олинганлиги, инглиз тили дарсларини шахсга ва компетенцияларнинг эгалланишига йўналтирилган ҳолда олиб борилишини таъминлашдаги самарадорлиги юқори эмаслигини келтириш мумкин.

2. Чет тил дарсларида фикрлашни эмас, коммуникацияни ўргатиш зарур. Ўқувчиларнинг чет тилдаги нутқларини ривожлантиришда фикр ифодалашнинг чет тилдаги, яъни она тилида фикр ифодалаш усули билан қиёсланадиган муқобил усули шакллантирилиши лозим.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш методикасининг оғзаки нутқнинг илгарилаши, ибтидоий босқични жадаллаштириш, нутқ намунаси асосида чет тил ўргатиш, нутқий йўналганлик, чет тилда табиий нутққа яқинлашиш, чегаралаб ва яхлит ўргатиш тамойилларга асосланиб ўқувчиларнинг мулоқот моделлари ва нутқ намуналаридан иборат репертуарини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Мулоқот моделлари ва нутқ

намуналари бошланғич синфларда коммуникатив компетенциясининг А1 даража талабларига мувофиқ эгалланишини кафолатлайди.

3. Машқнинг таъриф-таснифи такомиллаштирилди, чет тил методистлари орасида мунозараларга сабаб бўлаётган «машқлар системаси» кўриб чиқилди. Машқлар системаси унинг таркибий қисмлари, машқлар системасининг таснифи борасида бир қанча лингвистик, психолингвистик, дидактик ва педагогик тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқотда педагогиканинг шахсга, унинг фаолиятига ва компетенцияларнинг эгалланишига йўналтирилган таълим концепцияси, Л.С.Виготскийнинг «энг яқин ривожланиш зонаси» назарияси ва Д.Браун томонидан ишлаб чиқилган машқлар системасига асосланиб бошланғич таълимда чет тил ўрганиш ва ўргатиш машқларини: назоратдаги – тилга оид компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи; коммуникатив – нутқий компетенцияларнинг эгалланишига хизмат қилувчи ва машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишини ҳамда ташаббусли нутқ ҳосил қилинишини таъминловчи турларга ажратилди.

Машқ қилиш тил бирлиги тақдимотидан бошланиб, жонли мулоқот билан тугалланиши тил материални нутқ амалиётида ўрганишни ифода этувчи коммуникатив ёндашувнинг асосий талабидир. Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадидан келиб чиқиб, substitution tables (алмаштириладиган жадваллар)дан машқларни осон ва муваффақиятли бажарилишига ёрдамлашиш, class survey (сўровнома) жадвалларидан коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш бўйича инновацион педагогик технологиялар такомиллаштирилди.

III БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЖРИБАВИЙ ЎҚИТИШ

3.1. Тажиба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш

Биринчи навбатда, тажиба-синов ишларининг *мақсад* ва *вазифаларини* аниқлаб оламиз. Умумий ўрта таълим мактабларида тажиба-синов ўтказишдан мақсад қуйидагилар:

- коммуникатив ёндашувга мувофиқ чет тил коммуникация ва интеракция жараёнида муваффақиятли ўрганилиши ва ўргатилишини амалда исботлаш;

- машғулотларда лингвистик компетенция эгалланишига қўмаклашувчи ҳамда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи қўшимча машқлардан фойдаланиш;

- компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига эришишда алмаштириладиган жадваллардан қўмаклашиш воситаси сифатида фойдаланиш;

- тил компетенцияларининг эгалланишига хизмат қилувчи машқларни ҳавозалаш ва нутқий компетенцияларнинг эгалланишга мўлжалланган машқларини бажариш жараёнида коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлашнинг назарий асосланган инновацион услубий технологиясидан тажиба-синов жараёнида фойдаланиш.

Ушбу мақсадлар қуйидаги вазифалар бажарилишини тақозо этади:

- тажиба-синов ишлари ўтказиладиган умумий ўрта таълим мактабларини белгилаш;

- мактаб директори ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг тавсияси билан тажиба-синов ишларига жалб этиладиган ўқитувчилар ва гуруҳларни шакллантириш;

- шакллантирилган тажиба гуруҳи ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш;

- тажриба-синов ишларида иштирок этувчи ўқитувчиларнинг чет тил ўқитиш ёндашувлари юзасидан назарий билимларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказиш;

- дарс машғулотларини кузатиш орқали назария ва амалиёт уйғунлиги қай даражада таъминланаётганлигини аниқлаш;

- ўтказилган суҳбат ва сўровномалар натижалари ҳамда кузатилган дарсларнинг таҳлиллари юзасидан ўқитувчилар билан муҳокама ўтказиш;

- чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашувнинг амалий жиҳатдан самарадорлигини экспериментал тадқиқ этиш;

- олиб борилган тажриба-синов ишлари асосида дастлабки, оралик ва сўнгги тўхтам (срез) натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва мавзу доирасида услубий тавсиялар бериш.

Тадқиқот материали сифатида назарий ва амалий манбалар, мавжуд чет тил дарслик мажмуалар ҳамда «Happy exercises» номли услубий қўлланма жалб қилинди. Тадқиқот объекти, предмети, материални таҳлил қилиш жараёнида биз иллюстратив кейс стади¹⁹², сифат таҳлили ва математик статистика методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳа мутахассислари томонидан тавсия этилган Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли 34-умумий ўрта таълим мактаби, Чортоқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 53-умумий ўрта таълим мактаби, Балиқчи тумани халқ таълими бўлимига қарашли 14-умумий ўрта таълим мактаби тажриба майдони сифатида белгилаб олинди ва 2014-2015, 2015-2016, 2016-2017, 2017-2018 ўқув йиллари давомида тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Амалиётга жорий этилувчи материал: бошланғич синфларда тилга оид фонетик, лексик, грамматик ва орфографик компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилишини осонлаштирувчи ҳамда машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи инновацион педагогик технологиялар такомиллаштирилди. Чет

¹⁹² Nunan D. Practical English Language Teaching. – NY.: McGraw-Hill, 2003. – P. 126.

тил дарсларида мазкур муаллифлик технологиясидан фойдаланиш бўйича “Happy exercises” номли услубий қўлланма нашр эттирилди. Тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ўтказилди (10-жадвалга қаранг):

10-жадвал

Тажриба-синов ишларининг босқичлари

Босқичлар	Бажариладиган ишлар мазмуни
I босқич 2014/2015 йил	Тажриба-синов ишларининг мақсадвавазифалари, бориши. Ўқувчиларнинг чет тил ўрганишга бўлган қизиқишини аниқлаш. Чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашув хусусида ўқитувчилар билан суҳбат олиб бориш. Дастлабки тўхтам натижалари
II босқич 2015/2016 ва 2016/2017 ўқув йиллари	Компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилишини ҳавозаловчи, коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи инновацион педагогик технологияни қўллаш Шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва коммуникатив машқларидан дарс жараёнида фойдаланиш Тажриба-синов ишларининг бориши таҳлили
III босқич 2017/2018 йил	Коммуникатив компетенцияни эгалланганлик даражаси Тажриба-синов ишларининг таҳлили ва якуний тўхтам

Махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда ўқувчилар лисоний таълим самарадорлигини ошириш бўйича умумий хулосалар чиқаришни назарда тутди. Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди. Тажрибада қатнашувчи ўқувчиларнинг гуруҳлар таркиби (тажриба ва назорат гуруҳи) белгиланди. Тажриба-синов ўтказиш учун юқорида кўрсатилган мактаблардан тажриба гуруҳи (ТГ)да 360 та ва назорат гуруҳи (НГ)да 360та ўқувчи иштирок этди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир гуруҳда соатлар миқдори тенг, инглиз тили ўрганиш дастури, ўқувчиларнинг лисоний жиҳатдан тайёргарлиги, гуруҳдаги ўқувчилар сони ҳамда коммуникатив

компетенциянинг эгалланишини таъминловчи ўқув материалларига ўзгариш киритилмади. Ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича коммуникатив компетенцияни эгалланганлик даражасининг нисбатан тенглиги объектив кўрсаткичлар олинишига имкон берди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ТГ ва НГларда инглиз тилида коммуникатив компетенциянинг А1 даражасида эгалланиши бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди. Дастлаб лингвистик компетенция эгалланишига кўмаклашиш борасида амалга оширилган тажрибаларни баён қиламиз.

Тажриба-синов ишларида фойдаланилган материаллар: тажриба-синов ишларида тадқиқотчи томонидан нашр этирилган “Happy exercises” номли услубий қўлланмага киритилган шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва коммуникатив машқлар, нутқ мавзулари доирасида тилга оид компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқлар бажарилишини осонлаштирувчи алмаштириладиган жадваллар ҳамда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи сўровнома жадвалларини қўллаш технологияси жорий этилди.

Маълумки, лингвистик компетенция нутқий ва тил компетенцияларидан иборат. Нутқий компетенция таркибига тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув киритилган. Бошланғич синфларда чет тил ўқитишнинг амалий мақсади тинглаб тушуниш ва гапириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ўқув дастурида белгиланган (А1) даражанинг ҳар бир синф охирида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган тинглаб тушуниш ва гапириш малакалари текширилди.

Бошланғич синфларда нутқий ва лисоний компетенцияларнинг ДТС талабларига мувофиқ эгалланишини таъминлаш мақсадида тажриба гуруҳларидаги дарслар монографиямизнинг учинчи бобида тавсия этилган инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этилди. Дарсларни қизиқарли ташкил этиш мақсадида куйидаги мини проектлар ҳам амалга оширилди.

Helper of the day (Кун ёрдамчиси) – Ўқитувчи «Helper of the day» ёзувли тасмани бир ўқувчи кўлига боғлайди ва шу тариха уни ёрдамчиликка тайинлайди. Ёрдамчи дарс мобайнида ўқитувчи берган топшириқларни (TPR: Close the window. Fetch me a chalk. Clean the board. Give out the flashcards. Collect the pictures. Wet the duster.) бажаради.

Tongue-twister of the week (Ҳафта тез айтиши) – ҳафта давомида ўқувчилар ўқитувчи томонидан тақдим этилган тез айтишни машқ қилиб боришади ва ҳафта якунида мусобақа ўтказилади.

Poem of the Month (Ой шеъри) – ўқитувчи тавсия этган шеър ўқувчилар томонидан ёд олинади ва ой охирида ушбу шеърни ифодали ўқиш бўйича танлов ўтказилади.

Letter of the Month (Ой хати) – ўқитувчи яқинлашаётган байрам ёки муҳим сана (туғилган кун, қор хат, илк қалдирғоч) муносабати билан ўқувчиларга табрик мактуби ёзади. Масалан, «*I wish you a Merry Christmas! I'm sure we should all be as happy as kings.*» Ўқувчилар мактубларини ўқиб ўқитувчига жавоб мактуби ёзишлари керак.

Lost Tooth of the Month (Ой тиши) – тиши тушган ўқувчи ўртоқларига шеър айтиб беради (I lost a tooth, but I don't care; another one is growing there!) ва синф календарига белги қўяди. Ой ёки чорак охирида ўқувчилар ҳафтанинг қайси куни тишлар кўп тушганлигини аниқлашади (More people lost a tooth on Monday). Ўқувчилар календарга қараб энг кам тиш тушган ҳафта кунини ҳам аниқлашлари мумкин (The day when the fewest children lostteeth).

Smurf's Memory Book (Смурфнинг хотира дафтари) – ўқитувчи Билағон (Brainy) Смурфни ўқувчиларникига меҳмонга юборади. Ўқувчи Смурфни уйига олиб кетади ва кейинги дарсга қадар унинг «Хотира дафтар»идаги анкета саволларига жавоблар ёзади. Ўқувчи Смурфнинг хотира дафтаридадан ўзи учун ажратилган саҳифага севимли гули (хайвони, ҳашароти, меваси, дарахти)нинг расмларини ёпиштириши ва ёқтирган шеър, мақол ва тез айтишларини ёзиши ҳам мумкин. Смурф синфга қайтганидан кейин янги

дўсти ҳақида, яъни у ёқтирган нарсалар ҳақида гапиради, ундан ўрганган саноқ шеър, тез-айтиш ва мақолларини айтиб беради.

Тил (фонетик, лексик ва грамматик) компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида «Scaffolding» моделининг алмаштириладиган жадвалларидан ҳамда машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи сўровнома жадвалларидан фойдаланиш технологияси бўйича ўқитувчиларга тавсиялар бериб борилди.

Чет тил дарсликларга қўйиладиган замонавий талаблар ва халқаро меъёрларга мувофиқ лексик минимумни методик жиҳатдан тайёрлаш (рационлаштириш), яъни лексик минимумни сўз бирикмаси (collocations), жуфт ва қўшма сўз (binominals and compounds) ҳамда нутқ намуналари, мулоқот моделлари ҳисобига бойитишни лозим топдик. Бизнингча, бошланғич синф ўқувчиларида ўрганилаётган чет тилда сўз ясаиш қонуниятларини мустақил фаҳмлаб ўрганиш кўникмаларини шакллантириш орқали (keep, keeper, bookkeeper, zookeeper, promisekeeper, housekeeper, goalkeeper) лексик минимумни икки баробар ошириш мумкин. Бунинг учун тажриба гуруҳларида **Word of the Day** (Кун сўзи) тадбири ўтказиб борилди. Бунда ўқитувчи мавзуга оид бирор сўзни доскага ёзади ва ўқувчилар ушбу сўз иштирокида янги сўз бирикма, жуфт ва қўшма сўзлар ясашади. Қуйидаги жадвал асосида ўқувчиларга транспорт мавзусига оид *drive, ride* феъллари иштирокидаги сўз бирикмалар тақдим этилиши мумкин.

	bike	motorcycle	car	truck	hourse	bus	donkey
drive a	-	-	+	+	-	+	-
ride a	+	+	-	-	+	-	+

Сўз бирикмаларни ўргатиш диаграммалари илова этилади (**7-илова**).

Шунингдек, тажриба гуруҳларида ўтиладиган дарсларни ташкил этишда фойдаланиш учун муаллиф томонидан яратилган лесикани

ўрганишга хизмат қилувчи «Merry cards», «Master cards» инновацион дидактик ўйинлар яратилди (**8-илова**), тайёр ва ярим тайёр мулоқот моделлари рўйхати (**9-илова**) шакллантирилиб, ўқитувчиларга тақдим этилди.

Бошланғич синфларда инглиз тилидан коммуникатив компетенциянинг эгалланганлик даражалари ҳақидаги дастлабки тўхтам натижаларини олиш мақсадида мазкур бобнинг иккинчи параграфиди таҳлил этилган ДТС, ўқув дастур ва дарслик мажмуалар воситасида ташкил этилаётган инглиз тилини ўргатиш ва ўрганиш жараёни билан танишиб чиқамиз.

Тадқиқот доирасида тажриба-синов майдони сифатида танланган мактабларда ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилди, ўқитувчиларга саволномалар тарқатилди, бевосита таълим жараёнига аралашган ҳолда дарслар кузатилди ва таҳлил қилинди (**10-илова**).

Дастлаб тажриба-синов ишларини олиб боришда ўтказилган суҳбатларнинг натижалари хусусида қисқача тўхталамиз. Бошланғич синфларда чет тил ўрганишга хоҳиш, истак ва эҳтиёжларни, чет тил ўрганишга ички туртки (мотивация)нинг шаклланганлигини, машғулотларда ўқувчиларнинг психофизиологик ҳолатлари (чарчаш, зеркиш, чалғиш, тортинчоқлик)ни аниқлаш мақсадида суҳбатлар ўтказилди. Тортинчоқликни олдини олиш мақсадида суҳбатлар гуруҳ ўқитувчилари томонидан тадқиқотчи тавсия этган саволлар асосида олиб борилди ва ўқувчиларнинг жавоблари махсус жадвалда қайд этилди.

Суҳбатда 360 та, яъни 180 нафар I синф, 180 нафар II синф ўқувчилари иштирок этишди. Суҳбат қайдномалари таҳлилидан маълум бўлдики, ўқувчиларнинг 328 нафари (91.1%) инглиз тилини ўрганишга қизиқишади. Бошланғич синфларда инглиз тили ўрганиш эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида берилган саволлардан аён бўлдики, аъло баҳо олиш ва ота-онани хурсанд қилиш, инглиз тилидаги мультфильм ва кинофильмларни тушуниш, инглиз тилида гапириш, шеър ва кўшиқлар ўрганиш каби мотивлар ўқувчиларни инглиз тили ўрганишга ундайди. «Оилангизда бирор киши

сизга инглиз тилини ўрганишингизда кўмаклашадими?» деган саволга ўқувчиларнинг 202 нафари (56.2%) «ха», 108 нафари (30%) «йўқ» жавобларини беришган бўлишса, 51 нафари (13.8 %) жавоб беришга иккиланишди.

Инглиз тили машғулотида ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида берилган саволлардан аниқландики, ўқувчиларнинг 234 нафари (65%) дарсларда зерикишмайди, 98 нафари (27.2%) машғулот ўртасида толиқиб қолишади, 28 нафари (7.8 %) эса узоқ муддат диққат билан ўтира олишмайди. «Машғулотларда устозингиз ва синфдошларингиз билан инглиз тилида гаплашасизми?» саволига 193 нафар (55.4%) ўқувчи «ха», 96 (26.1%) нафар ўқувчи «йўқ», 71 (18%) нафар ўқувчи «баъзан гаплашаман» жавобларини беришди.

Ўқитувчилар учун тайёрланган сўровноманинг асл шакли Р.Чарлесворс (1993) бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи томонидан тайёрланган¹⁹³. Тажриба мақсадларидан келиб чиқиб сўровномага ўзгартиришлар киритилди.

Бошланғич синфларда инглиз тилидан коммуникатив компетенциянинг эгалланганлик даражасини аниқлаш бўйича дастлабки тўхтам натижаларини олиш учун дарсликлар асосида тайёрланган саволлардан фойдаланилди (**11-илова**). Тажриба-синов олди тўхтам натижаларини олиш учун 90 нафар II синф ўқувчилари билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, ўқувчиларнинг 16% (14 нафар)и берилган саволларга жавоб беришди, 42% (38 нафар)и саволларни тушунишди ва 10 та саволдан ўртача 7 тасига жавоб беришди. 13% (12 нафар) ўқувчи саволларни қисман тушунишди ва қисқа жавоблар беришган бўлса, қолган 29% (26 нафар)и саволларга жавоб беришда жуда қийналишди (**12-илова**). Дастлабки тўхтам натижаларини аниқлаш ишлари 2013-2014 ва 2014-2015 ўқув йилларида олиб борилди.

Қайд этилган натижанинг сабабларини аниқлаш мақсадида машғулотлар кузатилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги таянч мактабларида

¹⁹³ Caner M., Subaşı G., Kara S. Teachers' Beliefs on Foreign Language Teaching Practices in Early Phases of Primary Education: A case study // Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, July 2010, 1(1) – P. 67.

фаолият кўрсатаётган узлуксиз малака ошириш курсларида иштирок этиб ўқитувчилар билан қўшимча сўровномалар ўтказилди. Сухбатлар, дарс кузатувлари ва ўқитувчилар билан ўтказилган сўровномалар натижасида шу нарсага амин бўлдики, аксарият ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим тамойилларини эътироф этишса-да, амалиётда анъанавий усуллардан (teacher centred) фойдаланишмоқда, гуруҳдаги илғор ўқувчиларга эътибор кўпроқ қаратилиб, ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчиларга махсус педагогик ёрдам кўрсатилмаяпти.

Аксарият ўқитувчилар фақат дарслик-мажмуада тақдим этилган машқларни бажариш билан чекланишмоқда, машқларни осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминлаш усул ва воситалардан фойдаланилмайди. Жуда кам муаллимлар инглиз тили таълимини ташкил этиш борасида ўқув материални синчковлик билан танлайдилар.

Шунингдек, машғулотларда юмшоқ ўйинчоқлар, пластик буюм жамламалари, флешкарталардан фойдаланилмайди. Аудио ва видео форматдаги материаллар ноутбук ёрдамида намойиш этилмоқда. Натижада, ўқувчилар аудио ёзувларни тинглаб тушунишда қийналишади. Дарс кузатув ва ўтказилган сўровномалар асосида тайёрланган таҳлилий маълумотлар илова этилади (13,14,15,16-иловалар).

Дарсларнинг конспектларини ўрганиш ва таҳлил қилиш муаллимларнинг ҳар бири дарсни режалаштиришга етарли эътибор бермасликларини кўрсатди. Хусусан, ўқув машғулотининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланмайди.

Маълумки, дарс режасини тузиш – шунчаки расмиятчилик эмас, балки ижодий педагогик меҳнатдир. Режани муаллимлар тузадилар, лекин уларда хилма-хилликлар мавжуд. Турли режалар қўлланилади, дарсларнинг босқичлари турлича белгиланади ва ҳ.к. Баъзи режаларда дарс мавзуси ва унинг ўтказиш санасини белгилаш билан чекланилса, айримларида дарсларнинг жиҳозланиши кўрсатилмаган. Дарс режалари кўп ҳолатларда қайта кўриб чиқилмайди, ўқитилаётган гуруҳлар таркиби ўзгариши муносабати билан уларга

ўзгартиришлар киритилмайди, таълимнинг айна ҳозирги шароити ҳисобга олинмайди.

Коммуникатив компетенция эгалланишини таъминловчи педагогик технологиялар амалиётида қатор камчиликлар борлиги кузатилди. Чунончи, тил материални ўзлаштиришга қийналаётган ўқувчиларга «энг яқин ривожланиш зонасида»ги топшириқлар берилмайди, топшириқ содалаштирилмайди, уни бажариш усуллари бўйича зарурий кўрсатмалар берилмайди. Ўқувчилар ўқув фаолиятини мунтазам ва асосли равишда назорат қилиб бориш ўқувчиларга қийинчиликларни енгишда ёрдам бериш учун зарурдир. Акс ҳолда, ўқувчиларда тил ўрганишдан кўнгил совиш, қизиқиш сусайиш, ўзига ишонмаслик каби салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлиши мумкин.

3.2. Олинган натижаларнинг сифат ва миқдорий таҳлили

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш ва гапириш бўйича малакалари Кембриж университети мутахассислари томонидан тайёрланган А1/1 (Starters), А1/2 (Movers), А1/3 (Flyers) материаллари, баҳолаш мезонлари [164], ДТС ва Инглиз тили фанидан таянч ўқув дастури асосида текшириб борилди.

I синф назорат гуруҳида А1/1 даража бўйича тинглаб тушуниш ва гапириш малакалари қуйидагича эгалланди: 18,9% «аъло», 26,7% «яхши» ва 54,4% «қониқарли». I синф тажриба гуруҳи ўқувчиларининг кўрсаткичи эса 34,4% «аъло», 38,8% «яхши» ва 26,6% «қониқарли» баҳоларни ташкил этди. II синф ўқувчиларининг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини, уларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тестларда ҳам тажриба гуруҳи талабалари назорат гуруҳига нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эришганлигининг гувоҳи бўлди. II синф назорат гуруҳи ўқувчиларининг тинглаб тушуниш бўйича бажарган ишларида олдинги йилдагига нисбатан фарқланиш кузатилди: 20% «аъло», 26,7 «яхши» ва 53,3% эса «қониқарли».

II синф тажриба гуруҳи ўқувчиларининг кўрсаткичлари фоизлар бўйича қуйидагича бўлди: 33,3% «аъло», 40% «яхши» равишда топширганлар ва «қониқарли» баҳолар эса 26,6% ни ташкил этди.

III синф ўқувчилари билан олиб борилган тажриба-синов ишларини ёритишга ўтамиз. Уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тест ва машқлардан фойдаланилди. III синф назорат гуруҳи ўқувчиларининг кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: «аъло» баҳоларга бажарган ўқувчилар 18,9% ни, «яхши» 30% ни, «қониқарли» 51,1% фоизни ташкил этди. III синф тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштиришида 34,4% «аъло», 42,2% «яхши», ва 23,3 % «қониқарли» баҳолар қайд этилди.

IV синф ўқувчилари томонидан бажарилган тестлар ва тайёрланган портфолиолар таҳлили асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, тажриба гуруҳи ўқувчилари A1/3 даража талабларига мувофиқ малакаларни қуйидагича эгаллашди: аъло 33,6%, ўрта 40,6%, қониқарли 25,8% (11-14 жадвалларга қаранг):


11-жадвал.

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари


Эгалланиши лозим бўлган малакалар	Назорат гуруҳи – 360 нафар ўқувчилар						Тажриба-синов гуруҳи – 360 ўқувчилар					
	аъло		ўрта		қониқарли		аъло		ўрта		қониқарли	
	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%
A1/1	15	16.7	24	26.7	51	56.6	16	17.8	23	25.5	51	56.7
A1/2	18	20	23	25.6	49	54.4	17	18.9	23	25.5	50	55.6
A1/2	17	18.9	26	28.9	47	52.2	17	18.9	25	27.8	48	53.3
A1/3	19	21.1	27	30	44	48.9	19	21.1	28	31.1	43	47.8
Жами	69	19.2	100	27.8	191	53	69	19.2	99	27.5	192	53.3

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

Назорат гуруҳи



Тажриба-синов гуруҳи



12- жадвал.


Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

Эгалланиши лозим бўлган малакалар	Назорат гуруҳи – 360 нафар ўқувчилар						Тажриба-синов гуруҳи – 360 ўқувчилар					
	аъло		ўрта		қониқарли		аъло		ўрта		қониқарли	
	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%
A1/1	14	15.5	24	26.7	52	57.8	14	15.6	23	25.5	53	58.9
A1/2	17	18.9	23	25.5	50	55.6	17	18.9	23	25.5	50	55.6
A1/2	16	17.8	25	27.8	49	54.4	17	18.9	24	26.7	49	54.4
A1/3	19	21.1	26	28.9	45	50	18	20	28	31.1	44	48.9
Жами	66	18.3	98	27.2	196	54.5	66	18.3	98	27.2	196	54.5


Ушбу жадваллардаги кўрсаткичларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, НГ ва ТГда тажриба-синов олдидан ўқувчилар томонидан инглиз тил бўйича коммуникатив компетенциянинг эгалланганлик даражаси деярли бир хил.

Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов олди кўрсаткичлари

Назорат гуруҳи



Тажриба-синов гуруҳи




13-жадвал.

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

Эгалланиши лозим бўлган малакалар	Назорат гуруҳи – 360 нафар ўқувчилар						Тажриба-синов гуруҳи – 360 ўқувчилар					
	аъло		ўрта		қониқарли		аъло		ўрта		қониқарли	
	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%
A1/1	17	18.9	24	26.7	49	54.4	31	34.4	35	38.8	24	26.6
A1/2	18	20	24	26.7	48	53.3	30	33.3	36	40	24	26.6
A1/2	17	18.9	27	30	46	51.1	29	32.2	37	41.1	24	26.6
A1/3	19	21.1	29	32.2	42	46.7	31	34.4	38	42.2	21	23.3
	71	19.7	104	28.9	185	51.4	121	33.6	146	40.6	93	25.8

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари




14-жадвал.

Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

Эгалланиши лозим бўлган малакалар	Назорат гуруҳи – 360 нафар ўқувчилар						Тажриба-синов гуруҳи – 360 ўқувчилар					
	аъло		ўрта		қониқарли		аъло		ўрта		қониқарли	
	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%	ўқувчилар	%
A1/1	17	18.9	23	25.5	50	55.6	29	32.2	34	37.8	27	30
A1/2	18	20	24	26.7	48	53.3	31	34.4	35	38.9	24	26.7
A1/2	17	18.9	26	28.9	47	52.2	30	33.3	38	42.2	22	24.5
A1/3	19	21.1	28	31.1	43	47.8	31	34.4	37	41.1	22	24.5
Жами	71	19.7	101	28.1	188	52.2	121	33.6	144	40	95	26.4

Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги
ўзлаштириш кўрсаткичлари



НГда аъло даражада ўзлаштириш 18.8%ни, ўрта даражада ўзлаштириш 27.5%ни ва қониқарли ўзлаштириш 53.7%ни ташкил этади. ТГда аъло даражада ўзлаштириш 18.8%, ўрта даражада ўзлаштириш 27.3% ва қониқарли даражада ўзлаштириш 53.9% қайд этилган.

НГда аъло даражада ўзлаштириш 19.7%ни, ўрта даражада ўзлаштириш 28.5%ни, ва қониқарли ўзлаштириш 51.8%ни ташкил этади. ТГда аъло даражада ўртача ўзлаштириш 33.6%, ўрта даражада ўзлаштириш 40.3% ва қониқарли даражада ўзлаштириш 26.1% қайд этилди (15-17 жадвалларга қаранг).

15-жадвал.

Ўқувчиларнинг тажриба-синов олдидан ўзлаштириш кўрсаткичлари

	Аъло	ўрта	қониқарли
назорат гуруҳларида	18.8	27.5	53.7
тажриба-синов гуруҳларида	18.8	27.3	53.9


Ўқувчиларнинг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

	Аъло	ўрта	қониқарли
назорат гуруҳларида	19.7	28.5	51.8
тажриба-синов гуруҳларида	33.6	40.3	26.1


Ўқувчиларнинг тажриба синов олди ва тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш ўсиши

	Аъло	ўрта	қониқарли
назорат гуруҳларида	+0.9	+ 1	-1.9
тажриба-синов гуруҳларида	+ 14.8	+13	-27.8

Ўқувчиларнинг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлар



Ўқувчиларнинг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари



Ушбу маълумотларга таяниб тажриба-синов ишлари самарадор ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тажриба-синов натижалари таҳлилининг кўрсатишича, тил (фонетик, лексик, грамматик) компетенцияларининг эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилишининг осонлаштирилиши натижасида ўқувчилар ўзларини стрессдан холи ва

ҳимояланган ҳис қилишди. Натижада машқларнинг муваффақиятли бажарилиши таъминланди ва фонетик, лексик ҳамда грамматик компетенция-лар эгалланишига эришилди.

Нутқий (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) компетенцияларнинг эгалланишига алмаштириладиган жадвалларни тўлдирилиши жараёнида эришилди. Ўқувчиларнинг чет тил ўрганиш жараёнида ундан фойдаланишлари, яъни сўровнома жадвалларини тўлдириш жараёнида интеракция ва коммуникация содир бўлиши таъминланди. Тинглаб тушуниш ва гапиришни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида иккала гуруҳда ҳам сезиларли натижалар бўлишига қарамай, ТГ ўқувчиларининг фаоллиги, билим даражасининг ўсганлиги, уларда инглиз тилида тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларининг шаклланганлик даражаси НГга нисбатан сезиларли фарқ қилади. Фанлар бўйича ҳам ТГ ўқувчиларининг олдинга силжиганлигига гувоҳ бўлдик (10-расмга қаранг):



10-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг тажрибавий ўқитишдан аввалги ва кейинги ўзлаштириш даражаларининг қиёсий мутаносиблиги (фоизларда)

3.3. Тажрибавий ўқитишнинг статистик таҳлили ва методик тавсиялар

Жадваллардаги миқдорий маълумотларни ўрганиш ва улардан тегишли хулосалар чиқариш мақсадида математик статистика методидан фойдаландик. Статистик таҳлилни амалга оширишдан аввал юқоридаги жадваллардаги миқдорий кўрсаткичларни бирлаштириб, статистик таҳлил учун қулай кўринишга келтириб оламиз.

X_i ва Y_i лар орқали НГ ва ТГларидagi баҳоларни, n_i ва m_i лар орқали шу баҳоларнинг умумий миқдорини, $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_i = \frac{m_i}{m}$ лар орқали эса уларга мос келган статистик эҳтимолликларни белгилаб оламиз. Бу ерда $n = m = 360$ тажриба-синовда иштирок этган НГ ва ТГ ўқувчилар сони. Натижада биз қуйидаги 4 та статистик қаторларга эга бўламиз.

I. Тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

1. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

НГ учун:

$$\begin{cases} x_i : 3, 4, 5 \\ n_i : 191, 100, 69 \\ p_i : 0,53; 0,28; 0,19 \end{cases}$$

ТГ учун:

$$\begin{cases} y_i : 3, 4, 5 \\ m_i : 192, 99, 69 \\ q_i : 0,53; 0,28; 0,19 \end{cases}$$

2. Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

НГ учун

$$\begin{cases} x_i : 3, 4, 5 \\ n_i : 196, 98, 66 \\ p_i : 0,55; 0,27; 0,18 \end{cases}$$

ТГ учун

$$\begin{cases} y_i : 3, 4, 5 \\ m_i : 196, 98, 66 \\ q_i : 0,55; 0,27; 0,18 \end{cases}$$

II. Тажриба-синовдан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

1. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

НГ учун

$$\begin{cases} x_i : 3, 4, 5 \\ n_i : 185, 104, 71 \\ p_i : 0,51; 0,29; 0,2 \end{cases}$$

ТГ учун

$$\begin{cases} y_i : 3, 4, 5 \\ m_i : 93, 146, 121 \\ q_i : 0,26; 0,40; 0,34 \end{cases}$$

2. Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} x_i : 3, 4, 5 \\ n_i : 188, 101, 71 \\ p_i : 0,52; 0,28; 0,2 \end{cases}$$

$$\begin{cases} y_i : 3, 4, 5 \\ m_i : 95, 144, 121 \\ q_i : 0,26; 0,4; 0,34 \end{cases}$$

Дастлаб тажриба-синов ишларидан олдинги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз:

1. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз.

$$\bar{x} = \sum_{i=1}^3 p_i x_i = 0,53 \cdot 3 + 0,28 \cdot 4 + 0,19 \cdot 5 = 1,59 + 1,12 + 0,95 = 3,66$$

$$\text{фоизда } \bar{x}^{\circ} = \frac{3,66}{5} \cdot 100\% = 73,2\%$$

$$\bar{y} = \sum_{i=1}^3 q_i y_i = 0,53 \cdot 3 + 0,28 \cdot 4 + 0,19 \cdot 5 = 1,59 + 1,12 + 0,95 = 3,66$$

$$\text{фоизда } \bar{y}^{\circ} = \frac{3,66}{5} \cdot 100\% = 73,2\%$$

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов ишларидан олдинги кўрсаткичлар орасида фарқ $73,2\% - 73,2\% = 0\%$ га тенг, яъни миқдорий кўрсаткичларда фарқ йўқлиги кузатилди.

2. Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз.

$$\bar{x} = \sum_{i=1}^3 p_i x_i = 0,55 \cdot 3 + 0,27 \cdot 4 + 0,18 \cdot 5 = 1,65 + 1,08 + 0,9 = 3,63$$

$$\text{фоизда } \bar{x}\% = \frac{3,63}{5} \cdot 100\% = 72,6\%$$

$$\bar{y} = \sum_{i=1}^3 q_i y_i = 0,55 \cdot 3 + 0,27 \cdot 4 + 0,18 \cdot 5 = 1,65 + 1,08 + 0,9 = 3,63$$

$$\text{фоизда } \bar{y}\% = \frac{3,63}{5} \cdot 100\% = 72,6\%$$

Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларидан олдинги кўрсаткичлар орасида фарқ $72,6\% - 72,6\% = 0\%$ га тенг, яъни миқдорий кўрсаткичларда фарқ йўқлиги кузатилди.

Мана шундай кўрсаткичларни тажриба-синов ишларидан кейинги кўрсаткичлар бўйича ҳисоблаймиз.

1. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз.

$$\bar{x} = \sum_{i=1}^3 p_i x_i = 0,51 \cdot 3 + 0,29 \cdot 4 + 0,2 \cdot 5 = 1,53 + 1,16 + 1 = 3,69$$

$$\text{фоизда } \bar{x}\% = \frac{3,69}{5} \cdot 100\% = 73,8\%$$

$$\bar{y} = \sum_{i=1}^3 q_i y_i = 0,26 \cdot 3 + 0,4 \cdot 4 + 0,34 \cdot 5 = 0,78 + 1,6 + 1,7 = 4,08$$

$$\text{фоизда } \bar{y}\% = \frac{4,08}{5} \cdot 100\% = 81,6\%$$

Демак, ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш бўйича тажриба гуруҳидаги миқдорий кўрсаткичларда ўсиш сезиларлидир: $81,6\% - 72,6\% = 9\%$. Аммо бу кўрсаткич назорат гуруҳида деярли ўзгармай қолган: $73,8\% - 72,6\% = 1,2\%$.

2. Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз.

$$\bar{x} = \sum_{i=1}^3 p_i x_i = 0,5 \cdot 3 + 0,28 \cdot 4 + 0,2 \cdot 5 = 1,5 + 1,12 + 1 = 3,62$$

$$\text{фоизда } \bar{x}^0\% = \frac{3,62}{5} \cdot 100\% = 72,4\%$$

$$\bar{y} = \sum_{i=1}^3 q_i y_i = 0,26 \cdot 3 + 0,4 \cdot 4 + 0,34 \cdot 5 = 0,78 + 1,6 + 1,7 = 4,08$$

$$\text{фоизда } \bar{y}^0\% = \frac{4,08}{5} \cdot 100\% = 81,6\%$$

Демак, ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба гуруҳидаги миқдорий кўрсаткичларда ўсиш сезиларлидир: $81,6\% - 72,6\% = 9\%$. Аммо бу кўрсаткич назорат гуруҳида деярли ўзгармай қолгандир: $72,4\% - 72,6\% = -0,2\%$, яъни 1%дан ҳам кам.

Энди тажриба-синов ишларида йўл қўйилган хатоликларни кўрсатувчи катталикларни ҳисоблаймиз. Булардан бири стандарт хатоликлардир.

1. Ўқувчиларнинг тинглаб тушиниш бўйича тажриба-синов ишларида йўл қўйилган хатоликларни кўрсатувчи катталикларни ҳисоблаймиз. Булардан бири стандарт хатоликлардир.

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^3 p_i x_i^2 - (\bar{x})^2 = 0,51 \cdot 9 + 0,29 \cdot 16 + 0,2 \cdot 25 - (3,69)^2 = 4,59 + 4,64 + 5 - 13,6161 = 0,6139;$$

$$S_x = \sqrt{0,6139} = 0,7835$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^3 q_i y_i^2 - (\bar{y})^2 = 0,26 \cdot 9 + 0,4 \cdot 16 + 0,34 \cdot 25 - (4,08)^2 = 2,34 + 6,4 + 8,5 - 16,6464 = 0,5936;$$

$$S_y = \sqrt{0,5936} = 0,7704$$

Вариациянинг аниқлиги:

$$C_x = \frac{V_x}{\sqrt{n}} = \frac{S_x \cdot 100\%}{\bar{x} \cdot \sqrt{n}} = \frac{0,7835 \cdot 100\%}{3,69 \cdot 18,97} = \frac{78,35\%}{70,01} = 1,12\%$$

$$C_y = \frac{V_y}{\sqrt{m}} = \frac{S_y \cdot 100\%}{\bar{y} \cdot \sqrt{m}} = \frac{0,7704 \cdot 100\%}{4,08 \cdot 18,97} = \frac{77,04\%}{74,4125} = 1,04\%$$

Ҳар икки гуруҳда ҳам ўрта қиймат хатолигини ифодаловчи C_x ва C_y катталиклар ўзларининг чегаравий қийматлари 5%дан анчагина кичикдир. Бу эса ўз навбатида тажриба-синов ишлари тўғри олиб борилганлигини аниқласа-да, бу кўрсаткич ТГда НГга нисбатан юқорирокдир: $\frac{1,12\%}{1,04\%} = 1,08$

баробар юқори.

2. Ўқувчиларнинг гапириш бўйича тажриба-синов ишларида йўл қўйилган хатоликларни кўрсатувчи катталикларни ҳисоблаймиз. Булардан бири стандарт хатоликлардир.

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^3 p_i x_i^2 - (\bar{x})^2 = 0,5 \cdot 9 + 0,28 \cdot 16 + 0,2 \cdot 25 - (3,62)^2 = 4,5 + 4,48 + 5 - 13,1 = 0,88;$$

$$S_x = \sqrt{0,88} = 0,9381$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^3 q_i y_i^2 - (\bar{y})^2 = 0,26 \cdot 9 + 0,4 \cdot 16 + 0,34 \cdot 25 - (4,08)^2 = 2,34 + 6,4 + 8,5 - 16,6464 = 0,5936;$$

$$S_y = \sqrt{0,5936} = 0,7704$$

Вариациянинг аниқлиги:

$$C_x = \frac{V_x}{\sqrt{n}} = \frac{S_x \cdot 100\%}{\bar{x} \cdot \sqrt{n}} = \frac{0,9381 \cdot 100\%}{3,62 \cdot 18,97} = \frac{93,81\%}{68,6846} = 1,37\%$$

$$C_y = \frac{V_y}{\sqrt{m}} = \frac{S_y \cdot 100\%}{\bar{y} \cdot \sqrt{m}} = \frac{0,7704 \cdot 100\%}{4,08 \cdot 18,97} = \frac{77,04\%}{74,4125} = 1,04\%$$

Ҳар икки гуруҳда ҳам ўрта қиймат хатолигини ифодаловчи C_x ва C_y катталиклар ўзларининг чегаравий қийматлари 5%дан анчагина кичикдир. Бу

эса ўз навбатида тажриба-синов ишлари тўғри олиб борилганлигини аниқласа-да, бу кўрсаткич ТГда НГга нисбатан юқорироқдир: $\frac{1,37\%}{1,04\%} = 1,32$ баробар юқори.

Энди биз b_1 ва b_2 лар орқали ТГдаги тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги мос келган назарий, яъни номаълум ўртача қийматларни танлаб олиб, улар тенглиги ҳақидаги $H_0: b_1 = b_2$ гипотезани текшириш учун Стъюдент мезонидан фойдаланамиз. Шартли равишда ТГга мос келган олдинги ва кейинги ўртача қиймат ҳамда ўртача квадратик хатоликларни

\bar{y}_1, \bar{y}_2 ва $S_{y_1}^2$ ва $S_{y_2}^2$ лар орқали белгилаб оламиз.

Юқоридаги ҳисоблардан маълумки, ўқувчиларнинг тинглаб тушиниш бўйича:

$$\bar{y}_1 = 3,66; \quad \bar{y}_2 = 4,08; \quad s_{y_2}^2 = 0,5936$$

$S_{y_1}^2$ ни ҳисоблаймиз:

$$s_{y_1}^2 = \sum_{i=1}^3 q_i y_i^2 - (\bar{y})^2 = 0,53 \cdot 9 + 0,28 \cdot 16 + 0,19 \cdot 25 - (3,66)^2 = 4,77 + 4,48 + 4,75 - 13,3956 = 0,6044$$

Энди Стъюдент статистикасини ҳисоблаймиз:

$$T_{\text{куз}} = \frac{\sqrt{m} |\bar{y}_1 - \bar{y}_2|}{\sqrt{S_{y_1}^2 + S_{y_2}^2}} = \frac{\sqrt{360} \cdot |3,66 - 4,08|}{\sqrt{0,6044 + 0,5936}} = \frac{18,97 \cdot 0,42}{1,09} = 7,3$$

Биз 95%лик ишонч эҳтимоллигини танлаб, нормал тақсимот жадвалидан унга мос келган критик нуқта $t_{\text{кр}}(0,950) = 1,96$ ни топамиз.

Аммо $T_{\text{куз}} = 7,3 > 1,96$ эканидан H_0 гипотезани рад этиб, $b_1 \neq b_2$ аммо $\bar{y}_2 > \bar{y}_1$ эканидан биз $b_2 > b_1$ экан, яъни ТГда тажриба-синов ишлари

Ўтказилгандан кейин ўртача ўзлаштириш ўсиши тасодифий эмас, балки қонуний экан, деган хулосага кела оламиз.

Ниҳоят, F_1 ва F_2 орқали ТГларда тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги баҳоларнинг тақсимот қонунларини белгилаб олиб, улар тенглиги ҳақидаги $K_0 : F_1 = F_2$ гипотезани Пирсон χ^2 - квадрат мезони орқали текшираемиз. Унга мос келган статистикани ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \chi^2_{\text{куз}} &= \sum_{i=1}^3 \frac{(m_{1i} - m_{2i})^2}{m_{1i} + m_{2i}} = \frac{(192-93)^2}{192+93} + \frac{(99-146)^2}{99+146} + \frac{(69-121)^2}{69+121} = \\ &= \frac{9801}{285} + \frac{2209}{245} + \frac{2704}{190} = 34,39 + 9,01 + 14,23 = 57,63 \end{aligned}$$

Биз тўлдираётган баҳолар учта («3», «4» ва «5») бўлганлиги учун Пирсон мезонини овозлик даражаси $x = 3 - 1 = 2$ бўлиб, унинг 95%лик критик нуқтаси $Y_{\text{кр}}(2; 0,95) = 6$ га тенгдир. Аммо $\chi^2_{\text{куз}} = 57,63 > 6$. Демак, биз K_0 гипотезани ҳам рад этиб, ТГларида тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги баҳолашдаги фарқ ҳам тасодифий эмас, балки қонунийдир, деган хулосага келамиз.

Ўқувчиларнинг гапириш бўйича:

$$\bar{y}_1 = 3,63; \quad \bar{y}_2 = 4,08; \quad s_{y_2}^2 = 0,5936$$

$S_{y_1}^2$ ни ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} s_{y_1}^2 &= \sum_{i=1}^3 q_i y_i^2 - (\bar{y})^2 = 0,55 \cdot 9 + 0,27 \cdot 16 + 0,18 \cdot 25 - (3,63)^2 = \\ &= 4,95 + 4,32 + 4,5 - 13,1769 = 0,5931 \end{aligned}$$

Энди Стъудент статистикасини ҳисоблаймиз:

$$T_{\text{куз}} = \frac{\sqrt{m} |\bar{y}_1 - \bar{y}_2|}{\sqrt{S_{y_1}^2 + S_{y_2}^2}} = \frac{\sqrt{360} \cdot |3,63 - 4,08|}{\sqrt{0,5931 + 0,5936}} = \frac{18,97 \cdot 0,45}{1,09} = 7,83$$

Биз 95%лик ишонч эҳтимоллигини танлаб, нормал тақсимот жадвалидан унга мос келган критик нуқта $t_{кр}(0,950)=1,96$ ни топамиз.

Аммо $T_{куз} = 7,83 > 1,96$ эканидан H_0 гипотезани рад этиб, $b_1 \neq b_2$ аммо $\bar{y}_2 > \bar{y}_1$ эканидан биз $b_2 > b_1$ экан, яъни ТГда тажриба-синов ишлари ўтказилгандан кейин ўртача ўзлаштириш ўсиши тасодифий эмас, балки қонуний экан, деган хулоса кела оламиз.

Ниҳоят, F_1 ва F_2 орқали ТГларда тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги баҳоларнинг тақсимот қонунларини белгилаб олиб, улар тенглиги ҳақидаги $K_0 : F_1 = F_2$ гипотезани Пирсон χ^2 - квадрат мезони орқали текшираемиз. Унга мос келган статистикани ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} X_{куз}^2 &= \sum_{i=1}^3 \frac{(m_{1i} - m_{2i})^2}{m_{1i} + m_{2i}} = \frac{(196 - 95)^2}{196 + 95} + \frac{(98 - 144)^2}{98 + 144} + \frac{(66 - 121)^2}{66 + 121} = \\ &= \frac{10201}{291} + \frac{2116}{242} + \frac{3025}{187} = 35,05 + 8,74 + 16,18 = 59,97 \end{aligned}$$

Биз тўлдираётган баҳолар учта («3», «4» ва «5») бўлганлиги учун Пирсон мезонини озодлик даражаси $x = 3 - 1 = 2$ бўлиб, унинг 95%лик критик нуқтаси $\chi_{кр}^2(2; 0,95) = 6$ га тенгдир. Аммо $X_{куз}^2 = 59,97 > 6$. Демак, биз K_0 гипотезани ҳам рад этиб, ТГларида тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги баҳолашдаги фарқ ҳам тасодифий эмас, балки қонунийдир, деган хулосага келамиз.

Тажриба-синов натижалари таҳлили асосида хулоса қилинадиган бўлса, тажриба гуруҳларида аъло даражада ўзлаштириш 14.8%га, ўртада даражада ўзлаштириш 13%га ўсганлиги математик-статистик усуллари орқали исботланди. Юқорида олиб борилган статистик таҳлил тажриба-синов ишларининг самарадор эканини кўрсатади. Ўтказилган тажрибавий ўқитиш жараёнида қуйидаги тавсиялар умумлаштирилди:

I. Дарсларни коммуникатив ёндашув асосида ташкил этишда ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ тавсиялар:

1. Ўқувчиларнинг инглиз тилида фикр ифодалашдаги шахсий ва эркин усуллари қўллашга рағбатлантириш, фикр ифодаланишида мазмунга эътибор бериш, хатолар ва нуқсонларга сабрли бўлиш.

2. Дарсни ташкил этишда ўқувчиларга тушунарли бўлган содалаштирилган мулоқот моделлари ва нутқ намуналаридан кенг фойдаланиш, чет тил табиий муҳитига яқин коммуникатив вазиятларни яратишга ҳаракат қилиш, ўрганилаётган чет тилда мулоқот қилиш – нутқ фаолият турида ва (типовой) вазиятда фикр алмашиш малака ва кўникмаларини эркин, тўлиқ ва адекват амалга ошириш шароитларини сунъий яратиш.

3. Ҳар бир ўқувчининг «энг яқин ривожланиш зонаси»ни, реал имкониятини, ёшга оид психологик ва физиологик хусусиятини, тил тажрибасини ҳисобга олиш; машғулотларни стрессдан холи вазиятда ўтказиш мақсадида мавзуларни гапирувчи кўғирчоқлар ёрдамида образлаштириш, анимациялаштирилган, юморга бой, буюмлар билан ўтказиладиган машғулотлар (activity) ташкил этиш; ҳаракатли, сюжетли, ролли, коммуникатив ва дидактик ўйинлар ташкил этиш; машқларни осон ва муваффақиятли бажарилишини таъминловчи педтехнологияларини ва воситаларни (алмаштириладиган жадваллар) қўллаш.

4. Оғзаки нутқ шаклини ўргатишда нутқ намунаси ва мулоқот моделларини ўзлаштиришдан иш бошлаш, машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишига эришиш, ўқувчиларни ўрганилаётган чет тил тузилмаси билан умумий таништириш, ўқувчиларнинг чет тил ўрганишга ва жонли мулоқотда ундан фойдаланишга мотивацияси (ички турткиси)ни ошириш, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини инглиз тилида намоён қилиш имкониятини яратиш, ўқувчиларни она тили ва ўрганилаётган чет тилнинг ўхшаш жиҳатларидан хабардор этиш, ўқувчиларнинг воситачи тил (метатил) тажрибаларини ривожлантириш, ўқувчиларни она тили ва ўрганилаётган чет тилнинг алоқадорлигидан фойдаланишга ўргатиш.

5. Визуал ёндашув ва мультисенсор (барча нутқ анализаторларини тўлиқ қўзғатувчи) ўрганишни татбиқ этиш, ўқув материални пухта ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида кўриш, эшитиш, ҳаракат (нутқҳаракат ва қўлҳаракат) анализаторлари иштирокидаги машқларга вақт ажратиш, лексик, грамматик ва талаффуз машқларини нутқ фаолиятини эгллаш мақсадига йўналтириш; машқ қилиш тил бирлиги тақдимотидан бошланиб, жонли мулоқот билан тугалланишига эришиш.

6. Ўқувчиларни атрофдагиларга нисбатан бағрикенглик ва турли кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; ўқувчиларда ўзлаштириш кўрсаткичларини мустақил ва ҳамкорликда аниқлаб бориш малака ва кўникмаларини шакллантириш; дарсларни компетенциялар эгалланишига мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ташкил этиш.

7. Грамматикани алгоритмик усулда ўргатиш, айрим содда грамматик тушунчаларни 3-4 синф ўқувчиларига тушунтиришда ўқувчилар диққатини нутқ вазиятига қаратиш ва буни бевосита кўрсатиб бериш; ўқувчилар диққатини барқарорлаштириш учун машғулот суръатини меъёрида олиб бориш; бошланғич синф ўқувчиларининг (ихтиёрий, барқарор, мустаҳкам, кучли, тўпланувчан, тақсимланувчан, фаол, онгли) диққатини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиш, ўқувчиларнинг аудитив идрокини, диққатни назорат қилиш ва тинглаганларини хотирада сақлаб қолиш кўникмаларини ривожлантириш.

8. Ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолашда ўқувчига шахс сифатида, яъни унинг шахсий кўрсаткичларига хайрихоҳ бўлиш, ўқувчининг топшириқни бажаришга йўналтирилган интилишларига ижобий муносабатда бўлиш, топшириқнинг қийнлик даражасидан келиб чиқиб йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиш, натижани яхшилаш бўйича аниқ топшириқлар бериш.

Ўқитувчининг амалга ошириши зарур бўлган юқоридаги тадбирлар бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тилини ўрганишларига, тил

ҳодисалари моҳиятини англаб етишларига ва ижодий фаолият кўрсатишларига замин яратади.

II. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ тавсиялар:

1. Таълим жараёни фақат ўқитувчи томонидан бошқариладиган жараён эмас, у ўқувчилар фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ўқувчининг ўзини-ўзи бошқариши натижасида ўқув жараёнининг фаоллашуви кузатилади. Ўқувчи – ўрганиш жараёнининг фаол иштирокчиси. Асосий эътибор чет тил ўрганилишига қаратиладиган, ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда ўрганиш устувор аҳамият касб этади. Инглиз тили дарсларида ўқувчининг ўз нутқини назорат қилиши, йўл қўйган хатоларини аниқлаши, бартараф этиши, мустақил ҳолда хулосалар чиқариши, қисман изланувчанлик ва ижодий топшириқларни бажаришда иштирок этиши инглиз тилини ўрганишда самара беради.

2. Ўз фаолиятини бошқаришга эришиши учун ўқувчи инглиз тилидан системали билимларга эга бўлиши, тил ҳодисаларини кузатиш, таққослаш, умумлаштириш каби ақлий фаолият усуллари билан қуролланган бўлиши лозим.

Таълим мазмуни билан боғлиқ тавсиялар:

дарслик чет тилдан коммуникатив компетенциянинг дастурий талаблар даражасида эгалланиши таъминловчи асосий воситадир. Уни қуйидаги замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиши тавсия этилади:

1. Дарслик-мажмуада нутқ мавзулари доирасидаги лексика, грамматика ва талаффузга оид тил материални барча нутқ фаолият турларида ўзлаштирилишига хизмат қилувчи машқлар миқдор жиҳатдан рационал бўлиши ва тил бирлиги тақдимотидан бошланиб, жонли мулоқот билан тугалланишига эришиш изчиллигини таъминлаши лозим.

2. Дарслик-мажмуанинг чет тил ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини тилни амалий эгаллаш чоғида уйғунлашган ҳолда юзага чиқаришга эришилишидаги фойдалилик даражасини ошириш.

3. Дарслик-мажмуа ўқув режа ва дастур талабларига мувофиқ нутқ фаолият турларидан билим, малака ва кўникмаларни интегратив ўзлаштирилишини таъминлаш ва ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш салоҳиятига эга бўлиши керак.

4. Оғзаки нутқнинг илгарилаши, чет тилда табиий нутққа яқинлашиш ва ибтидоий босқични жадаллаштириш тамойилларига асосан прагматик компетенциянинг эгалланишига эришиш мақсадида дарсликларда тақдим этиладиган лексик минимумни нутқ намуналари, мулоқот моделлари, жумлалар, жуфт сўз, қўшма сўз ва сўз бирикмалар ҳисобига рационлаштириш (методик тайёрлаш) лозим.

III боб юзасидан хулосалар

Ушбу бобда бошланғич синфларда инглиз тилида тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларининг эгалланганлик даражасини текшириш тажриба-синов ишлари ўз ифодасини топди.

1. Тажриба майдони сифатида танланган таълим муассасаларининг бошланғич синфларида инглиз тили ўрганиш ва ўргатишнинг ҳозирги ҳолати билан танишиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга асос бўлди.

Умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг дидактик, психологистик, методологик тамойиллари тўлиқ татбиқ этилмаяпти. Тадқиқот доирасида олиб борилган таҳлилларимиз натижасидан маълум бўлдики, бошланғич синфларда инглиз тили ўқитишга коммуникатив ёндашув методикасини такомиллаштириш ҳақиқатдан долзарб муаммолардан бири.

2. Бундан ташқари, тажриба-синов ўтказилган умумий ўрта таълим мактабларининг чет тил ўқитувчилари билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг дарс ўтиш жараёнлари кузатилди ва таҳлил этилди. Муаллимлар дарсларини кузатишда ўқув материалининг дидактик танланиши, амалий машғулотларнинг режалаштирилиши, ўқувчилар нутқий фаолиятини назорат

қилиниши, инглиз тили ўрганишга бўлган мотивациянинг рағбатлантирилиши, тилга оид ва предметлараро боғланишнинг таъминланиши каби масалаларга эътибор қаратилди, хулосалар умумлаштирилди.

Шу билан бирга, ўқувчиларининг чет тил ўрганиш эҳтиёж ва мақсадларини, инглиз тили дарсига бўлган муносабатларини билиш мақсадида суҳбатлар ўтказилиб, ўқувчиларнинг еттига савол бўйича фикр ва мулоҳазалари аниқланди. Суҳбатлар тадқиқотчи томонидан тузилган саволлар асосида тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқитувчилар томонидан олиб борилди.

3. Тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларининг шаклланганлик даражасини текширишда ТГ ва НГ гуруҳлари танлаб олинди. Тажриба материали тариқасида диссертант томонидан нашр этирилган услубий қўлланмадан ва машқлар бажарилишини ҳавозалашнинг Scaffolding модели ҳамда машғулотларда интеракция ва коммуникация содир бўлишини таъминловчи инновацион технологиялардан фойдаланилди.

Мазкур педагогик технологиялар қўлланилганида ТГда стресс (руҳий зўриқиш)дан холи оптимал вазиятлар яратилишига эришилди ва ўзлаштириш самарадорлиги оширилганлигига амин бўлдик. Иккала гуруҳ (НГ ва ТГ)да ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлишига қарамасдан, ТГ ўқувчиларининг фаоллиги, билим даражасининг ўсганлиги, уларда инглиз тилида тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларининг даражаси НГга нисбатан ошганлиги ва ижобий натижаларга эришганлигига амин бўлдик. Фан бўйича ҳам ТГ ўқувчиларининг олдинга силжиганлигига гувоҳ бўлдик. Эришилган ижобий томонлар бўйича мазкур бобда хулоса ва тавсиялар умумлаштирилди.

ХУЛОСА

Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар умумлаштирилди:

1. Бошланғич синфларда чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув ёш авлодга таълим ва тарбия бериш сарҳадларини сезиларли даражада кенгайтиради. Коммуникатив ёндашув асосидаги чет тил машғулотлари оғзаки илгарилаш, нутқий йўналганлик, яхлит ўргатиш, нутқ намунаси асосида чет тил ўргатиш, тил машқи ва нутқ амалиёти боғлиқлиги, чет тилда табиий нутққа яқинлашиш, ибтидоий босқични жадаллаштириш тамойилларига асосланган.

2. Коммуникатив ёндашувнинг таълим стратегияси сифатида қабул қилиниши натижасида «катталар дунёси» (педагоглар ва ота-оналар) «кичиклар дунёси» билан тенглик, диалогизм, ҳамкорлик, демократия, шахсга ва компетенцияларнинг эгалланишига йўналтирилган таълим, буюмлар билан манипуляция қилиш ва инсонлар билан интеракцияга киришиш орқали мустақил фаҳмлаб ўрганиш жараёнида коммуникация ўрнатади.

3. Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўрганиш жараёнида ўқувчининг тафаккур, хотира, диққат, идрок каби психологик жиҳатлари ва тил тажрибаси ривожланади, инглиз тилидаги товушларни бенуқсон (акцентсиз) талаффуз қиладиган бўлади, келажакда ўз фикрини табиий нутққа яқин ифодалай оладиган бўлади, чет тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланилишига халал берувчи психологик тўсиқлар бартараф этилади.

4. Оғзаки нутқнинг илгарилashi тамойилига мувофиқ содда мулоқот моделлари ва турғун бирикмаларнинг бой репертуари прагматик компетенциянинг эгалланишини таъминлаш билан бирга руҳий зўриқишни бартараф этади, грамматик қонуниятларни мустақил фаҳмлаб ўрганилишини таъминлайди.

5. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашувнинг назарий, руҳшунослик асослари ва нейролингвистик тадқиқотлар таҳлили асосида⁹ ёшгача чет тил ўрганиш катта ёшда чет тил ўрганишдан фарқ қилиши, 10 ёшгача чет тил ўрганиш жараёнида она тили интерференцияси кам кузатилиши аниқланди.

6. Чет тил ўрганишда ташқи мотивация муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам кичик мактаб ёши ушбу планда катта имкониятлар эшигини очади. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчида ўйин-мотивацияси кучли бўлади ва ундан фойдаланиш ҳар қандай тил бирлигини ўргатишда коммуникатив амалий аҳамиятга эга.

7. Тилга оид фонетик, лексик, грамматик ва орфографик компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига кўмаклашишнинг *Scaffolding* модели ҳамда машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлашнинг *Class survey* усули қўлланилганида хато қилишдан қўрқиш сабабли вужудга келадиган журъатсизланиш ва иккиланишнинг олди олинади. Ўқувчилар ўзларини ҳимояланган ҳис қилишади. Бу эса ўз навбатида машғулотларни стрессдан холи вазиятда ўтказилишини таъминлайди. Стресс қанча паст бўлса, мотивация шунча юқори бўлади. Мотивациянинг юқорилиги ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

8. Коммуникатив ёндашув шахслараро ва маданиятлараро интеракциянинг содир бўлишини таъминлайди. Бунда коммуникация таълим мақсади ва воситаси сифатида чет тил ўрганишда асос бўлади. Натижада, бошланғич синф ўқувчилари чет тилларни халқаро стандартлар талаблари даражасида эгаллаб, келажакда интеллектуал ривожланган рақобатбардош мутахассис сифатида камол топадилар. Бу эса мамлакатимизнинг лингвистик капиталга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини яратади.

9. Коммуникатив ёндашув бошланғич чет тил таълимида умумий ва коммуникатив компетенциянинг дастлабки даражаларини шакллантиради. Умумий компетенция деганда ўқувчининг билиш фаоллиги ва ўзга

лингвомаданиятни билиш ва у билан интеракция қилаолиш компетенцияси тушунилади. Ушбу компетенция асосида ўқувчилар:

- олам ҳақида ва тили ўрганилаётган мамлакатлар болаларининг ижтимоий-маданий портретини аниқ тасаввур эта оладиган бўладилар;

- ўрганилаётган чет тилда нутқий фаолият олиб бориш учун маълум даражада муваффақиятни таъминловчи индивидуал-психологик хусусиятларга эга бўладилар;

- этник, ирқий ва ижтимоий тенгликка ижобий муносабатда бўлишни ўрганадилар, тили ўрганилаётган мамлакатга хос муомала маданиятини эгаллайдилар.

10. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда ташкил этилган тажрибавий ўқитиш натижаларининг математик статистик таҳлили коммуникатив ёндашув асосида такомиллаштирилган методиканинг самарадор эканлигини исботлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Т.: Шарқ, 1998. – 23 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – №12.– Тошкент, 1995. – 257-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури. – Т.: Шарқ, 1997. – 42 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон Қарори. – Халқ сўзи. – № 240 (5660). – Тошкент, 2012.
6. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари. – Халқ таълими. – № 4. – 2013. – Б. 4-32.
7. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 184 б.
8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.
9. Каримов И.А. Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. – Т.: Маънавият, 2015. – 128 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 486 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс:

санаси: 26.11.2018 й.

12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь №258 (6952)

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 32 (792) сон, 2017. – Б. 167-169.

14. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 7. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 164 б.

15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 571 б.

16. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури. Тузувчилар: Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов. – Халқ таълими. – №4 – Тошкент, 2013. – 44 б.

17. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфлар учун дарслик мажмуа. Kids' English Class 1,2,3,4. А.Т.Ирискулов, С.Хан ва муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

18. Общевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. – М.: МГЛПУ. Сарма, 2005. – 248 с.

19. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. 2010. – 274 p. Electron resource: http://www.coe.intA/dg4/Linguistics/Source/CEFR_EN.pdf. Access date: 6.06.2018.

20. European Community Council Resolution of 16 December 1997 on the early teaching of European Union Languages. Electron resource: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX:31998Y0103%2801%29>.

Access date: 05.06.2018

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

21. Акбарова Ш.Х. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини (луғат билан ишлаш жараёни) ўқитишнинг лингводидактик асослари. Пед. фан. ном. дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 1999. – 140 б.
22. Алишова Р.К. Межъязыковая кыргызско-английская интерференция на уровне фонетики, грамматики и лексики (с позиции социолингвистики): Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Б.: Институт иностранных языков Кыргызстана, 2013. – 35 с.
23. Архипов В.И. Школьные учебники иностранного языка нового поколения: от теории к практике составления. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАОИ. Л. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 211-214.
24. Ахмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. – Т.: Fan va texnologiya, 2013. – 240 с.
25. Бакиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007.
26. Бахрамова М.Д. Болалар учун чет тил. – Т.: ЎзДЖТУ, 2016. – 156 б.
27. Биболетова М.З. Обучение иностранному языку в контексте языкового образования в современной российской школе. – М.: Просвещение, 2013. – 20 с.
28. Биболетова М.З. УМК по английскому языку EnjoyEnglish 1,2,3,4. – П.: Титул, 2014.
29. Верещагина И.Н., Рогова Г.В. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в общеобразовательных учреждениях. – М.: Просвещение, 2000. – 261 с.
30. Верещагина И.Н. УМК по английскому языку English 1,2,3,4. – М.: Просвещение, 2007.
31. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Лабиринт, 1999.– 352 с.
32. Габдулхаков Ф.О. Тил соҳиби. Тил ва адабиёт масалалари. № 5, 2018. – 48 б.

33. Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа: Методическое пособие. – М.: Айрисс-пресс, 2004. – 240 с.
34. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. – М.: Академия, 2007. – 336 с.
35. Гальскова Н.Д. Современная цель обучения иностранным языкам: от комплексного подхода к интеграции. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: Просвещение, 2013. – С.25-34.
36. Горлова Н.А. Личностно-деятельностный метод обучения иностранным языкам дошкольников, младших школьников и подростков. Теоретические основы. – М.: МГПУ, 2010. – 248 с.
37. Горлова Н.А. Смысловая сфера современного ребёнка как основа профилактики, коррекции и развития // Специальное образование. – 2013. – № 2. – С. 19-32.
38. Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дис ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2016. – 266 с.
39. Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане. // Русский язык за рубежом. – Специальный выпуск. Москва, 2017. – С. 50-57.
40. Джусупов М. Русский и английский языки – компоненты тюркско-инофонного полилингвального образования: дошкольное языковое образование // Вестник РУДН «Вопросы образования: языки и специальность». – № 3. Москва, 2015. – С. 25-31.
41. Джусупов М. Социолингвистика, лингводидактика, методика (взаимосвязь и взаимообусловленность) // Русский язык за рубежом. – № 1. Москва, 2012. – С. 22-28.
42. Джусупов М. Лингводидактика и методика в полинаучной системе языкового образования // Русский язык за рубежом. – № 2. Москва, 2009. – С.17-23.

43. Дронов В.П., Копылова В.В. Учебно-методическое обеспечение сегодня – переход к новым формам. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 211-212.

44. Дружинина В.Н. Психология: Учебник для гуманитарных вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – 254 с.

45. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факултетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2012. – 432 б.

46. Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh.S. English Language Teaching Methodology. – Т.: Fan va Texnologiyalar, 2015. – 336 б.

47. Жарова А.М. Потенциал современных УМК в области формирования учебно-познавательной компетенции младших школьников. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАОИ.Л. Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 214-218.

48. Заседателева М.Г. Терминологическое поле компетенция: организация терминологии системно-деятельностного подхода. // Сборник статей международной научно-практической конференции памяти академика РАО Инессы Львовны Бим. – М.: ТЕЗАУРУС, 2013. – С. 155-162.

49. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 2001. – 228 с.

50. Зинченко В.П., Мещерякова Б.Г. Большой психологический словарь. – М.: Прайм-ЕВРОЗНАК. 2003. – 858с.

51. Зуева И.Е. Коммуникативно-ориентированная методика обучения младших школьников лексической стороне иноязычной речи: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. ГОУ ВПО. Нижегородский государственный педагогический университет, 2009. – 40 с.

52. Иванова Н.В. Методика драматизации сказки как средство развития коммуникативности младших школьников при обучении иностранному

языку: Автореф. дис ... канд. пед. наук. – М.: МГОПУ им. М.А. Шолохова, 2007. – 18 с.

53. Иноятова М., Носиров А., Диванова М., Боймуродова Г., Бахромов Г., Расулова М., Абдукудусова Ф. Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш (инглиз тили, алифбе, она тили, ўқиш, математика ва табиатшунослик ўқув фанлари мисолида) / М.Иноятова тахрири остида. – Т.: ЎзПФТИ, 2014. – 168 б.

54. Колкер Я.М., Устинова Е.С., Еналиева Т.М. Практическая методика обучения иностранному языку: Учеб. пособие. – М.: Академия, 2000. – 264 с.

55. Махкамова Г.Т. Формирование навыков и умений устной иноязычной речи у дошкольников: Автореф. дис ... канд. пед. наук. Т.: УзДЖТУ, 2004.

56. Маякова Е.В. Деятельностная стратегия обучения дошкольников иностранному языку: Автореф. дис ... канд. пед. наук. – М.: МГПУ, 2006. – 22 с.

57. Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. English teaching methodology. – М.: Дрофа, 2005. – 253 с.

58. Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2007. – 152 б.

59. Митрофанова О.Д. Лингводидактические уроки и прогнозы конца XX века // Материалы IX Конгресса МАПРЯЛ. Братислава. Доклады и сообщения российских ученых. М.:, 1999. С. 345-363.

60. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.

61. Немов Р.С. Общие основы психологии. – М.: Владос, 2003. – 314 с.

62. Никитенко З.Н. УМК по английскому языку English 1,2,3,4. М.: Просвещение, 2010.

63. Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – 640 с.

64. Пассов Е.И. Цели обучения иностранному языку: учебное пособие.– Воронеж: НОУ «Интерлингва», 2002. – №6. – С.3-6.

65. Пиаже Ж. Речь и мышление ребёнка. – М.: Римис, 2008. – 416 с.
66. Рахимов Ф. Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. – Т.: Тамаддун, 2017. – 268 б.
67. Родина Н.М., Протасова Е.Ю. Методика обучения дошкольников иностранному языку: Учеб. пособия. – М.: Владос, 2010. – 210 с.
68. Саидов А., Бурханов А., Мирзо Ф. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. – Т.: Vaktoria press, 2018. – 226 б.
69. Сайдалиев С., ГабдулхаковФ. Психолингвистика. Махсус курс бўйича маъруза матнлари. – Наманган, 2001. – 62 б.
70. Сатторов Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с.
71. Синельников А. П. Психология обучения иностранным языкам. – Х.: Основа, 2009. – 128 с.
72. Убайдуллаев Ш.Н. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига маданиятлараро мулоқотни ўргатиш (немис тили материалида): Пед. фан. ном ... дис. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008. – 145 б.
73. Халеева И.И. «Лингуана» - вклад в культуру мира // «Лингуана-98» Третья международная конференция ЮНЕСКО, Москва, 3-7 июня, 1998. М.: МГЛУ, 2000. – С.29-34.
74. Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковой взаимодействия: Дис... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.
